

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ КАФЕДРАСИ

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ
фани бўйича

5380100-юриспруденция

таълим соҳаси, йўналиши (мутахассислик) учун

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тузувчи:

Ўқитувчи Р.Боймирзаева.

НАМАНГАН-2010 йил

Ушбу маърузалар матни 5380100-Юриспруденция таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 27 октябрдаги “373”-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ислом ҳуқуқи ” ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Наманган давлат университети илмий кенгашининг 2010 йил сентябрда тасдиқланган фаннинг ишчи дастури асосида тайёрланган

Тузувчи:

Ўқитувчи Р.Боймирзаева.

Такризчилар:

Ҳуқуқшунослик факультети декани,
юримдик фанлари номзоди, доцент:

М.Жиянов

Ҳуқуқшунослик факультети
Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси
мудир, ю.ф.н., доц,:

М.Акаева

СЎЗ БОШИ

Мусулмон ҳукуки - шариат ўрта асрлардаги Шарқ цивилизациянинг жуда катта ходисаси ҳисобланади. Бу ҳуқуқий тизим Араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста-секин ҳалқаро аҳамият касб этиб борган. Унинг ривожланиш жараёни араб давлатчилигини VII-аср бошида (Муҳаммад салоллулоҳу алайҳи вассалам даврида) кичик патриархал диний жамоадан VIII-X асрларда (Уммавийлар ва Аббосийлар даврида) йирик империялардан бирига ўсиб ўтиши жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Мусулмон ҳукуки ўзидан олдинги Шарқ ҳуқуқий маданиятининг кўнгина элементларини, жумладан, исломга қадар Арабистонда ва араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳаракатда бўлган ҳуқуқий одатлар ва анъаналарни ҳам ўзида акс эттирди.

Шариатда дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бундай қўшилиб кетганлиги, бир-биридан ажралмаганлиги, бўлинмаганлиги ўзига хос ифодасини шундай топғна эдики, бунинг нормалари бир томондан ижтимоий (кишилиқ) муносабатларини тартибга солган, иккинчи томондан эса «мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабатларини (ибодат қилишларини) белгиланган. Шариатнинг илоҳий тадбиқ этилиши ва диний-ахлоқий асослари ҳуқуқни тушунишнинг, шунгдек, қонуний ва ноқонуний хатти-ҳаракатга баҳо беришнинг ўзига хослигида ўз аксини топган. Масалан. Ҳуқуқнинг ислом илоҳиёти билан чамбарчас боғлиқлиги шариатда ҳар бир мусулмон томонидан содир этилиши лозим бўлган ёки мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатларнинг аниқ кўрсатиб қўйилганлигида ўз ифодасини топган.

Мусулмон ҳуқуқшунос олимлари шариатнинг асосий ва анъанавий қоидаларини сақлаб қолган ҳолда соф юридик табиатга эга бўлган кўпдан-кўп ҳуқуқий таълимотлар ва нормалар ишлаб чиқдилар.

Ўрта асрлардаги, айниқса даслабки пайтлардаги, мусулмон ҳуқуқини тавсифловчи муҳим белгилардан бири унинг нисбатан яхлитлиги, бутунлигида эди. Унда яқка худо-Аллоҳ ҳақидаги тасаввурлар билан бирга универсал характерга эга бўлган ягона ҳуқуқий тартибот ҳақидаги ғоя ҳам ўрнатилган. Дарҳақиқат, Арабистон ярим оролида вужудга келган мусулмон ҳукуки давлатнинг чегаралари кенгайиб бориши билан кўпдан-кўп янги ҳудудларга тарқалган.

Бироқ, мусулмон ҳукуки аввало ҳудудий эмас, диний, масжидларга оид принцип асосида майдонга чиққан. Ҳар бир мусулмон у қаерда, қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, шариатга риоя қилиши, исломга содиқ қолиши лозим. Исломнинг аста-секин кенг тарқала бориши ва жаҳон динларидан бирига айланиши билан шариат ўзига хос жаҳон ҳуқуқий тизими бўлиб қолган. Шариатнинг анна шундай яхлит, бир бутун ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқиши унинг Ғарбий Европа мамлакатлари ҳуқуқидан фарқ қилувчи муҳим жиҳатларидандир. Маълумки, Ғарбий Европа мамлакатларида ҳуқуқ хилма-хиллиги, бир бутун, яхлит эмаслиги, ҳаракат доирасининг чекланиб қолганлиги, ички қарама-қаршилиқлари ва бошқа жиҳатлари билан тавсифланади.

Шариат диний ҳуқуқ сифатида Европа мамлакатларидаги каноник (диний, муқаддас, қатъийлашган, ўрнак бўлиб қолган) ҳуқуқдан ҳам фарқ қилиб, ижтимоий ва черков ҳаётининг фақат аниқ кўриниб турган соҳаларинигина эмас, балки кенг қамровли ва жуда кўп масалаларини ўз ичига олган ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқади.

Умуман олганда, ўрта асрларнинг меваси бўлган мусулмон ҳуқуқий тизими илоҳий қонун қоидалар ва ўзгартирмайдиган ўзига хос тартиблар асосда ривожлантирилганлигини эътиборга олиб, мусулмон ҳуқуқшунослиги узоқ даврлар мобайнида амалда эканлиги ва шу билан биргаликда кўплаб ҳуқуқ тизимлари учун манба сифатида хизмат қилган.

1-БОБ.Мусулмон ҳуқуқи" фанининг тушунчаси, предмети, услуби ва аҳамияти.

РЕЖА

1.Мусулмон ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши хусусиятлари

2. Фанни ўқитилишининг мақсад ва вазифалари.

3. Мусулмон ҳуқуқи фанининг вазифалари

4.Мусулмон ҳуқуқининг предмети

5.Мусулмон ҳуқуқининг ўрганиш услублари

1.Мусулмон ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши хусусиятлари

Мусулмон ҳуқуқи - шариат ўрта асрлардаги Шарқ цивилизациянинг жуда катта ходисаси ҳисобланади. Бу ҳуқуқий тизим Араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста -секин ҳалқаро аҳамият касб этиб борган. Унинг ривожланиш жараёни араб давлатчилигини VII-аср бошида (Муҳаммад салоллулоҳу алайҳи вассалам даврида) кичик патриархал диний жамоадан VIII-X асрларда (Уммавийлар ва Аббосийлар даврида) йирик империялардан бирига ўсиб ўтиши жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Араб халифалиги кулагандан сўнг мусулмон ҳуқуқи нафақат ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотди, балки янада тараққий этди, худди ўрта асрларда Европадаги рим ҳуқуқи сингари «иккинчи маротаба дунёга келди», ҳамда ўрта асрлардаги Осиё ва Африканинг у ёки бу даражада исломни қабул қилган қатор мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Усманийлар империяси ва бошқа кўпгина давлатлар)нинг амалдаги ҳуқуқида ҳам мусулмон ҳуқуқи араб истилосидан бошлаб то «қизил империя» ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар муҳим ўзгаришларсиз ҳаракатда бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи ўзидан олдинги Шарқ ҳуқуқий маданиятининг кўнгина элементларини, жумладан, исломга қадар Арабистонда ва араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳаракатда бўлган ҳуқуқий одатлар ва анъаналарни ҳам ўзида акс эттирди.

Шариат энг бошидан қатъий диний ҳуқуқ сифатида вужудга келди ва ривожланди. У ислом илоҳиёти билан узвий қўшилиб кетди, унинг диний ахлоқий тасаввурларини мужассам этди. Ислом таълимоти бўйича диний қоидалар ягона Аллоҳ томонидан ўрнатилган тартиб ва қонунларнинг бир қисми бўлиб, улар билан бутун дунё бошқарилади. Айниқса дастлабки вақтларда умуман шариат ва хусусан фикҳ¹ ўзида фақат ҳуқуқий қоидаларни акс эттирибгина қолмай, диний таълимот ва ахлоқни ҳам мужассам этган.

Шариатда дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бундай қўшилиб кетганлиги, бир-биридан ажралмаганлиги, бўлинмаганлиги ўзига хос ифодасини шундай топғна эдики, бунинг нормалари бир томондан ижтимоий (кишилиқ) муносабатларини тартибга солган, иккинчи томондан эса «мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабатларини (ибодат қилишларини) белгиланган. Шариатнинг илоҳий тадбиқ этилиши ва диний-ахлоқий асослари ҳуқуқни тушунишнинг, шунгдек, қонуний ва ноқонуний хатти-ҳаракатга баҳо беришнинг ўзига хослигида ўз аксини топган. Масалан. Ҳуқуқнинг ислом илоҳиёти билан чамбарчас боғлиқлиги шариатда ҳар бир мусулмон томонидан содир этилиши лозим бўлган ёки мумкин бўлмаган хатти -ҳаракатларнинг аниқ кўрсатиб қўйилганлигида ўз ифодасини топган .

Шариатда барча хатти- ҳаракатлар дастлаб икки турга - ҳаром ва ҳалолга ажаратилади. Кейинчалик шариат шаклланиб тугалланган даврда бешта тоифа вужудга келган. Булар: фарз- бажарилиши қатъий мажбурий хатти-ҳаракатлар; мандуб (суннат)- мажбурий эмас, лекин мақул, лозим деб ҳисобланган нормалар; мубоҳ ихтиёрий нормалар; макруҳ номаъқул нормалар; ҳаром қатъий равишда таъқиқланган хатти - ҳаракатлар. Булар ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий-диний мазмунга эга бўлиб, мажбуриловчи,

¹ **Фикҳ** (арабча-тушуниш) - мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шугулланувчи соҳа.

тавсия қилувчи, йўл қўювчи, лекин жазо қўлланилмайдиган, таъқиқловчи ва жазога лойиқ (мустаҳик) характердадир. Шариат меъёрларининг илоҳийлиги, олдиндан белгилаб қўйилганлиги мусулмонлар иродасининг шариат доирасидаги эркинлиги ҳақидаги масаланинг жуда катта аҳамиятини белгилайди. Бу масалага дуч келган диний-фалсафий мактаблар турли мавқени эгаллаган: Масалан, шундай мактаблардан бири жабарийлар¹ икки инсон иродаси эркинлигини бутунлай инкор этган. Улар инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, улар фақат худога мавжуд, инсон эса ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятига эга деган таълимотни илгари сурган.

Шариат учун айниқса, унинг ривожланишидаги дастлабки босқичларда, мусулмоннинг ҳуқуқларига эмас, балки унинг Аллоҳ олдидаги бурчларига эътибор бериш характерлидир. Шариатда мусулмонларнинг бундай мажбуриятларини ўрнатувчи нормалар жуда кўп бўлиб, улар мусулмоннинг бутун ҳаётини (ҳар куни беш вақт намоз ўқишини, рўза тутиши, дафн маросимларига риоя қилиши ва ҳ.к. фаолиятини) белгилайди. Шариат нормаларининг ўзига хос хусусияти айнан Ушбу нормаларнинг фақат мусулмонларга ва мусулмонлар ўртасидаги муносабатларга татбиқ қилинишида эканлиги ҳам тасодифий эмас.

Илк ислом ва шариатга жамоа тузумидан ўсиб чиққан нормалар-қоидалар хосдир. Бундай нормаларда коллективчилик, раҳимдиллик, майиб-мажруҳ ва бошқа ночор кишилар ҳақида ғамхўрлик элементлари сақланиб қолган эди. Бироқ албатта шариатда инсоннинг худо олдида ожизлиги ҳақидаги унга сўзсиз итоат этиши ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўз ифодасини топган. Қуръони Каримда мусулмон учун сабр - тоқат ва мўминлик зарурлиги алоҳида таъкидланади: «Сабр қилинг, Аллоҳ сабр қилувчилар билан».

Шу тариқа шариатда мусулмоннинг подшога ва давлат ҳокимиятига бўйсунуш мажбурияти мустаҳкамланган: «Аллоҳга бўйсунинг ва унинг элчисига ва ораларингиздаги ҳокимият эгаларига итоат этинг».

Шариатнинг дастлаб ўта илоҳий-диний характерда бўлганлиги унинг ҳуқуқий тузилиши ва тушунчаларининг ўзига хослигини белгилаган, ақл-идроқка асосланган ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятига тўсқинлик қилган. Бироқ, у VIII- IX- асрларда шариат патриархал жамоа ва қабилавий идрок қилиш доирасидан ташқари чиқиб, феодаллашаётган ижтимоий муносабатлар билан тўқнаш келган ва жуда кўп мусулмон илоҳиётчи ҳуқуқшуносларнинг фаол саъй-ҳаракатлари шарофати билан кўпроқ даражада ақл-идроқ асосланган ҳуқуқ сифатида намоён бўла бошлаган.

Мусулмон ҳуқуқшунос олимлари шариатнинг асосий ва анъанавий қоидаларини сақлаб қолган ҳолда соф юридик табиатга эга бўлган кўпдан-кўп ҳуқуқий таълимотлар ва нормалар ишлаб чиқдилар.

Ўрта асрлардаги, айниқса даслабки пайтлардаги, мусулмон ҳуқуқини тавсифловчи муҳим белгилардан бири унинг нисбатан яхлитлиги, бутунлигида эди. Унда яқка худо-Аллоҳ ҳақидаги тасаввурлар билан бирга универсал характерга эга бўлган ягона ҳуқуқий тартибот ҳақидаги ғоя ҳам ўрнатилган. Дарҳақиқат, Арабистон ярим оролида вужудга келган мусулмон ҳуқуқи давлатнинг чегаралари кенгайиб бориши билан кўпдан-кўп янги ҳудудларга тарқалган.

Бироқ, мусулмон ҳуқуқи аввало ҳудудий эмас, диний, масжидларга оид принцип асосида майдонга чиққан. Ҳар бир мусулмон у қаерда, қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, шариатга риоя қилиши, исломга содиқ қолиши лозим. Исломнинг аста-секин кенг тарқала бориши ва жаҳон динларидан бирига айланиши билан шариат ўзига хос жаҳон ҳуқуқий тизими бўлиб қолган. Шариатнинг ана шундай яхлит, бир бутун ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқиши унинг ғарбий Европа мамлакатлари ҳуқуқидан фарқ қилувчи муҳим жиҳатларидандир. Маълумки, Ғарбий Европа мамлакатларида ҳуқуқ хилма-хиллиги, бир бутун, яхлит эмаслиги, ҳаракат доирасининг чекланиб қолганлиги, ички қарама-қаршиликлари ва бошқа жиҳатлари билан тавсифланади.

¹ **Жабарийлар** (арабча жабр қилиш, мажбурлаш деган маънони билдиради). 7-аср охири 8-аср бошида ислом илоҳиётида пайдо бўлган илк оқим тарафдорлари.

Шариат диний ҳуқуқ сифатида Европа мамлакатларидаги каноник (диний, муқаддас, қатъийлашган, ўрнатилган) ҳуқуқдан ҳам фарқ қилиб, ижтимоий ва черков ҳаётининг фақат аниқ кўриниб турган соҳаларинигина эмас, балки кенг қамровли ва жуда кўп масалаларини ўз ичига олган ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқади.

Мусулмон ҳуқуқи шариат дастлаб, Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларида ўрнатилаган бўлса, сўнгра вақт ўтиши билан унинг ҳаракат доираси Ўрта Осиё, Кавказ орти, Шимолий шунгдек, қисман Шарқий ва ғарбий Африкага, Жанубий-Шарқий Осиёдаги қатор мамлакатларга ҳам тарқалади. Бироқ ислом ва шариатнинг бунчалик шиддат билан ва кенг тарқалиши унда тобора маҳаллий хусусиятларнинг намоён бўлишига олиб келган. Бунинг натижасида алоҳида ҳуқуқий институтларни шарҳлаш ва муайян ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда шариатда турли қарама-қаршиликлар турли ҳил ёндошувлар вужудга келган. Оқибатда эса исломда турли оқимлар, йўналишлар ва мазҳаблар пайдо бўлган.

Умуман олганда, ўрта асрларнинг меваси бўлган мусулмон ҳуқуқий тизими илоҳий қонун қоидалар ва ўзгартирмайдиган ўзига хос тартиблар асосда ривожлантирилганлигини эътиборга олиб, мусулмон ҳуқуқшунослиги узок даврлар мобайнида амалда эканлиги ва шу билан биргаликда кўплаб ҳуқуқ тизимлари учун манба сифатида хизмат қилган.

Ислом – Арабистоннинг саҳро кенгликлари бағрида вужудга келган бўлиб, жаҳоннинг учта буюк динларидан биридир. Қолган икки дин–христианлик ва иудаизм. Уччала дин ҳам бир–бири билан узвий боғланган, чунки амалда улар айни бир Худони шарафлайди.

Тарихий нуқтаи назардан ислом энг ёш дин ҳисобланади, лекин мусулмонлар ўз динини энг қадимги дин деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, христианлик замирида ҳам, иудаизм замирида ҳам ислом дини ётади.

Машҳур арабшунос олим, ислом дини бўйича йирик мутахассис, қуръони Каримни рус тилига ўғирган инсон – академик И.Ю.Крачковский Шундай деб ёзган эди: "Араблар тарих майдонида ислом дини билан бирга пайдо бўлган бўлсаларда, уларнинг муҳитида сезиларли даражадаги сиёсий ва маънавий жонланши бундан бир ярим аср олдин бошланган эди. У, бир томондан, аста–секин ислом динига замин ҳозирлаган диний масалаларга қизиқишнинг кучайишида, бошқа томондан эса, поезиянинг равнақида ўз аксини топган"¹.

Ҳозирги дунёда ислом динига 172 та мамлакатда яшовчи 1,3 млрд киши эътиқод қилади. Мусулмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиё қатъасида қарийб 30% Африкада истиқоат қилади. Аҳолиси мусулмон бўлган 120 дан ортиқ мамлакатларнинг 40 дан зиёдида мусулмонлар мазкур мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилади: масалан, Индонезияда 210 млн, Покистонда –150 млн, Бангладешда –110млн, Нигерияда –80 млн, эрон ва Туркияда –65 млн, Мисрда–60 млн, Марокаш ва Жазоирда 30 млн, Ҳиндистонда – 140млн ҳамда Саудия Арабистонида – 17 млн дан ортиқ мусулмонлар истиқомат қилади².

Мусулмон (ислом динига эътиқод қилувчи) бўлиш ҳозирги вақтда албатта араб миллатига мансуб бўлишни назарда тутмайди. "Мусулмон" сўзи "ўзини Аллоҳга бағишлаган" деган маънони англатади. Ислом динига эътиқод рамзи қуйидаги икки калимада мужассамлашган: "Ла ила–ҳа илл–Аллоҳу Муҳаммад–ур–Расулulloҳ" ("Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Муҳаммад Унинг Пайғамбаридир").

Бу икки асосий калимани мусулмонлар тил билан айтиб, дил билан тасдиқ этиши шарт қилинган. Уларни инсон тил билан айтсаю, дили билан тасдиқламаса, яъни ўзи ишонмаса, ундай киши исломда мунофиқ ҳисобланади.

Муҳаммад Пайғамбар (САВ) ислом асосчиси деган олий рутбани доим ўзидан соқит этган ва қуйидаги оятга ишора қилган: "Айтинг (эй Муҳаммад), "Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарсаларга (Қуръонга) ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ- авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари

¹Артамонов С.Д. Литература для средних веков. –Москва: "Просвещение", 1992. 8-бет

²М. Нишонов, И. Турғунов. "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий–маърифий асослари". //Наманган нашриёти.2006йил.– 35–бет

томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг ўзигагина бўйинсунгувчилармиз", деб айтиш"¹.

Диний тизим сифатидаги исломни ўрганишда мусулмон қонунларининг тизимга солинган мажмуаси – Шариат асосларини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Ҳукукий нормаларни у ёки бу диний эътиқод билан асослаш барча замонларга хос бўлган ва анча кенг тарқалган ҳодисадир.

Ислом ҳуқуқшунослиги ҳам бундан мустасно эмас. Ислом ҳуқуқи тадқиқотчилари одатда унинг қуйидаги икки ўзига хос ва ўзаро боғланган хусусиятига эътиборни қаратадилар: – диний келиб чиқиши ("Илоҳий табиати"); – юридик қоидалар ислом илоҳиёти, ахлоқ қоидалари, урф–одатлари ва умуман ислом диний меъёрлари билан узвий боғлиқлиги. Масалан, Й.Шаҳт ислом ҳуқуқига дин ва давлат дуализми ҳослигини таъкидлайди².

"Ислом (ўзаги "салама" – Аллоҳга итоат этиш) – бу аввало дин, сўнгра давлат ва ниҳоят, маданиятдир", деб ёзади Р.Шарль.³

Шарқ билимдони А.Массе ислом ҳуқуқида расм–русум масалалари ҳуқуқ нормалари билан муштарак эканлигини таъкидлайди⁴.

Н.Торнау исломда ҳуқуқи нормаларига ибодат қоидалари билан бирга фикҳнинг бир–бирини тўлдирувчи икки қисми сифатида қаралишини таъкидлаб, Шундай деб ёзади: "Мусулмонларнинг фуқаролик қоидаларида ратио легис қай даражада баркамол бўлмасин, у мавжуд ва муҳтасар тарзда диний ақидаларга бўйсунишда ифодаланади"⁵.

Таникли шарқшунос И.Петрушевский илоҳиёт ва ҳуқуқни ислом "диний қонуннинг иккк тармоқи сифатида тавсифлайди⁶.

Христиан ҳуқуқи ва бошқа диний қонунчилик тизимларидан ислом ҳуқуқининг асосий фарқи шундаки, христиан ҳуқуқи ва бошқа диний қонунчилик тизимлари асрлар мобайнида мавжуд бўлса–да, ҳеч қачон ўзи билан бирга амал қилган дунёвий ҳуқуқий нормалар ўрнини тўлиқ босмаган, ислом дунёсида эса, ислом дини вужудга келган пайтдан (ВИИ аср) XIX аср охиригача ислом ҳуқуқидан бошқа қонунчилик тизимлари мавжуд бўлмаган.

Умавийлар (661–750) ва айниқса Аббосийлар (750–1258) даврида фақиҳларнинг ("фақиҳ" – ал–фиқҳ билимдони) бир неча авлодлари ислом ҳуқуқини ижтимоий ҳаётнинг барча "ҳодисалари ва эҳтиёжларини қамраб" олишга қодир мукаммал мажмуага айлантириш учун кураш олиб бордилар.

Мусулмонларга нафақат амирлар – дунёвий ҳукмдорлар, балки имомлар – мусулмонлар жамоасининг маънавий раҳбарлари бўлиб кўринишни хоҳлаган аббосийлар фақиҳлар Суннани тўплаши, ўрганиши ва ўқитишига ҳомийлик қилдилар.

Бундан ташқари, улар ислом диний таълимоти ва ҳуқуқи, шунингдек ҳуқуқ фани (ал–фиқҳ) ривожланиши учун ҳадис ижодкорлиги ва ҳадисларни йиғиш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунганлар.

Ислом ҳуқуқий ва диний қоидалари ўртасида узвий алоқа мавжудлиги, ислом ҳуқуқи диний заминга эга эканлиги, унинг "исломий" хусусияти шубҳасиздир. Бу факт амалдаги юридик нормалар тизими сифатидаги ислом ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили билан тасдиқланган. Бу ерда аввало исломнинг барча норматив қоидалари илоҳий заминга эга эканлиги тўғрисида сўз юритилмоқда.

Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида (исломнинг ноюридик нормалари сифатида ҳам) Қуръони Карим ва Сунна эътироф этилади. Замирида илоҳий калом ваҳий

¹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. "Ўзлпон" .43–бет.

² Счатчт Ж. Дроит Бйзатинэн Дроит Мусулман –Роме , 1956. – Р.2

³ Шарль Р. Мусулманское право. Пер. с франц. С.И.Волка. –Москва: Изд–во "Иностранная литература". 1959.– С.П. С11

⁴ Массе А. Ислам. Очерк история. –Москва: "Наука", 1982.–С.80

⁵ Торнау Н.Н. Особенности исламского права. – Дрезден, 1880. –С.13.

⁶ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в средних веках. Курс лекций. –Ленинград: Изд–во ЛГУ, 1966.–С.12

этувчи Куръони Карим ва Суннада энг аввало юридик маънодаги ислом ҳуқуқи мазмунини белгиловчи ислом дини асослари, диний ибодат ва ахлоқ қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган.

2. Фани ўқитилишининг мақсад ва вазифалари.

"Мусулмон ҳуқуқи" фанини ўқитилишидан мақсад мусулмон ҳуқуқини исломча давлат ва ҳуқуқ ғоясининг инсониятнинг маънавий маданиятига қўшган ҳиссаси, умумжаҳон маданиятининг ажралмас бўлаги ва мустақил ҳуқуқий тизим сифатида ўрганишдан иборатдир.

Ушбу мақсадларда мусулмон ҳуқуқи ўқув фани сифатида қуйидаги йўналишлар бўйича ўргатиш муҳим рол ўйнайди:

- мусулмон ҳуқуқи - шариат назарияси ва тарихи, ислом ҳуқуқий ғоялари тарихи.
- мусулмон ҳуқуқи - ислом ҳаётининг муҳим элементи.
- шарқ ҳуқуқий тизимларида мусулмон ҳуқуқи: тарихи ва бугуни.
- мусулмон ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари.
- республикамиз ижтимоий-норматив ва маънавий маданиятида мусулмон ҳуқуқи.
- ҳокимият ва бошқа сиёсий концепциялар ҳақидаги исломча қарашларнинг ҳуқуқий муаммолари.
- бугунги кун мусулмон ҳуқуқи тузилмаси, шакли ва таркибидаги шариатнинг соҳавий муаммолари.

"Мусулмон ҳуқуқи" фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат: талабаларга шариат қадриятларини ҳурмат қилиш ва қадрлашни ўргатиш.

"Мусулмон ҳуқуқи" фани талабаларда бизнинг халқимиз ва давлатимиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлган мусулмон ҳуқуқига нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила тарбиялаш учун мўлжалланган.

3. Мусулмон ҳуқуқи фанининг вазифалари

- мусулмон ҳуқуқининг предмети ва услуби.
- мусулмон ҳуқуқининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.
- Ўзбекистонда фикхнинг пайдо бўлиши ва унда мусулмон диний-ахлоқий идеал ва юридик амалиётининг акс эттирилиши;
- мусулмон ҳуқуқининг назарий асосларини ислом маънавий меросининг муҳим қисми сифатида;
- мусулмон ҳуқуқида диний - ахлоқий ва юридик ғояларнинг ўзаро алоқасини;
- мусулмон ҳуқуқи мусулмонларнинг ижтимоий-норматив маданияти ва ҳаёт тарзидаги тутган роли ва аҳамиятини;
- исломда диний, ҳуқуқий, одоб-ахлоқ ва бошқа элементларни ижтимоий-норматив тартибга солишнинг ўзаро муносабатларини;
- мусулмон ҳуқуқи ва маҳаллий урф - одатларни;
- мусулмон ҳуқуқи ривожланишининг босқичлари;
- ҳалифаликда давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, ҳалифаликнинг тарихий - ҳуқуқий омилларини;
- мусулмон ҳуқуқининг асосий ва қўшимча манбалари;
- мусулмон ҳуқуқининг мактаблари (мазҳаблари) ва уларнинг таълимоти;
- мусулмон ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқий тизимлар билан ўзаро алоқаси;
- Ўзбекистонда мусулмон ҳуқуқи ва мусулмон ҳуқуқий ғояси тарихини;
- мусулмон фуқаролик ҳуқуқининг айрим нормалари;
- республикамиздаги сиёсий ҳаракатларнинг мусулмон ҳуқуқий муаммоларини билиши ва қўллаш олиши керак.
- илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлардан асосий кўникмаларга эга бўлиш.
- мустақил фаолиятга қobiliятли.
- олган билимларини касбий фаолиятининг ҳар хил соҳаларида қўллаш олиши юзасидан кўникмаларга эга бўлиши керак.

4. Мусулмон ҳуқуқининг предмети

Нима бўлганда ҳам, ислом ҳуқуқи ўзига хос ҳуқуқий принциплар, конструкциялар ва тартибга солиш усуллариغا эга бўлган мустақил ҳуқуқий тизим (оила) ҳисобланади. Бу ҳуқуқий принциплар, конструкциялар ва тартибга солиш усулларида турли ижтимоий–сиёсий шароитда фойдаланиш мумкин. Ислом ҳуқуқи – узоқ ривожланиш тарихига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодиса. Ислом дини билан узвий боғланган ислом ҳуқуқи у билан чатишиб кетмаган ва мустақил ҳуқуқий тизим сифатида қаралиши мумкин.

Ислом ҳуқуқини тадқиқ қилиш ҳуқуқшунослик учун нафақат тарихий, балки назарий аҳамиятга ҳам эгадир. Ислом ва ислом ҳуқуқи жамиятшуносликнинг кўпгина тармоқлари томонидан ўрганилади. Уларнинг ҳар бири бу муаммони ўз мақсадларига мувофиқ тадқиқ қилади. Табиийки, юридик фани ҳам ислом ҳуқуқини муайян нуқтаи назардан ўрганади.

Масалан, ҳуқуқшуносликнинг етакчи тармоғи – давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси:

- ✓ ислом ҳуқуқи вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятларини;
- ✓ мусулмон давлатларидаги ҳокимиятнинг ижтимоий моҳиятини;
- ✓ уларнинг бошқарув шакллари ва давлат қурилишининг ўзига хос хусусиятларини;
- ✓ ислом ҳуқуқининг табиати, манбалари ва мактабларини;
- ✓ унинг таркиби, асосий институтлари ва тармоқларини;
- ✓ ҳозирги мусулмон мамлакатлари миллий ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатларини ўрганади¹.

"Ислом ҳуқуқи" фанининг предмети тўғрисида сўз юритганда, доим бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқ, фанидан ислом ҳуқуқининг умумий ва ўзига хос фарқларини таҳлил қилиш лозим. Бунда доим барча мусулмонлар учун умумий қонун–қоидалар мажмуи – Шариат мавжудлигини, у мусулмонлар ҳаётида бир хилда қўлланилишини эътиборга олиш зарур. Ислом ҳуқуқи асослари билан танишмоқчи бўлган ҳар бир инсон, аввало, ҳуқуқ ҳақидаги ҳозирги замон Европа фанининг тушунчалари ва тамойиллари ислом қонунчилиқ тизимиغا мос келмаслигини ҳисобга олиши лозим.

5. Мусулмон ҳуқуқининг ўрганиш услублари

Ислом қонунчилиғи ва унинг асосий қисми бўлмиш ислом ҳуқуқи қуйидаги услубларда ўрганилади:

Биринчиси: Илмий услуб. Ушбу услуб асосида фикҳнинг туб моҳиятига этиб бориш учун унинг асосий манбалари, усулул–фикҳ (ислом ҳуқуқи методологияси), фикҳий мактаблар (мазҳаблар) юзага келишининг омиллари, фикҳий ҳукмларнинг фалсафий томонларини очиб бериш билан бирга фуруъул–фикҳ, яъни фикҳий назарияларнинг амалий ҳаёт билан уйғунлашуви кўрсатиб ўтилади.

Иккинчиси: Тарихий услуб асосида ислом ҳуқуқи юзага келиши, ўсиб ривожланиш босқичлари, турли мазҳаблар юзага келишининг объектив ва субъектив омиллари тарихий фактларга асосланиб ўрганилади. Ислом ҳуқуқини тарихий услубда ўрганиш ушбу фанни аниқроқ англаб, тарих жараёнида тутган ўрнини ҳар томонлама кўрсатишга ёрдам беради.

Бу соҳада ёзилган Абу Заҳранинг "Ислом мазҳаблари тарихи", суннийликнинг тўрт мазҳаби асосчилари ҳақидаги муҳим китоблари, доктор Муҳаммад Юсуф Мусо қаламига мансуб "Ислом фикҳи тарихи" китоби, шайх Муҳаммад Хузарийбекнинг "Тарихут–ташриъил–исломий" (Ислом шариати тарихи), доктор Аҳмад Шалабийнинг "Ат–ташриъу вал–қазо фил–фикрил–исломий" ("Исломий тафаккурда қонун ва суд"), "Абдуллатиф ас–Субкий, Муҳаммад Али ас–Соис ва Муҳаммад Юсуф ал–Баририйнинг "Тарихут–ташриъил–исломий" китоби, турк олимлари Саййидбек ва Исмоил Ҳақкий яратган асарлар алоҳида диққатга сазовордир.

Учинчиси: қиёсий услуб. Ушбу услубдан мақсад, ислом ҳуқуқини бошқа ҳуқуқий тизимлар билан солиштириб ўрганиб, бир–биридан таъсирлангани ёки бир–бирига таъсир ўтказгани, шунингдек, ўхшаш ва қарама–қарши томонларини очиб беришдир.

¹ Саидов А. Основы мусульманского права. Курс лекций. –Т: Академия МВД Республики Узбекистан, 1994. –7–6

Ушбу соҳада мисрлик олим Саййид Абдулло Али Ҳусайн ёзган 4 жилдлик "Ал-Муқоранатут-ташриъийя байнал-қавонинил-вазъийя ват-ташриъил-исломий" ("Дунёвий қонунлар ва ислом шариатини (қонунларини) қиёсий қонуншунослик асосида ўрганиш") номли муҳим китоб, Абдулқодир Ўда битган икки жилдлик "Ат-Ташриъул-жиноий ал-исломий муқоранатан бил-қонунил-вазъий" (Ислом жиноий қонунларини вазъий қонунлар билан қиёсий ўрганиш") номли китоби, доктор Муҳаммад Жаъфарий Лангрудий ёзган "Ислом ҳуқуқида ҳуқуқий мактаблар", профессор А. Саидовнинг "Сравнительное правоведение" ("қиёсий ҳуқуқшунослик") китоби ва бошқа бир қатор асорлар катта аҳамиятга эгадир. Ислом мазҳаблари бўйича қиёсий ҳуқуқшунослик соҳасида ёзилган энг муҳим асар имом Марғинонийнинг "ал-Ҳидоя" асари ҳисобланади.

Тўртинчиси: Жазмий(догматик) услуб. Ушбу услуб асосида ислом таълимоти ва шариат замон ва макондан, яъни ижтимоий ва иқтисодий шароитдан ажратиб ўрганилади.

Догматик услуб шариат ва ислом ҳуқуқини ҳақиқий ва ҳаётий мазмунидан узоқлаштириб, шахс жамият ва давлатнинг барча фаолиятлари ҳамда хатти-ҳаракатини шариат вакиллари деб тан олинган кишилар назорати остига қўяди. Бунайсиз қарашлар ислом ҳуқуқининг ривожланиш ва ҳаёт билан уйғунлашиш йўлини тўсиб қўяди. Айри ислом давлатларида чиқарилган қонунларга биноан парламент чиқарган қарорларни бир гуруҳ руҳоний намоёндалари назорат ва бекор қилиш салоҳиятига эгадирлар.

Ваҳҳобийлик ҳаракати асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб қаламига мансуб асарлар, ал-Ихвонул-муслимин (Мусулмон биродарлар) ташкилоти раҳбарлари, жумладан, Саййид Қутб ёзган «Маъолим фит-тарик» (Йўллардаги белгилар) номли китоб, Шукрий Мустафо ёзган «ал-Ҳилофа» китоби, «Ҳизбут-таҳририл-исломий» ҳаракати асосчиси Такиюддин Набаҳонийнинг «Низомул-ислом» рисоласи шулар жумласидандир.

Шунингдек, Толибон томонидан Афғонистонда олиб борилган сиёсат шариатни догматик услубда талқин ва тадбиқ қилишнинг энг қўпол шакли эди.¹

6. Мусулмон ҳуқуқи масалалари бўйича мамлакатимиз ва чет эл юристларининг ишлари

Ушбу соҳада оврўпалик олимлардан германиялик шарқшунос ва исломшунос олим Эдуард Сахов ёзган "Ислом фикҳининг энг қадимий тарихи борасида" номли асари, Аннимари Шиммил хоним асарлари, Ульрих Рудольф ёзган "Ал-Мотуридий ва Самарқанд илоҳиёти" асари,² венгриялик исломшунос олим Голд Зеҳирнинг "Исломда ақида ва шариат" номли асари ва фикҳ илми ҳақида "Ислом энциклопедияси"га киритган илмий мақоласи, "Ахлуз-зоҳир" ва бошқа асарлари, голландиялик олим, доктор Жозеф Шахт ёзган "Муҳаммад фикҳининг асоси ва бошланғич нуқтаси", христиан араб олими Мажид Хаддурий ёзган "Исломда уруш ва сулҳ қонуни" ва бошқа асарлари катта аҳамиятга эга.

Мисрлик олим имом Муҳаммад Абу Заҳра, кўп сонли қимматли илмий асарлар муаллифлари Абдулраҳмон Тож, Ас-Санҳурий, шайх Шалтут, Ҳиндистонлик Муҳаммад Ҳамидулло, Файзий "Хулосаи қонуни Муҳаммадий", Ливанлик Субҳий Муҳассамоний "Исломда фикҳ фалсафаси" асарлари билан бу соҳада ниҳоятда муҳим тадқиқотлар олиб бориб, ислом ҳуқуқининг барча қирраларини ёритиб берганлар. Шунингдек, профессор А.Х.Саидов томонидан ёзилган "Основы мусульманского права" ("Мусулмон ҳуқуқи асослари") номли китоби, профессор А.Раҳманов ва ю.ф.н.А.Раҳмановларнинг "Ислом ҳуқуқшунослиги" номли дарслик сифатида тавсия этилган китоблари, А.Ш.Жузжонийнинг Мусулмон ҳуқуқи фанини ўрганишда муҳим манбаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган "Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари" номли асари, ю.ф.д.М.Ражабованинг "Шариатда жиноят ва жазо" асарлари ўзига хос аҳамиятга эга.

¹ А.Ш.Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Тошкент. "Тошкент Ислом университети нашрети", 2002й. 61-63-бетлар

² Ушбу қимматли китоб Имом Бухорий халқаро жамғармаси ташаббуси билан рус ва немис тилларидан Раъно Қобулова ва Ғанижон Маҳмудовлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, сиёсий фанлар доктори, проф. Зоҳидулла Мунавваров раҳбарлигидаги илмий ҳайъат тақририда 2001 йилда нашр қилинган.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 1.Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Туркистон - пресс ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига берилган жавоблар. Ҳалқ сўзи, 1999 йил 6 март. 64-сон.
- 2.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. Т, "Ўзбекистон", 2005 - 96 б.М
3. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Ўзбекистоннинг янги қонунлари №3. "Адолат", Т.:1992, 89-111-б.
- 4.Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар) муаллифи Алоуддин Мансур. Т., "Чўлпон".1992.
- 5.Ҳидоя.Комментарии мусульманского права.Под.ред.А. Саидова. Т,1 "Ўзбекистон" 1994 йил.
- 6.Ҳадислар. 1 -4 томлар. Тошкент, 1995-1996 йиллар.
- 7.А.Ш. Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. "Тошкент ислом Университети" нашриёти,2002 йил
- 8.А.Х.Саидов. Основы мусульманького права. Т, 1994год "Адолат".
9. Қуръони Карим, таржима ва тафсир. муаллифи Абдулазиз Мансур "Шарқ"нашриёти матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. - Т,: 2004 йил.
- 10.Мухтасар.Т., "Чўлпон" нашриёти босмаҳонаси Т,: 1994 йил

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Дин, ҳуқуқ, мусулмон, Ислом,мусулмон ҳуқуқи, фикҳ, ҳуқуқий онг, мустиқил ҳуқуқий оила, ҳуқуқ ва одоб, одат, мусулмон ҳуқуқининг концепциялари.

Мавзуга доир назорат саволлар:

- 1.Мусулмон ҳуқуқнинг предмети.
- 2.Мусулмон ҳуқуқининг методи.
- 3.Мусулмон ҳуқуқининг аҳамияти.
- 4.Дин ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати.
- 5.Мусулмон ҳуқуқи- мустиқил ҳуқуқий оила.
- 6.Мусулмон ҳуқуқида ҳуқуқ ва одоб.
- 7.Диний ва одатий ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари.
- 8.Мусулмон ҳуқуқий фанининг вазифалари.

2-БОБ.Мусулмон ҳуқуқи манбалари.

Режа

- 1.Мусулмон ҳуқуқининг манбалари тушунчаси
- 2.Қуръони карим
- 3.Сунна
- 4.Ижмоъ
- 5.Қиёс

1. Мусулмон ҳуқуқининг манбалари

Ғарб ҳуқуқи дунёвий тизим бўлганлиги сабабли унинг манбалари қонунлар ва урф-одатлардан иборатдир. Аммо ислом ҳуқуқи дунёвий ҳуқуқ бўлгани ҳолда диний моҳиятга эга бўлгани учун, ўзининг сарчашмасини илоҳий манбадан олади, бу эса ғарб ҳуқуқи билан унинг асосий фарқини кўрсатади. Исломий ҳуқуқнинг асосий манбалари буюк фақиҳлар томонидан яқдиллик билан тўрта деб тан олинган. Усулул фикҳда манбалар «адилла» (далиллар) ёки «адиллаи-тафсилия» (тафсилий далиллар) атамалари билан ифодаланади. Мазкур тўрта асосий манбаларни кўриб чиқамиз:

1. Биринчи манба: Қуръони карим

Қуръони карим 23 йил рисолат даври (610-632 йиллар)да Пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан нозил қилинган илоҳий китоб бўлиб, 114 сурадан таркиб топган.

Қуръон сураларининг 95 таси 13 йил давомида Макка шаҳрида нозил бўлиб, **Маккий суралар** деб аталади. Уларнинг учдан бир қисми, яъни 19 таси 622- йили юз берган хижратдан кейин давомида Мадинада нозил бўлиб, **Маданий суралар** деб қабул қилинган.

Айтиб ўтилган бу икки хил сураларнинг фарқлари шундан иборатки, Маккада нозил қилинган оятлар кўпинча эътиқодий масалалар, ибодатлар, олий ахлоқий фазилатлар, эркин фикрлилик, илму тафаккурни тарғиб қилинган. Уларда кўпинча «Эй иймон келтирганлар, Эй мўминлар!» хитоб этилади.

Мадинада нозил бўлган оятлар, фикхий аҳком- муомалот, жиноят ва жазо, оилавий муносабатлар, сулҳу тинчлик битимлари ва мусулмонлараро бошқа алоқаларга тегишли бўлиб, уларда асосан «Ёйюҳаннос!» (Эй одамлар, эй инсонлар) деб хитоб қилинади.

Таъкидлаш керакки, Қуръон муқаддас китоб эканлиги унинг тўпланиши ва асл ҳолида ҳозиргача сақланиб келмоқда. Бу хусусият унинг илоҳийлик аҳамиятидан келиб чиққанлиги туфайлидир.

Қуръони карим уч марта тўпланган:

Биринчи марта: Пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларида ваҳий котиблари орқали ёзилган оятлар ва сураларни Пайғамбар (а.с) уйларида сақлаш ва улар томонидан сураларни ўз ўрнига қўйиш даври эди.

Иккинчи марта: Халифа Абу Бакр даврида Ҳазрат Умар таклифига биноан Зайд ибн Собит раҳбарлигида тайин этилган ҳайъат томланидан Қуръоннинг барча оятларини бирлаштириб, тўплаш даври.

Учинчи марта: Ҳазрат Усмон даврида бутун ислом дунёсида кироатни бирлаштириш учун мусхаф шаклида қабул қилинган Қуръондан нусхалар кўчириб тарқатиш даври. Ўзбекистон Республикаси диний ишлар идорасига тегишли қўлёзмалар фондида сақланаётган Усмон Мусҳафи нусхаси мазкур нусхалардан биридир.

Қуръонда фикхий-ҳуқуқий масалаларга кўпинча умумий ёндашилади ва айрим масалалар, масалан, ҳуқуқулло муфассал шаклда ёритиб берилади.

Мазкур фикхшунос олим доктор Муҳаммад Юсуф Мусо кўрсатишича, фикхий-ҳуқуқий масалалар бўйича Қуръонда қуйидаги соҳаларда оятлар мавжуд:

1. Ҳақуллоҳ (Амалий ибодатлар) бўйича - 140 оят;
2. Шахсий ҳуқуқ (оила, талоқ, васият ва бошқалар) бўйича - 70 оят;
3. Муамалот ёки фуқаролик ҳуқуқи (олди-сотди, ижара, гаров, қарз, ширкат ва бошқалар) бўйича - 70 оят;
4. Жиноят ва жазо бўйича - 30 оят;
5. Суд, суд жараёни, гувоҳлик ва унга боғлиқ бўлган масалалар бўйича - 20 оят.¹
6. Бизнинг фикримизча, давлат ҳуқуқи соҳасида - 3 оят, ҳаммаси бўлиб, Қуръонда - 333 та ҳуқуқий оят бор.

Қуръоннинг бошқа илоҳий китоблардан иборатки, у фақатгина ақилавий-ғоявий манба эмас, балки қонун ва ахлоқ ҳамдир. Машҳур файласуф Ибн Рушд (в. 595 ҳ.й.) фикрича, бу Қуръоннинг буюк мўжизаси ҳисобланади.²

2. Иккинчи манба: Сунна

«Сунна» луғатда йўл-йўриқ маъносада бўлиб, фикхий атама сифатида ислом Пайғамбарининг сўзлари, феъллари (амаллар) ва тақрирлари, яъни тасдиқлари, шунингдек, саҳобаларнинг ва амаллари мажмуидан иборат.

Қуръондан кейин ислом ҳуқуқининг иккинчи мабаи Суннати Набавийя (пайғамбаримизнинг сунналари) ҳисобланади. Ул зотнинг ўзлари бундай деган эдилар: **«Сизлар учун икки нарса қолдирдим, модомики уларга амал қилиб юрсангизлар, ҳеч қачон адашмайсизлар. Улар Аллоҳнинг китоби ва менинг суннатимдир».** Шубҳасиз, Ҳазрат Муҳаммад Аллоҳнинг танланган вакили, буюк элчиси ва таблиғотчиси (тарғиботчиси) эди. Қуръони каримда бундай дейилади: **«Эй Пайғамбар, Аллоҳ томонидан сега нозил этилган (юборилган, туширилган) нарсаларни таблиғ қилгин (одамларга етказгин)»**³.

¹ Абдулваҳҳоб Халлоф, «Илму усулил-фикх ва ҳулосати-ташриъил-исломий», Қоҳира, 1950й, 293-бет

² Шайх Муҳаммад Хузайибек, «Тарихут-ташриъил-исломий», Байрут. Дорул кутубил илмия. 1985й. 24-бет

³ Қуръони карим. Т, «Чўлпон», 1992. «Моид» сураси, 67-оят

Тадқиқотчи олимлар, жумладан, доктор Аҳмад Шалабий Суннани икки хилга бўлиб ўрганганлар.

Биринчи тури шундан иборатки, агар бирор иш қилинмоқчи бўлса, яратувчи томонидан ўша ишга тегишли фикр Пайғамбарга ваҳий (ваҳйи хафий) орқали билдирилади. Пайғамбар уни ўз сўзлари орқали баён этади. Бу ваҳйи хафийнинг Қуръон оятлари, яъни ваҳий жалийдан фарқи шундаки, Қуръон оятларининг ҳам мазмуни, ҳам ибораси Аллоҳ томонидан Жаброил орқали юборилган бўлади.

Суннанинг иккинчи тури шундан иборатки, агар мусулмонлар ҳаётига тегишли бирор бир янгилик киритилиши зарурати сезилса, лекин уни ҳал қилиш учун Пайғамбарга ваҳий келмаса, бундай аҳволда Пайғамбарга ижтиҳод қилиш, яъни масалани ўз шахсий фикри асосида ечиш учун рухсат берилган ҳисобланади. Ўшанда Пайғамбар ижтиҳод қилиб, саҳобалар билан кенгаш - маслаҳат ўтказиб, бир тўхтамга келади.

Агар Пайғамбар томонидан қабул қилинган қарор ва билдирилган фикр Қуръон оятлари орқали тўғриланса, Сунна (Пайғамбарнинг сўзи ёки қабул қилган қарори) Қуръон орқали мансук бўлади, яъни бекор қилинади ва Қуръоннинг ҳукми амалга оширилади.

Масалан, «Бадр уруши»да Пайғамбар ва саҳобалар душманнинг 70 та аскарини асир олиб, уруш тугамасидан бурун маълум товон эвазига ўша 70 асирни бўшатиб юборгандилар. Албатта озод бўшаган асирлар душман сафига қўшилиб, уларни кучайтирарди. Ўшанда қуйидаги оят нозил қилиниб, душманлар устидан ғалаба қатъи бўлмагунча, асирларни қўйиб юборишга рухсат йўқлигини таъкидлади. Бу ҳақда Қуръони каримда, **«Бирор Пайғамбар учун, то ерда (душманларга) зарба бермагунча, асирларга эга бўлиш мумкин эмас. (Сиз-мўминлар) дунё матоини истайсизлар. Аллоҳ эса (сизлар учун) охиратни истайди. Аллоҳ қудратли ва ҳикматли зотдир»**¹.

Аммо агар Пайғамбар бир инсон сифатида баъзи бир ишларни бажарса шариат манбаи ёки шариат қонуни ҳисобланмайди. Масалан, Пайғамбар бир таомни бошқа бир таомдан устун қўйса, ёки бир либосни ёқтирса, бундай ишлар ташриъ эмас, яъни шариат ҳукмларига кирмайди. Мусулмонлар Пайғамбарда юз берадиган бундай икки ҳолатни билармидилар? Албатта билардилар, масалан, Бадр уруши бўлиб ўтадиган жой ҳақида саҳобалардан бири-Хубоб ибн Мунзир: **«Бу Аллоҳдан ваҳий бўлганми ёки ўзингизнинг ижтиҳодингизми?»** деб ундан сўраганда, Пайғамбаримиз **«Ўзимнинг ижтиҳодим»** деб жавоб бердилар.

- Гап шундай бўлса, менимча, Бадр қудуғи ёнига жойлашсак яхшироқ бўларди».

Бошқа мусулмонлар ҳам Хубоб ибн Мунзирни қўллагандан кейин, Бадр қудуғи ёнига жойлашиши учун рухсат берилди.²

Суннанинг қонун тузиш салоҳияти Пайғамбар Қуръоннинг шарҳловчиси сифатида ташриъ қилиш ваколатига эга бўлган. Шунга биноан Сунна ташриъ (қонун тузиш) бўйича икки асосий соҳани қамраб олади:

Биринчи соҳа, Қуръонда зикр этилган ҳукумларни ёритиб беришга боғлиқ.

Иккинчи соҳа, Қуръонда кўрсатилмаган ҳукмларни ташриъи (қонуний шаклда чиқариш)га боғлиқ бўлади.

Биринчи соҳада сунна Қуръони карим оятларини тафсир ва таъвил қилади, мужамл ибораларини изоҳлайди, умумий маънога эга бўлганини хослаштиради, мутлақ, қайду шартсиз оятларга қайду шарт қўяди. Баъзи бир мисоллар: Қуръонда **«Намоз ўқинглар»** деб нозил қилинган, лекин намозларнинг сони, сифати, рақъатларнинг сони Пайғамбар томонидан белгилаб ва амалда кўрсатиб берилган. Бу эса мужмал иборани изоҳлаш мисолидир.

Умумий мазмуни хос қилишга мисол: Қуръонда мерос тизими умумий маънода келган, лекин Пайғамбар мерос олиш учун динбирлиги, қотил бўлмаслик ва кул бўлмасликни шарт қилиб қўйиб, уни хослаштирган. Масалан, отасини ўлдирган ёки ноҳақ йўл билан

¹ Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Т., «Чўлпон», 1992 й. «Анфол» сураси, 67-оят,

² А.Ш.Жузжоний. Ислоҳ ҳуқуқшунослиги. Т., «Тошкент Ислоҳ университети», 2002. 67-бет

унинг ўлимига сабаб бўлган фарзанд отасидан мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва шу кабилар.

Иккинчи соҳада Суннага тегишли баҳс: Зарурат чоғида Қуръонда айтилмаган бирон-бир янги ҳукми Сунна белгилаб беради. Бу ўринда баъзи ҳукмлар Пайғамбардан ваҳий ҳафий (илҳомга ўхшаш ҳолат) орқали содир бўлган ва баъзилари унинг ижтиҳоди ва шахсий фикридан келиб чиққан. Албаттаки, Пайғамбар ижтиҳод қилишда ҳам ислом руҳи ва фалсафасини назарда тутди.

Бу ўринда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, жадда (буви)га меросдан олтидан бир хисса бериш, никоҳ битимининг тўғри бўлиши учун гувоҳлар шартлиги, бадан аъзолари хуни, яъни баҳосини белгилаш, шунингдек урф асосда амал қилинганда унинг тўғрилигини тасдиқлаш.

Ҳадис илми ёки ҳадисшунослик

Ҳадис Суннанинг асосий қисми, яъни Пайғамбаримиздан ривоят қилинган сўзларни ифодалайди. Лекин баъзи тадқиқотчи олимлар, жумладан, ал-Азхар ислом университетининг вакили доктор ал-Ҳусайний Абдумажид Ҳошим Сунна, ҳадис, хабар ва асрни бир маънода, яъни Пайғамбар томонидан асос солинган йўл-йўриқ, унинг сўзлари, ундан саҳобалар ва тобииндан етиб келган барча ривоятларни ўз ичига олади деб таъкидлайди.¹

Арабистон, айниқса, Пайғамбарнинг шаҳри деб тан олинган Мадина шаҳрида саҳобалар кўплиги туфайли ҳадис ровийлари кўп эди ва ҳар доим ҳадислар ривоят қилиниб турарди, Ироқ ўлкасида эса саҳобалар Ҳазрат Умар даврида юборилди ва ундан кейин сиёсий ҳадислар ва урушлар кўплиги сабабли, Ироқ ҳадис ровийларини етарли даражада жалб этишга муваффақ бўлмади.

Ироқ турли-туман ақидавий йўналишлар ва сиёсий ҳаракатларнинг минтақаси бўлганлиги сабабли, чексиз қарама-қаршиликлар марказига айланди. Исломга қарши гуруҳлар турли-туман тўқима ҳадисларни яратиб, Пайғамбарга нисбатан бера бошлаган эдилар. Бундан келиб чиққан мураккаб муаммолар ҳадисларни саралаш, яъни ҳақиқий ҳадисларни жаълий (тўқима) ҳадислардан ажратиш олиш заруратини юзага келтирди. Бу мақсадга эришиш учун бир қатор усул ва қоидалар ишлаб чиқилиб, илмул-ҳадис, яъни ҳадисшунослик илмига асос солинди.

Ҳадис илми икки турга бўлинади.

Биринчиси, **ривоятул-ҳадис** Пайғамбардан ривоят қилинган унинг сўзлари, амаллари, тасдиқлари, унинг ахлоқи ва олий фазилатлари ва бошқа сифатларини, шунингдек, саҳобалар ва тобиинга нисбат берилган нарсаларни ўрганади.

Иккинчиси, **дориятул-ҳадис** ҳадис ва Суннани ривоят қилишда фойдаланиладиган усул ва қоидаларни ўрганади.

«Дорият» сўзи бир нарсани том маънода тушуниб олишдир. Дориятул - ҳадис **мусталаҳул-ҳадис, усули-ҳадис илми ёки ривоятул-ҳадис** илмининг усуллари деб аталади. Яъни ҳадисшунослар ровийлар ва ҳадислар матнини ўрганиш учун келишиб олган қоида ва усуллардир.

Ҳадис илмида, жумладан, қўйидаги атамалар ишлатилади:

Санад: ҳадис ровийлари ва ташувчилари силсиласи.

Матн: ҳадис мазмунини ифодаловчи иборалар-сўзлар.

Умумий маънода ҳадислар уч турга-саҳиҳ, ҳасан, заифга бўлинади. Сунна ва Пайғамбар ҳадисларини тўплаб, уларни жаъли (тўқима) ҳадислардан ажратиш олиш бўйича ватандош алломаларимиз Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870) ва Имом Муҳаммад ибн Исо Термизий (815-892) унутилмас хисса қўшиб, ўзларидан абадий ва барҳаёт асарлар қолдирганлар. Масалан, Имом Бухорийнинг шоҳ асари «ал-Жомий ас-саҳиҳ» Қуръондан кейин энг мўътабар ва ишонарли китоб сифатида қабул қилинган.

3. Учинчи манба: Ижмо

¹ Доктор Ҳусайний Абдумажид Ҳошим, Усулул – ҳадисин-набавий, улумуху ва мақойисуху (Пайғамбар ҳадисларини ўрганиш усуллари, илмлари, мезонлари), 23-бет, Дориш-шурук. Қоҳира, 1988й

«Ижмо»сўзи итфок ва келишув маъносида ишлатилади. Фикҳий атама сифатида **«Ижмо, одиллик сифатида ва мужтаҳидлик малакасига эга бўлган бир давр олимларининг муайян ҳукмлар бўйича келишувдан иборатдир»¹**.

Ижмо, Суннадан кейин фикҳ-ислом ҳуқуқшунослигининг учинчи асосий манбаи бўлиб, у орқали белгиланган ҳукмларга амал қилиш вожиб бўлади. ғаззолийнинг фикрича, ижмо мазҳаби масала бўйича Муҳаммад умматининг иттифоқи-келишувидир.

Умумий маънода «Исломда ҳуқуқ» китоби муаллифлари² фикрича, ижмо икки қисмга бўлинади:

Биринчи ижмоул-умма (уммат ижмои), яъни ислом жамоасининг келишуви;

Иккинчи ижоул-аимма (Имомлар-олимлар ижмои), яъни уммат имомлари бўлмишфикҳ илмининг буюк олимлари келишуви.

Ижмоул-уммага мисол, ҳаж ибодати маросимининг талаблари барча мусулмонлар томонидан бир хил ижро этилишидир. Олимлар ижмоси икки хил бўлади:

биринчиси, оят ёки ҳадисларни изоҳлаш бўйича келишув, масалан, вафот этган кишининг зиммасида қолган қарзларни марҳумдан қолган молу-мулк (тарака)ни ворисларга бўлиб беришдан олдин қарз эгаларига тўлаш зарурлиги таъкидланган оятлар бўйича келишув.

иккинчиси, ҳуқуқий усул ва қоидалар сифатида бир қатор мўжаз ва қисқа иборалар мажмуи бўйича келишув бўлиб, уларда бирон-бир оят ёки ҳадисга асосланганлигига ишора қилинмаса ҳам, ишонч билан қабул қилинган.

Масалан, **вақф қилувчининг иродаси шариат ҳукми ўрнида туради**, яъни ўз мулкни вақф қилувчи киши вақф қилиш билан шундай доимий бир мулкка асос соладики, ундан келадиган манфаатларни маълум ташкилотга ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи абадийлаштирилади, лекин мулкнинг ўзи сақланиб қолади ва ҳеч ким уни сотиш, сотиб олиш ва эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Вақф тизими ислом ҳуқуқига хос бўлган ҳуқуқ тармоқларидан бири бўлиб, бошқа ҳеч бир ҳуқуқий тизимда мавжуд эмас.

Иккинчи мисол : **«Аз-заруроту тубихул-маҳзурот»** (зарурат чоғида ноарво нарсалар раво бўлади). Ушбу зарурат тамойилига кўра, инсон ҳаёти хатарга тушган чоғда бошқа озиқ-овқат бўлмаган тақдирда таъқиқланган овқатлар масалан, чўчка гўшти, ёки ўзи ўлган ҳайвон гўшtidан истеъмол қилиш мумкин.

Ижмо қачон керак бўлади? Қонун сукут қилганда, яъни аҳли сунна мазҳабларида бирор масала бўйича насс мавжуд бўлмаса, ўшанда аввало ижмодан фойдаланилади.

Ханафий мазҳабининг буюк фақиҳларидан бири «Усулул-Шоший» муаллифи таъкидлашича, ижмо амалда тўрт хил бўлади:

-Саҳобалар ижмои, уларнинг ҳаммалари бир масала бўйича очикдан-очик ўз фикрини билдирган бўлсалар, бундай ижмо ўз эътибор ва аҳамияти бўйича Қуръон оятлари даражасида туради.

-Саҳобаларнинг бир гуруҳи ўртага қўйилган масалани тасдиқлаб, қолганлари тортишув (ихтилоф)дан кейин қабул қилинган қарорни инкор қилмасдан жим туриш ҳолати (ижмои сукутий), мутавотир ҳадис даражасида туради.

-Саҳобалардан ривоят қилинмаган масала бўйича тобиин ижмои, хабари машҳур ўрнида туради.

-Саҳобаларнинг баъзи бир сўзлари ҳақида кейинги давр олимларининг ижмоли хабари воҳид ўрнида туради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижмони амалга ошириш учун ижтиҳод ваколатига эга бўлган кишиларнинг келишуви эътиборга олинади, оддий одамлар, мутакаллимлар, муҳаддислар ва фикҳ усуллари бўйича етарли даражада олим бўлмаган кишиларнинг келишуви ҳеч қандай аҳамиятга ва эътиборга эга эмас.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. «Ислом Ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақҳлари». Т., «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2002 йил. 69-бет

² Мажид Ҳаддурий ва Геберт Ж. Либесни. «Исломда ҳуқуқ». Техрон-Нью-Йорк 1955 й

Шиаликда ижмо

Шиаларнинг ўзларига хос ташриъ манбалари бор. Уларга асосан ижмо хужжат эмас, лекин «қавли-имом» (имомнинг сўзи) ижмо ҳисоблананди ва ижтиҳоддан устун туради, негаки имом ваҳий орқали ҳар бир нарсани билиб олади, шунинг учун унинг сўзига амал қилиш мажбурийдир.

Шиа мазҳабида Имомия олимлари нуқтаи назаридан ижмо имомнинг фикрини кашф этувчи (ёритувчи) бўлганиучун хужжат ва ислом фикҳининг манбаларидан бири ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан ижмо бўйича уларда учта мактаб мавжуд.

Ижмои духулий деб аталган биринчи мактаб ақидасига биноан ижмо уммат (ислом жамоаси) фақиҳларнинг бири сифатида уларнинг тепасида туради. Шунга кўра имом (ғойиб бўлган ҳолда ҳам) танилмаган шаклда ижмо қилувчилар орасида бўлиши шарт, яъни агар барча келишувчилар маълумун-насаб (танилган фақиҳлар) бўлсалар, бундай ижмо имом улар орасида бўлмаганлиги сабабли хужжат ҳисобланмайди. Ушбу мактаб ақидасига кўра келишувчилар ўртасида биттаси танилмаган (яъни имом бўлиши эҳтимоли бўлган) киши бўлиши шарт.

Ижмои лутфий деб танилган иккинчи мактаб фикрича, бир фикҳий масала бўйича олимлар келишуви ва иттифоқи, имом ўша назар (фикрга)га мувофиқ эканлигидан далолатдир. Сабаб, олимлар илоҳий ва осмоний шариатга хилоф фикр билдирган бўлсалар, яратувчи лутфу марҳамат билан ўз вакили (имом) орқали ўша келишувни бузиб, уларни тўғри йўлга солиши лозим бўлади.

Учинчи мактаб **ижмои кашфий** деб аталади. Уларнинг фикрича, бир фикҳий масала бўйича иттифоқ ҳосил бўлиши билан, ўша фикр имомдан олинганлиги кашф бўлади. Ушбу мактабнинг муҳолифлари бундай истидлол, имом ҳозир бўлган ҳолда тўғри бўлса, имом ғойиб бўлган чоғда ҳам тўғри эмас деб фикр билдирганлар.¹

4. Тўртинчи манба: қиёс

Қиёснинг луғавий маъноси солиштириш ва таққослаш бўлиб, ҳуқуқий атама сифатида ҳукми аниқ бўлмаган масалан насс орқали ҳукми аниқ бўлган масала билан солиштириб, ораларида муштарак сабаб мавжуд бўлган суратда иккинчи масала ҳукмини ҳукми аниқ бўлмаган масалага кўчиришдан иборатдир. Ўшанда иккинчи масала ислом қонунига мувофиқ бўлса, биринчи масала ҳам қонуний бўлади ёки аксинча.

Масалан, хамр (узум ёки хурмодан тайёрланган ичкилик) Қуръонда қатъий ҳаром деб ҳукм қилинган, аммо ароқ ва бошқа мевалар ёки ўсимликлардан тайёрланган ичкиликлар ҳақида насс мавжуд бўлмаганлиги сабабли унинг ҳукми (яъни ҳалол ёки ҳаром эканлиги) аниқ эмас эди. қиёс орқали улар орасида муштарак сабаб борлиги, яъни ҳар иккаласи ҳам ичувчини маст ва иродасиз қилиш хусусиятига эга эканлиги маълум бўлгани натижасида, хамрнинг ҳукми, яъни ҳармлик ароққа кўчирилиб, у ҳам хамр каби ҳаром деб ҳукм қилинади.

Эдвард Сахов фикрича, «райъ» саҳобалар замонида юзага келиб, ундан кейин қиёс даражасига кўтарилган бўлса, Гелд Зиҳер фикрича, ислом фикҳда «райъ»дан фойдаланиш ҳаёт жараёнида суд ишларини юритиш учун юзага келган жиддий заруратдан келиб чиқиб ривожланган ва қиёс шаклини олган.

Эдвард Сахов таъкидлашича, райъга асосланган фикҳ Абу Ҳанифадан илгари тараққиёт поғоналарига кўтарилмади. У биринчи бўлиб, бошқа фикҳ қоидалари қаторида ушбу фаннинг қиёс принципини ишлаб чиқди.²

Истеҳсон. қиёс икки турга бўлинади, яъни қиёси зоҳир (ёки жалий) ва қиёси хафий (ёки истеҳсон) га бўлинади. Истеҳсон қиёси жалийни тарк этиб, насс ёки урфга амал қилишдир.

Ал-Баздавий ифодаси билан айтганда, «**Таркул -усри лилюср**», яъни оғир ҳолатни трак этиб, одамлар учун қулай ва енгил бўлган ҳолатни танлаб олишдир.

Манбаларда истеҳсоннинг уч ҳолати зикр этилган.

¹ Жаъфарий Лонгрудий «Ҳуқуқ терминалогияси» Техрон, 1983

² Доктор Мушаммад Юсуф Мусо «Тарихул-фикҳил-исломий». Қоҳира. 1987йил. 28-бет

Биринчиси, қиёси зоҳир (қиёси жалий) синов жараёнида баъзи бир жузъётга тадбиқ этиш учун муносиб деб топилмаса, бошқа бир иллатни қидиришга ўтилади. Бундай иллат (сабаб)га асосланиб амал қилиш, «Усулуш-шоший» ифодаси билан айтганда «**қиёси ҳафий**» деб аталади.¹

Иккинчиси, қиёси жалий (қиёси зоҳир) бирон-бир нассга (Қуръон ояти ёки ҳадис иборасига) зид бўлса нассга амал қилиниб, қиёс тарк этилади. Негаки, фақат насс мавжуд бўлмаган ҳолларда амал қилиш мумкин.

Учинчиси, қиёс ижмо ёки урфга зид бўлади. Бундай ҳолатда ҳам ижмо ёки халқ ҳаётига сингиб кетган урф одатга амал қилинади.

Қисқача қилиб, айтадиган бўлсак, истехсон қиёсни тарк этиб мукаллаф киши учун қулай бўлган насс ёки урфга амал қилишдир. Ушбу услубдан Ҳанафий мазҳабида кенг қўламда фойдаланилган.

Шундай қилиб, мусулмон ҳукуки манбалари ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга бўлганлиги учун ҳам, улар масаланибир вақтни ўзида ҳам мураккаб, ҳам содда тарзда тушунтириб беришга ҳаракат қилади.

Мавзуга доир ҳукукий адабиётлар ва норматив - ҳукукий ҳужжатлар:

- 1.Хидоя.Комментарии мусульманского права. Под ред. А. Саидова. Т,1 "Ўзбекистон" 1994 йил.
2. Ҳадислар. 1-4- томлар. Тошкент, 1995-1996 йиллар.
3. А.Ш. Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё факихлари. "Тошкент ислом университети" нашриёти, 2002 йил
- 4.А.Х.Саидов. Основы мусульманского права. Т, 1994 год "Адолат"
- 5.Қуръони Карим, таржима ва тафсир. муаллифи Абдулазиз Мансур "Шарқ"нашриёти матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. - Т,: 2001 йил
- 7.Мухтасар., "Қўлпон" нашриёти босмаҳонаси Т,: 1994 йил

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Мусулмон ҳукуки манбаси, Қуръон, Сунна, Ижмо, Қиёс, ҳадис.

Мавзуга доир назорат саволлар:

- 1.Мусулмон ҳукуки манбаси.
- 2.Қуръон-мусулмон ҳуқуқининг ғоявий асоси.
- 3.Ҳадис-мусулмон ҳуқуқининг манбаси сифатида
- 4.Ижмо -мусулмон ҳуқуқининг манбаси сифатида
- 5.Қиёс- мусулмон ҳуқуқининг манбаси сифатида

Мусулмон ҳуқуқининг қўшимча манбалари

Режа

1. Ал –Истехсон –мусулмон ҳуқуқининг қўшимча манбаси сифатида
2. Ал –Маслаҳатул –мурсала.
3. Урф ва одат.
4. Мусулмон ҳуқуқининг қўшимча манбаси сифатида –Истисҳоб.
5. Биздан аввалги умматларнинг шариати.
6. Саҳобанинг йўли (ФАТВО).
- 7.Мусулмон ҳуқуқининг қўшимча манбалари – фармон ва қонун

1. Ал –Истехсон –мусулмон ҳуқуқининг қўшимча манбаси сифатида

Истехсон (араб. – бир нарсани яхши деб ҳисоблаш, яхсқилаш, маъқуллаш) – фикҳга оид тушунча; Шариат масалаларига қиёсий тадбиқ этишда келиб чиқиши мумкин бўлган ҳулосалардан мусулмонлар жамоаси учун қайсиниси яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроқ бўлса, ўшанисини қўллаш тамойили. Буни шариат га Абу Ҳанифа киритган. Тажриба асосида, қиёс бўйича қабул қилинган расмий қарор мақсадга мувофиқ бўлмаса ёки зарар

¹ Жузжоний А.Ш. «Ислом ҳуқуқшунослиги...», Т., «Тошкент ислом университети».2002 йил. 73- бет.

келтирса, истиҳсон қўлланилади. Масалан, Шариат киши ўзида йўқ нарсани сотишдан қайтарган, лекин истиҳсонга асосан, косиблар, заргарларга рухсат берган. Зеро, косиб, заргар харидор билан ҳали тикилмаган маҳси, ясалмаган тақинчоқ учун савдолашади. Истиҳсон тамойили кишиларнинг ҳаётдаги эҳтиёжи ва урф–одатларига мослаштирилган¹.

АЛ-ИСТИҲСОН

(Ушбу маълумотлар Абдулвахҳоб Халлофнинг “Усул Фикҳ” китобидан олинган. Тошкент. “Адолат”, 1997й 99 –125 бетлар)

а. Таърифи.

"Истиҳсон" лугатда "бир нарсани яхши деб ҳисоблаш" маъносида ишлатилади. Усул истилоҳида эса, "муҷтаҳиднинг очик - равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтишлиги" тушунилади. Бундай ўтишликни унинг ижтиҳоди тақозо қилган. Муҷтаҳиддан бир масала сўралса, унинг ҳукмига насс келмаган бўлса, мазкур масалага икки хил ёндашиши мумкин. Бири очик - равшан бир ҳукмни тақозо қилса, иккинчиси махфий бошқа ҳукмни тақозо қилади. Муҷтаҳид ўз ижтиҳоди ила равшан ҳукмни қолдириб, махфий ҳукмга ўтишни маъкул кўради. Бундай ўтишни шариатда "Истиҳсон" дейилади.

2. Ал –Маслаҳатул –мурсала.

Таърифи, уни ҳужжат ҳисобловчиларнинг далили, унинг ҳужжат бўлиш шартлари, уни ҳужжат эмас деганларнинг шубҳалари

Таърифи.

"**Маслаҳатул мурсала**" лугатда, қайддан холи бўлган, ҳеч бир нарсага боғланмаган маслаҳат, маъносида келади. Усул уламолари истилоҳида эса: у шун-дай бир маслаҳатки, шориъ унга асосан ҳукм ҳам машруъ қилмаган, бирор шаръий далил келиб, уни эътиборга олганини ҳам, эътиборга олишни бекор қилганини ҳам исботламаган. Шунинг учун унинг бир номи, маслаҳатул мутлақах: «эътиборга олинган далилдан ҳам, эътиборга олиш бекор қилинган далилдан ҳам холи маслаҳатдир».

Масалан, пул чиқариш, қамоқхона ташкил этиш, фатҳ қилинган ерларни эгаларига қолдириб, унга хирож тўлашни жорий қилиш каби ҳукмларни саҳобалар маслаҳатга биноан машруъ қилганлар. Бундай ҳукмлар чиқариш заруратига кишиларнинг эҳтиёжи ёинки шароитни яхшилаш тақозолари асос бўлган. Чунки мазкурларга биноан шоръи ҳукм чиқармаган, эътиборга олганлигига ёки эътиборга олишни бекор қилганлигига ҳам шаръий далил мавжуд эмас.

МАСЛАҲАТУЛ МУРСАЛАНИ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

Маслаҳатул мурсалани ҳужжат деган уламолар унга биноан ҳукм чиқаришда эҳтиёт чорасини кўрганлар: ҳар ким ўз хоҳиш ва истаги таъсирида хоҳлаганидек ҳукмни чиқариб олиши мумкин бўлган жиҳатларни беркитиб, маслаҳатул мурсалаҳ асосида ҳукм чиқаришда учта шарт қўйганлар:

1. Маслаҳат ҳақиқий бўлмоқлиги шарт.

Яъни, унга биноан ҳукм машруъ қилинганда, кишиларга бирор фойда келтириши ёки улардан бирор зарарни дафъ қилиши лозим. Лекин гумон қилиб, шундай ҳукм қилинса, маслаҳат бўлади, деб унинг фойда ва зарарини яхши мулоҳаза қилмаслик ваҳмий маслаҳатдир. Чунончи, қўйди –чиқдини камайтириш мақсадида талоқ қилиш ҳуқуқини эрдан бутунлай олиб, фақат қозининг қўлига бериш ваҳмий маслаҳатдир.

2. Маслаҳат умумий бўлмоқи шарт.

Бир тоифа кишилар манфаатини ёки маълум кишилар маслаҳатини кўзлаб, маслаҳат деб ҳукм чиқариш мумкин эмас.

¹ Ушбу таъриф Проф А. Раҳмонов ва ю.ф.н А. Раҳмоновларнинг “Ислом ҳуқуқи” китоби (Тошкент. Тошкент Давлат юридик институти.-2007й. 188-бет) дан олинган

3. Маслаҳатга биноан чиқарилган ҳукм, насс ёки ижмо орқали собит бўлган ҳукмга, умумий шариат таълимотларига зид келмаслиги шарт.

Масалан, ўғил билан қизга меросда тенг улуш бериш мумкин эмас. Чунки буни қуръон ояти бекор қилган.

МАСЛАҲАТУЛ МУРСАЛАНИ ҲУЖЖАТ ЭМАС ДЕГАНЛАРНИНГ ШУБҲАЛАРИ

Баъзи мусулмон уламолари маслаҳатул мурсалаҳга асосан ҳукм машруъ қилиш дуруст эмас, чунки унинг эътиборга олинганига ҳам, эътиборга олишнинг бекор қилинганига ҳам шаръий далил мавжуд эмасдир деганлар. Улар бу сўзларига иккита далил келтирадилар:

1. Шариат, кишиларнинг барча маслаҳатларини насслар орқали, қиёс қилишга йўл кўрсатиб эътиборга олган. Шориъ ҳеч бир маслаҳатни четда ё ҳукм чиқаришга иршод қилмай, муҳмал ҳолда қолдирмаган. Шунга кўра, шориъ эътиборга олмаган маслаҳат ҳақиқий маслаҳат бўлмай, у ваъдасиз маслаҳатдир, унга биноан шаръий ҳукм чиқариш саҳиҳ эмасдир.

2. Маслаҳатга биноан шаръий ҳукм чиқаришлик ҳокимлар, амирлар ҳамда фатво бериш ҳукукига эга бўлганлар учун истаганларича ҳукм чиқаришга кенг йўл очган бўлур эди. Зеро, уларнинг баъзилари, ҳою ҳавас қолиб келиб, фасодга элтувчи нарсани маслаҳат ҳаёл қилишлари мумкин. Чунки маслаҳатлар тақдирий, шароитга ва жамиятга қараб ўзгариб турувчидир. ҳукм чиқармоққа бунчалик кенг йўл очишлик ёмонлик эшигини очиш билан баробардир.

3. Урф ва одат.

Урф (араб.) – одат ҳукуки, қабила урф–одатлари; Шариат билан бир қаторда, улар мусулмон жамоаси ҳаётини тартибга солган. Урф ижтимоий муносабатларни, айниқса, оила–никоҳ масалалари, савдо–сотик ва бошқа битимларни тартибга солишда фикҳда алоҳида ўрин эгаллайди. Мазҳабларнинг аксариятида урф мустақил аҳамиятга эга эмас, лекин унинг кўпгина қоидалари фикҳнинг асосий манбаларига киритилган.

Урфнинг таърифи

"Урф" деб кишилар ўрганиб, одатланиб қолганликларига асосан қилиб келаётган ишларига, сўзларига айтилади. Урфни одат деб ҳам юритилади. Ишдаги урфга мисол: кишилар олди-сотди вақтида, "олдим", "сотдим" деган лафз –сийғани ишлатмай, пулни бериб, нарсани олиб кетаверадилар. Аслида, икки томоннинг ризолигини ифода этувчи "олдим-сотдим" сийғаси ишлатилиши лозим.

УРФНИНГ НАВЪЛАРИ

Урф икки хил - **урфу саҳиҳ** ва **урфи фосид** бўлади. Урфи саҳиҳ кишилар одатланиб қолган, шаръий далилга муҳолиф бўлмаган, ҳаромни ҳалол қилмайдиган, бажариш лозим бўлган ишни бажаришдан тўхтатмайдиган нарсага айтилади. Ҳунармандчилик буюртмалари каби. Буюртма бераётганда, буюрилган нарса ҳали вужудда йўқ, лекин косиб буюрилган нарсани тайёр қилмасдан олдин пулини келишиб, балки олиб ҳам бўлади.

Урфи фосид эса, одамлар одатланиб қолган, бироқ у шариатга ҳилоф, ҳаромни ҳалол қилувчи, лозим бўлган ишни қилишдан тўхтатувчи нарсадир. Масалан: кишилар одатланган, фарзанд туғилгандан кейин, ношаръий зиёфатлар, туғилган кунни ҳар йили нишонлаш, киши вафот қилгандан сўнг бажариладиган мункар ишлар; судхўрлик, турли қимор ўйинлари... киради.

Зеро, шариат бузук, фасод ишларни қарор топтириш учун келган эмас. Агарчандики кейинги вақтда кўплаб кишилар мункар ишларни, биз уларга қарши курашамиз, деган ёлғон шиор остида қилишга ўтган бўлсалар ҳам.

ИСТИСҲОБ

1. Истиҳобнинг таърифи.

"Истиҳоб" лугатда "бирга бўлмоқ" маъносидадир. Усул истилоҳида эса, бир нарсанинг бирор далил келиб ўзгартирмасдан аввалги ҳолига берилган ҳукм истиҳоб дейилади.

Агар мужтаҳиддан бирор ишнинг ё бирор нарсанинг ҳукми сўралса, мужтаҳид унинг ҳукмига насдан ҳам, бошқа шаръий ҳужжатлардан ҳам жавоб тополмаса, уни аслига

эътиборан мубоҳ (яъни, жоиз) рухсат деб ҳукм беради. Чунки аслида ҳар бир нарса мубоҳдир. Бу мубоҳлик шундай ҳолатки, Аллоҳ таоло барча нарсани мубоҳ қилиб яратган. Модомики бирор шаръий далил келиб уни бу аслий ибоҳатдан чиқармаса, у мубоҳлик ҳолича тураверади.

Мужтаҳиддан бирор ҳайвон, ўсимлик, таом, ичимлик ё бирор иш ҳақида сўралса, унинг ҳукмига шаръий далиллардан ҳужжат тополмаса, унинг ҳукми мубоҳдир. Зеро, ҳамма нарса, ўзгарганига далил бўлмаса, аслида мубоҳдир. Ҳар бир нарсанинг аслида мубоҳ бўлганига далил шуки, Аллоҳ таоло Бақара сураси 29-оятда:

"У (Аллоҳ) шундай илоҳки, эр юзидаги барча нарсаларни сизлар учун яратди", деган. Бошқа бир қанча оятларда, еру осмондаги қанча нарсаларни сизларга бўйинсунувчи, сизларнинг измиларингизда юрувчи қилиб яратдим, деган. Ер юзидаги нарсалар мубоҳ бўлмаса, инсонлар учун яратилган бўлмайди. Инсонлар улардан истифода қилишлари мумкин бўлмаса, улар учун халқ қилинмаган бўларди.¹

ИСТИСҲОБНИНГ ШАРЪИЙ ҲУЖЖАТЛИГИ

Истисҳоб –мужтаҳид бирор воқеанинг ҳукмини билишда мурожаат қиладиган энг сўнгги шаръий далилдир. Шунинг учун усул уламолари: "Истисҳоб фатвонинг сўнгги таянчи –бир нарсанинг бирор далил келиб ўзгартирмасдан олдинги ҳолатига берилган ҳукмдир", деганлар. Кишилар ўзларининг барча ишларида шу тариқа далил келтиришга одатланиб қолганлар. Масалан: тириклиги маълум бир кишига, уни тирик деб ҳукм қилиниб, модомики унинг вафот этганлигига ҳужжат бўлмаса, унга тирик деган нуқтаи назардан муомала қилинади. Бир аёл бир кишининг хотини эканлиги маълум, тоинки эр-хотинлигининг тугаганига далил бўлмаса, уларга эр-хотин деб ҳукм қилинади. шунингдек, ҳар ким бир нарсанинг борлигини билса, унинг йўқлигига далил бўлмаса, уни бор деб ҳукм қилади. Ва ҳар ким бир нарсанинг мавжуд эмаслигини билса ва унинг борлигига далил бўлмаса, уни йўқ деб ҳукм қилади.

БИЗДАН АВВАЛГИ УММАТЛАРНИНГ ШАРИАТЛАРИ

Агар Қуръони Карим ёки саҳиҳ суннат биздан аввалги умматларнинг Алоҳ таоло машруъ қилган шаръий ҳукмларидан бирортасини , пайғамбар тилидн, ҳукм уларга фарз қилинганидек, бизга ҳам фарз қилингани айтилса, унинг биз учун ҳам шариат эканлигига, унга итоат этиш вожиблигига уламолар ўрталарида ҳеч қандай ихтилоф йўқдир. Масалан:

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 183-оятда:

“Эй имонли кишилар, сизларга рўза тутмоқлик фарз қилинди, сизлардан аввалги умматларга ҳам фарз қилинганидек” дейди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

“Қурбонлик қилинглр, чунки у боболарингиз Иброҳим алайҳиссалом суннатларидир”, дедилар.²

САҲОБАНИНГ ЙЎЛЛАРИ (ФАТВО)

Ислом ҳуқуқида фатво ҳам Шариат манбаи сифатида амал қилади.

Исломнинг дастлабки даврида Муҳаммад Пайғамбарнинг (САВ) сафдошлари, айниқса, дастлабки тўрт халифа (чорёрлар)нинг турли ҳуқуқий масалалар юзасидан берган изоҳлари, шунингдек уларнинг фикҳга доир чиқарган қарорлари фатво деб аталган.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалллам вафотларидан сўнг , у зот билан бирга бўлган, қуръон ва унинг ҳукмларини яхши фахмлаган, кишилар ўртасида илмли деб танилган саҳобалар мусулмонларга шаръий фатволар бера бошладилар.Улардан турли муносабатларга боғлиқ бир қанча фатволар содир бўлди.³

Фатво барча диний–ҳуқуқий мазҳаб асосчилари томонидан фикҳга оид кўшимча манба сифатида қаралган. Кейинчалик нуфузли фақиҳлар муайян масалани ишлаб чиқиш (ижтиҳод)

¹ Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фикҳ.Тошкент. “Адолат”.1997 й.118-бет

² Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фикҳ.Тошкент. “Адолат”.1997 й.121-бет

³ Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фикҳ.Тошкент. “Адолат”.1997 й.125-бет

натижасида чиқарган ҳукм ёки муҳим аҳамиятга эга ҳолат юзасидан берилган сўровга жавоб фатво деб ҳисоблана бошланган.

Ҳукукий масалаларда берилган фатво диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади, Фатво қуръон, Ҳадислар ва Шариатга ёки илгари берилган фатволарга асосланиб чиқарилади. Шуни таъкидлаш лозимки, фатволар илмий мунозараларнинг натижалари билан бир қаторда келискилган яқдил фикр (ижмў)ни шакллантирувчи ва ҳар хил ёндашувлар (ихтилоф)ни намоён этувчи омил бўлиб хизмат қилган. Бу омиллар пировардида фақиҳлар муайян диний–ҳукукий мактабларга бирлашишига сабаб бўлган.

Ишлаб чиқилган фатволар асосида кейинчалик тўпламлар тузилган. Улар фақиҳларнинг кейинги авлодларига ёрдамчи ва ўқув материали бўлиб хизмат қилган.

Ҳукукшунос олимлар энг машҳур фатво тўпламлари қаторига ал–Марваррудий (1069 й. в.е.), Муҳаммад ибн Рушд (1126 й. в.е.), Умар ал–Бухорий (1141 й. в.е.), ал–Ҳасан Қозихон (1196 й. в.е.), ал–Ҳасан ал–Марғиноний (1203 й. ҳаёт бўлган) ва бошқа фақиҳлар томонидан тузилган тўпламларни киритадилар. Сўнгги йилларда мусулмон давлатларининг Европа мамлакатлари билан алоҳалари доираси ва қамрови кенгайиши, демак, кўпгина ҳукукий ва бошқа нормалар ўзлаштирилиши натижасида фатво беришга сўровлар сони анча кўпайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фатво дунёвий ҳокимият фаолиятини диний доиралар томонидан назорат қилишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Мусулмон ҳукуқининг қўшимча манбалари – фармон ва қонун

1) Фармон – давлат раҳбарининг буйруқи ёки фармойиши.

2) қонун – давлат ҳукмдори томонидан қабул қилинадиган олий ҳукукий ҳужжат (ҳозирги даврда мусулмон мамлакатларининг парламентлари томонидан қабул қилинади).

қонун ва фармон аввало давлат органлари фаолиятини, шунингдек давлат ҳокимиятининг аҳоли билан маъмурий–ҳукукий муносабатларини тартибга солувчи нормаларни тўлдирган.

❖ Агар дастлаб фақиҳлар Қуръон ва Суннанинг алоҳида диний–ахлоқий мўлжалларини (ушбу манбаларда мустаҳкамланган муайян нормаларни қўллаш билан бир қаторда) ҳукукий хусусиятга эга ҳукм ва қарорларда муайянлаштирган бўлсалар, кейинчалик ислом ҳукуқини амалга ошириш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида унинг казуал қоидаларини талқин қилиш асосида мазкур ҳукукий тизимнинг умумий юридик принципларини таърифлаб бердилар.

❖ Ислом ҳукуқининг асосий манбаи сифатида унинг таълимоти амал қилган. Ислом ҳукуқи нормаларининг бир қисми қуръон ва Суннада мустаҳкамланган бўлсада, унинг энг барқарор қисмини ташкил этувчи тамойиллар ҳукукшунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган эди.

Шуни таъкиллаш лозимки, ўрта асрларда ислом таълимоти ислом ҳукуқининг асосий манбаи ҳисобланган. Ислом ҳукуқий назариясига кўра, давлатнинг олий органлари Қуръон ва Суннада тартибга солинмаган масалалар бўйича чекланмаган қонунчилик ваколатларидан фойдаланиши мумкин бўлган.

Халифа ва султонларнинг мазкур ҳукук ижодкорлиги амалиёти "ҳукуқий сиёсат" деб номланган.

❖ Халифа ва султонлар амалга оширган "ҳукуқий сиёсат" ўз мевасини берган. Унинг асосида қабул қилинган норматив ҳужжатлар олий муфтий (Усмонли турк салтанатида – шайх ул–ислом) томонидан маъқулланганидан сўнг, агар улар Шариат нинг умумий қоидаларига зид бўлмаса, ислом ҳукуқи таркибига киритилган.

Бундай ҳукуқий ҳужжатларнинг аксарияти амалда фақиҳлар томонидан илгари таърифланган нормаларни мустаҳкамлаган ёки янгиларини амалга киритган. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам улар таълимот билан бир қаторда ислом ҳукуқи манбаларига айланган.

Мусулмон давлати олий органлари таркибига киритилган олий муфтининг ҳукмлари ва қарорлари ҳам "ҳукуқий сиёсат" ҳужжатларига яқин турган. Муфти чиқарган фатволар айрим фикҳ нормаларининг манбалари ҳисобланган.

❖ 19 асрнинг иккинчи ярмидан ислом ҳукуқи ва унинг манбалари мавқеида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ривожланган мусулмон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларида фикҳ ўзининг этакчи ўрнини ғарбий Европа андозаларига асосланган қонунчиликка аста–секин бўшатиб берди.

Талабаларга эслатма!

Мажалла – ислом Ҳуқуқи нормаларини кодификациялаш асосида қабул қилинган йирик ҳуқуқий ҳужжат, 1869–1877 йилларда Туркия (Усмонли турк салтанати)да мамлакатни модернизация қилиш сиёсати доирасида амалга оширилган. Мажалла Усмонли турк салтанати таркибига кирган араб мамлакатларининг аксариятида (Мисрдан ташқари) амал қилган. Мажалла ҳуқуқ лаёқати масалаларини тартибга солган, лекин оила муносабатлари соҳасини қамраб олмаган; бу соҳа, диний эътиқод эркинлиги принципи ва кўп сонли диний мазҳаблар вакиллариининг "шаҳсий ҳуқуқи"га мувофиқ, ислом ҳуқуқининг турли анъанавий мазҳаблари томонидан тартибга солинишда давом этган.

❖ 1869–1877 йилларда Усмонли турклар салтанатининг ўзига хос фуқаролик ва процессуал кодекси – Мажаллани қабул қилиш йўли билан ислом ҳуқуқи айрим тармоқларига институтларини кодификациялаш ислом ҳуқуқи манбаларининг ўзаро нисбатига катта таъсир кўрсатди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Мажалла Туркияда 1926 йилгача, Ливанда – 1981, Сурияда – 1949, эронда –1953, Иорданияда – 1976 йилгача амалда бўлди. ҳозирги вақтда у Исроил, қувайт ва Кипрда қисман амал қилади.

❖ Тахминан Мажалла амалга киритилган даврда Мисрда "шаҳсий мақом" ҳуқуқини кодификациялашга киришилди. Бунга ҳукумат таниқли олим ва давлат арбоби Муҳаммад қадрий–пошога (1821–1888) ижтимоий муносабатларнинг мазкур соҳасини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ бериши сабаб бўлди.

1875 йил кодекснинг таълимот (доктрина) хусусиятига эга бўлган варианти тайёрланди. Унда ислом ҳуқуқининг Ҳанафийлик мазҳаби намояндалари томонидан ишлаб чиқилган "шаҳсий мақом" ҳуқуқини тартибга солувчи қоидалар жамланган эди. У норматив–ҳуқуқий ҳужжат шаклида мазкур тармоқнинг барча асосий институтларини тартибга солишни назарда тутарди. Муҳаммад қадрий–пошо тайёрлаган лойиҳа расмий қонун сифатида амалга киритилмади, лекин у Мисрда XX асрнинг 20–йилларигача, бу эрда биринчи оилавий қонунчилик пайдо бўлгунга қадар амалда қўлланиб келинди.

Тунисда 1899 йил Д.Сантиллана тузган Оила кодексининг таълимот хусусиятига эга бўтиган варианти Шундай рол ўйнади, Жазоирда ислом суддари оилавий ишларни ҳал қилишда 1919 йил М.Моран томонидан тайёрланган ислом ҳуқуқи моликийлик мазҳабининг меъёрлари мажмуасидан кенг фойдаланди. XX аср бошида мусулмон мамлакатларида "шаҳсий мақом" ҳуқуқи соҳасида ҳам илк кодекслаштирилган ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда уларнинг аксариятида, чунончи: Миср, Жазоир, Сурия, Ироқ, Ливан, Тунис, Иордания, Сомали ва бошқаларда ислом ҳуқуқи айнан шу соҳанинг тартибга солувчиси ролини сақлаб қолмоқда. Унда, одатда, давлат томонидан қабул қилинган, фикҳнинг тегишли тамойиллари ва меъёрларини мустаҳкамловчи норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилади.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. А.Ш. Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осий факихлари. "Тошкент ислом университети" нашриёти, 2002 йил
2. Абдулваҳҳоб Ҳаллоф "Усулул фикҳ". Тошкент. Адолат. 1997

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: истехсон, маслаҳат, истисҳоб, раъй, ижтиҳод, урф, одат, мажалла, фатво, қонун, доктрина.

Мавзуга доир назорат саволлар:

1. Мусулмон ҳуқуқи қўшимча манбалари.

- 2.Қўшимча манбаларнинг яратилишига сабаб нима?
- 3.Маслаҳатул мурсала қайси мазҳаб томонидан ишлаб чиқилган?
- 4.Урф неча турга бўлинган?

3-БОБ.Мусулмон ҳуқуқи йўналишлари ва мазҳаблар

Режа

1.Исломнинг асосий йўналишлари: Суннийлик ва шиалик

2.Ханафия мазҳаби

3.Моликий мазҳаби

4.Шофий мазҳаби

5.Ханбалий мазҳаби

Исломнинг асосий йўналишлари: Суннийлик ва шиалик

Суннийлик оқимиға мансуб мазҳаблар имомлик масаласини, яъни давлат раҳбарлиғига доир муаммони шариат қоидалари ва тарихий тажрибаларға таяниб ҳал қилишади.

Суннийларча, ҳазрат Муҳаммад вафотидан кейин Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али бутунлай ислом қоидаларига мос келадиган суратда Пайғамбар ўринбосари қилиб тайинланганлар. Халифалик Пайғамбар оиласига хос иш бўлмай, бутун мусулмонлар жамоасига боғлиқ бўлган бир сиёсий-ҳуқуқий масала ҳисобланади.

Биз Абдулқохир Бағдодий (1037й) томонидан ёзилган шарҳ асосида ушбу мавзунини яратиш учун «Исломда ҳуқуқ» китобидан қисқартириб фойдаланамиз.

1. Имомлик (халифалик)нинг зарурлиғи. Мусулмонлар учун ҳар доим барча томонидна итоат қилинадиган имом (давлат раҳарига) га заруратбўлади. Имом уларнинг талабларини бажариб, қонуний жазоларни татбиқ этиб, ҳарбий фаолиятларни олиб боради. Бева қолган аёлларни турмушга чиқаради, қўлга киритилган ўлжаларни тақсимлайди.
2. Имом мавжуд бўлмаган ҳолатда, уни тайинлаш ва унга итоат қилиш зарурий масала ҳисобланади. Аммо шиа мазҳабиға кўра имом мавжуд бўлмаган ҳолатда,ғойиб имомға итоат қилиш зарур бўлади.
3. Бир вақтнинг ўзида икки имом бўлиши мумкин эмас. Агар ўртада бирор дарё масофа бўлиб, икки томон бир-бириға қарши туриб ғалаба қозона олмаса, ўшанда иккита имом бўлиши мумкин.
4. Имом қурайш қабиласидан бўлади. Чунки Пайғамбар «Имомлар қурайшдан бўлади» деган эдилар. (Лекин кейинроқ буюк мутафаккир ва муаррих Ибн Халдун (14-аср) имомнинг қурайшдан бўлиши шарт эмаслигини таъкидлаган).
5. Суннийлик назариётчилари имом бўлиш учун қўйидаги тўртта шартни ўртаға қўядилар:

Биринчи шарт: Шариат илмини пухта эғаллаб, ижтиҳод қилиш даражасига етган бўлсин.

Иккинчи шарт: Олий ахлоқ ва юксак фазилатлар эғаси бўлсин.

Учинчи шарт: Ҳокимият ишлари бўйича етарли тажриба ва маълумотға, ҳарбий ишларни ташкил этиш қобилиятиға эға бўлсин.

Тўртинчи шарт: қурайш наслидан бўлсин (албатта, Ибн Халдун бу фикрға қарши).

6. Шиалар ақидасига қарши ўлароқ, имом учун исмат (гуноҳдан бутунлай поклик) шарт эмас.
7. Мусулмонлар жамоаси ўз салоҳиятли намоёндалари орқали имомни сайлаб, ҳокимият тепасига қўтарадилар.
8. Пайғамбар вафотидан кейин унинг ўринбосари-хулофои рошидин ислом қонунига мувофиқ сайланадилар.
9. Имом ўз ваколати-вазифасини васият орқали бошқа бир салоҳиятли кишиға топширса, мусулмон жамоаси унинг васиятини қабул қилишға мажбурдир.

Суннийлик оқими, айтиб ўтганимиздек, тўрта асосий мазҳаб (Ҳанафий, Моликий, Шофиъий ва Ҳанбалий ҳуқуқ мактаблари)га бўлинади. Уларнинг муштарак томонлари шундан иборатки, Қуръон, сунна, ижмо ва қиёс асосий манба деб биладилар. Уларнинг фарқлари асосий масалалар бўйича қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, у ёки бу ҳуқуқий манбага кўпроқ эътибор бериш;

Иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқий муаммони ўзига хос ва бошқаларга ўхшамайдиган услубда ҳал қилиш.

Қўйида мазҳаблар ҳақида қисқача тўхталамиз.

Ҳанафий мазҳаби.

Мусулмон оммасига Имом Аъзам номи билан машҳур бўлган суннийлик оқимида ҳуқуқий мактабга асос солган Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит 699 йил Куфа шаҳрида дунёга келдилар. У кишининг илмда беназир бўлганликлари туфайли «Имом Аъзам», яъни «улуғ имом», «катта имом» номи билан атайдилар.

Буюк олим ўзининг ҳуқуқий мактабини яратишда қурони Карим, Сунна Ижмоъ, қиёс, саҳобаларнинг қавмларига асосланган. Ҳукмлар чиқаришда қиёс ва истехсонга бошқаларга кўра кўпроқ мурожаат қилдилар.

Имом Аъзам кўплаб шогирдлар тайёрлаганлар. У кишининг шогирдлари бўлган Абу Юсуф Ёқуб (Бағдодлик, қозилар қозиси номи билан машҳур) ва Муҳаммад аш-Шайбоний ҳанафий мазҳабини ўзларининг билим ва тажрибалари билан янада ривожлантирганлар.

Ҳанафий мазҳаби бошқа мазҳабларга нисбатан мусулмонлар учун қулай, қонун-қоидаларини ишлаб чиқариш жараёнида ҳалқларнинг урф-одатлари ва анъаналаридан келиб чиқилган. Бу мазҳаб орқали кишиларга Исломни ва шариат қонун-қоидаларини сода ва осон йўл билан тушунтиришга ҳаракат қилинади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича кўплаб фикшунос олимлар йирик асарлар ёзиб, унда ҳанафий ҳуқуқи мактабидан келиб чиқиб, шариат қонун-қоидаларини тушунтириб берганлар. Ҳанафий мазҳабига доир энг машҳур ҳисобланган асарларга қўйидагиларни киритиш мумкин: Муҳаммад ибн ал Ҳасан аш Шайбонийнинг (850 й. Вафоти) «Қутуб зохирата-ар-ривоят», Абул-л-Фазлал-Марвазийнинг - ал Кофий, Шамсуддин ас Сарахсийнинг (1090 вафоти)ал-Мабсут, ал-Қудурийнинг (вафоти 1037 й), «Мухтасар» Қозихоннинг (вафоти 1196) «Фатво» Бурхонуддин Марғинонийнинг (вафоти 1197й) «Ҳидоя» асарларидир. Бу асарлар кишиларга шариатни ўрганишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Ҳозирги даврда ҳанафий мазҳаби Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Хитой, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлар орасида кенг тарқалган.

Моликий мазҳаби

Ушбу мазҳабга 713 йил Мадинада туғилиб, 795 йилда ўша ерда вафот этган имом Молик ибн Анас қадимий Мадина ҳуқуқий мактабига таяниб асос солган. Унинг машҳур «Ал-муватто» китоби моликия мазҳабининг асоси ҳисобланади. Ушбу китобга шарҳлар ҳам ёзилган. «Ар-Радду ала-л-қадария», «Ал-Маунатул-Кубро» ҳам имом Молик асарлари ҳисобланади.

Молик Мадинанинг машҳур олимларидан фикҳни ўрганиб, улар қўллайдиган аҳли ҳадис услубини қабул қилди ва ўз шогирдларини ҳам Ушбу услубда тарбиялади. Мадина аҳли кўпчилигининг келишуви унинг назарида ҳукм чиқариш учун бир ҳадисга тенг эди. Негаки, у ушбу шаҳар аҳлини Пайғамбар ва унинг саҳобалари йўл-йўриқларини мукаммал билиб олган ва унга асосланиб амал қилиб келганлар деб эътибор беради.

«Исломда ҳуқуқ» китобида таъкидланишича, имом Молик Мадина мактабини изоҳлашда ўзига хос амалиёт ва мантиқдан фойдаланиш билан мўътабар ривоятларни бири-бирига қўшиб ишлатишдек муайян услубга эга эди. Унинг илмий-ҳуқуқий тафаккури кўпинча, тўғри ва уйғунлашган бўлиб, кўзга ташланади.¹

¹ «Исломда ҳуқуқ». Аммон. Иордания. 1994й. 1 жилд.57-бет

Моликия мазҳаби Ҳанафия мазҳаби каби урф-одатни тан олади. Моликия фақиҳларидан бўлмиш Алвон Ширезийнинг (1508 йилда вафот этган) айтишича, имкони борида урф-одатларни илоҳий қонунлар билан уйғунлаштириш керак. Моликийлар «Масолиҳи-мурсала» деб аталмиш манфаат принципини қўшимча манба сифатида мусулмон ҳуқуқига киритганлар.

Доктор Муҳаммад Юсуф Мусо «Ислом фикҳи тарихи» асарида шундай ёзади: «Франция қонунчилиги ўзининг биринчи босқичларида ислом фикҳидан, айниқса, Молик ибн Анас мазҳабидан кўп нарсаларни олган эди. Ушбу мазҳаб мағриб мамлакатлари ва андалус (Испания)да тарқалган эди»¹.

Ҳозирги кунда Моликия мазҳаби жанубий Миср, Фаластин, Судан, Эритрея, Сомали, Тунис, Ливия, Марокаш, Марказий ва ғарбий Африка, Гамбия, Нигерия, Кувайт, Бахрайн, Уммон каби давлатларда тарқалган бўлиб, Марокаш ва ал-Жазоир судларида Моликия мазҳаби асосида иш олиб борилса, Тунис судларида Моликия мазҳаби асосида ва Ҳанафия мазҳаблари тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

Шофиъий мазҳаби

Шофиъий мактабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофиъ 767 йил ғазода туғилиб, 820 йилда Мисрда ҳаётдан кўз юмган. У киши Мака олимларида фикҳ илмини ўрганганидан кейин Мадинага бориб, Молик ибн Анасдан фикҳ илмини ўрганди. Молик вафотидан кейин Яманга ундан кейин Бағдодга сафар қилди.

Шофиъ Ироқда истиқомат қилган чоғида Абу Ханифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан фикҳ илми бўйича Ироқ аҳли йўналишини ўрганди. Шофиъ олган ўз таълимотларни қайтадан ишлаб чиқиб, уларга айрим ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритади ва ўзига хос услубни яратишга муваффақ бўлди. Унинг фикҳий услуби Қуръон, сунна, ижмо ва осорга таянади, қиёслаш, фатво бериш учун асос ҳисобланади.

Фикҳ бўйича унинг машҳур асари «Китобул-Умм» ва усулул фикҳ бўйича «Ар-Рисола» асари шофиъий мазҳабининг асосий манбаи ҳисобланади. Шофиъ биринчи бўлиб усули фикҳ қоидаларини тартибга солган. Шофиъий ўзининг илк Мадина ҳуқуқий мактабининг бир аъзоси ҳисобласа ҳам, унинг назарияларида шаръий истидлол ўз ривожининг олий даражасига олиб борган. Пайғамбардан ривоят қилинган ҳадисларга чуқур ишончи унга бошқа бирор ҳадисни очиқ шаклда рад қилиш имконини бермайди. У фақат ривоятга қарши ривоят топилгандагина бундай имокниятга эга бўлади.

«Исломда ҳуқуқ» китобида таъкидланишича, шофиъий ҳеч қандай истисносиз Пайғамбар сунналаридан бориш мақсадида асосий масалалар бўйича олимлар ижмоини рад қилди. Акс ҳолда усунна бўйича қадимги мактаблар анъаналарини қабул қилиши лозим бўларди. Шофиъий ижмо бўйича ўз назариясида ижмои умматга эътибор беради. Лекин кейинроқ Шофиъий мактабининг салоҳиятли вакиллари олимлар ижмоини қабул қилишга мажбур бўлдилар².

Шофиъий Молик, Аҳмад ибн Ҳанбал, Суфён Саври каби аҳли ҳадисдан ҳисобланади. У: «Агар менинг мазҳабимда бирон-бир ҳадисга қарши бирон ҳукм топсангиз ўша ҳадисни менинг мазҳабим деб билгайсиз» деган эди. Айрим камчиликларга қарамасдан Шофиъий назарияси бир-бирига боғланган ҳолда бир олий мантиқий тизимдан иборат бўлган. Марказий Осиёда Шофиъий мазҳабининг йирик вакили Тошкентлик буюк олим Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қафғол аш-Шоший эди.

Ҳанбалия мазҳаби

Имом Абу Абдулло Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал 780 йилда Бағдод шаҳрида туғилади 855 йилда вафот этади. У дастлаб Боғдодда таҳсил олади, кейнчалик Куфа, Басра, Макка, Мадина, Яман ва Жазоирга сафар қилади. Бағдодга қайтиб келиб имом Шофиъийдан дарс олади. Аҳмад ибн Ҳанбал умрининг катта қисмини ҳадисшуносликка бағишлайди. Аҳмад ибн Ҳанбал ўз даврида Имомул-муҳаддисин (муҳаддислар имоми) сифатида тан

¹ Доктор Муҳаммад Юсуф Мусо, «Тарихул-фикҳил-исломий», Қоҳира. 1987 йил.12-бет

² «Исломда ҳуқуқ». Аммон. Иордания. 1994й. 1 жилд.57-бет

олиниб, «ал-Муснад» китобини тасниф қилиш ниҳоятда муҳим ишга кўл урди. Айтишларича, у юз минг ҳадисни ёддан биларди.

Аҳмад ибн Ҳанбал ўзига хос фиқҳий қарашларга эга эди ва улар билан бошқа мазҳаб талабдорларидан ажралиб турар эди. У ўз мазҳабида Қуръон, сунна, саҳобалар сўзлари ва ижмога асосий эътиборни қаратиб, қатъий зарурат сезмаган ҳолатлардан ташқари қиёсдан фойдаланмаган. барча ҳадисларни, ҳатто хабари воҳид ва саҳобалар қавлини қиёсдан устун қўяди. Унинг «Муснад» китобида қирқ мингдан кўпроқ ҳадисни ўз ичига олган. Унинг издошларидан бири ибн Таймия (1263-1328) ижмони инкор этиб, қиёсга катта эътибор қаратди.

Ҳанбалия мазҳаби раъй ва қиёсга ката эътибор қаратмаганлиги сабабли ўзи тарқалган минтақаларда барча ҳукукий муаммоларни одамларнинг манфаатини назарда тутган ҳолда ечиб бера олмади ва бошқа мазҳаблар каби кенг тарқалмади. «Исломда ҳуқуқ» китобида таъкидланганидек,¹ 14-асрга келиб инқирозга учради.

Шиалик оқими ва унинг мазҳаблари

Режа

1.Шиалик оқимининг вужудга келиши ва хусусиятлари

2.Жафария мазҳаби

3.Исмоилия мазҳаби

4.Зайдия мазҳаби

Шиалик оқимининг вужудга келиши ва хусусиятлари

Шиалик оқимида қўйидаги ақида илгари сурилади:

Имомат, яъни Пайғамбар ўринбосрлиги ёки ислом давлати раҳбарлиги Пайғамбар васиятига биноан фақатгина Пайғамбарнинг қизи Фотимадан туғилган Алининг эркак авлодларига хос бўлиб қолади. Ибн Халдун таъкидлашича, шиалар ақидасига биноан имоат масаласи ислом қоидаси ва диннинг асоси бўлгани учун уни белгилаш ҳамда тайинлаш ислом жамоасига топширилган эмас. Пайғамбар томнидан Ушбу ваколат умматга берилмаган. Ислом жамоаси учун имомни тайинлаш Пайғамбарга вожибдир. Уларнинг фикрича, саҳобаларнинг афзали ва Пайғамбар томонидан биринчи халифа қилиб тайинлангани Али ибн Абу Толиб эди.

Шиалар ақидасига биноан Имомлар оддий инсонлар жумласидан бўлмай, қўйидаги хусусиятларга эга бўладилар:

Биринчидан, фақат Пайғамбарнинг қизи Фотимадан туғилган зотлар ва уларнинг болалари Пайғамбар оиласи ҳисобланиб, имомлик ваколатининг ҳақиқий ва қонуний эгаларидирлар.

Иккинчидан, имом пайғамбар эмас. Аммо Пайғамбар билан оддий инсонлар ўртасида туради.

Учинчидан, имом ҳар қандай гуноҳдан пок бўлиб, ҳеч қачон гуноҳ ва хато қилиши мумкин эмас.

Тўртинчидан, имом барча бўлиб ўтган ва қиёмат кунигача юз берадиган ишлардан илҳом орқали воқифдир.

Бешинчидан, Қуръонни тафсир қилиш фақат имомга хосдир.

Шунинг учун шиалар имоми суннийлар имомидан фарқли ўлароқ биринчи муаллим, ғайбни билувчи, пайғамбар билимларининг меросхўри бўлган зот ҳисобланади.

Шиа мазҳабида имомлардан ривоят қилинмаган ҳадисларни қабул қилмайдилар. Шиа оқимида Жаъфария, Исмоилия ва Зайдия мазҳаблари мавжуд.

Жаъфария мазҳаби

Ушбу мазҳаб тарфдолари Алидан бошланиб, унинг авлодларидан бўлган 12 та имом борлигига ишонадилар. Шунинг учун улар «Исноашария» (12 имомлик) номи билан ҳам аталадилар. Уларнинг ақидасига биноан 12 имом туғилган бўлса ҳам, ҳозирча у «ғойиб», яъни

¹ «Исломда ҳуқуқ». Амон. Иордания. 1994 йил, 1-жилд. 58-бет

намоён бўлмагандир. Бир куни у зоҳир бўлиб, барча дунё аҳлини адолат ва иймон сари йўллайди. Ушбу мазҳаб Эрон Ислом Республикасининг мазҳаби ҳисобланади.

Жаъфарий мазҳабида «мутъа»¹ никоҳни қонуний деб билади, лекин зайдий ва исмоилий мазҳабидагилар суннийлар каби уни ноқонуний деб билладилар. Жаъфария Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Ливан, Ироқ, Озарбайжонда тарқалган.

Исмоилия мазҳаби

Алидан бошлаб еттита имом борлигига ва еттинчи имом Исмоил, олтинчи имом Жаъфар Содиқнинг ўғли бўлиб, ҳозирча яширин эканлигига ишонадилар. Ушбу фирқа тарафдорлари фотимийлар раҳбарилигида Мисрни босиб олиб, Шимолий Африкада Фотимийлар давлатига асос солдилар (909-1171) ва ўша ердан туриб Исмоилия мазҳабини Эрон, Хуросон ва бошқа жойларга тарқатишга уриндилар.

Исмоилий мазҳабига мансуб Ботиний ва Қарматий фирқалари ислом пайдо бўлган илк экстремистик гуруҳлардан бўлиб, қурол ишлатиш ва терроризм йўли билан ҳокимиятга эришиш учун кураш олиб бориб, жуда кўп дин ва давлат арбобларини ўлдирганлар. Исмоилийлар Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон ва тоғли Бадахшонда яшайдилар.

Зайдий мазҳаби

Улар имомлар сонини камайтиради. Уларнинг фикрича, бешинчи имом Зайд ибн Али Зайнул-Обидин бўлиб, ундан кейинги келган имомлар хатоларга йўл қўйишган. Улар ҳуқуқий масалалар бўйича, суннийларгаанча яқин бўлиб, Қуръон ва Суннадан кейин қиёсний шариат асослари деб билладилар, раъй, ижтиҳод ва истехсонни ҳуқуқий асос сифатида қабул қилладилар. Улар Абу Ҳанифага хайрихоҳлик билдирганлар. Яманда кенг тарқалган.

Умуман олганда, мусулмон ҳуқуқининг ҳуқуқий ривожлантиришга ҳар бир мазҳаб ўзининг ҳуқуқий асослари билан ката ҳисса қўшган.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. А.Ш. Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақхлари. "Тошкент ислом университети" нашриёти, 2002 йил.

2. А.Х. Саидов. Основы мусульманского права. Т, 1994 год "Адолат". 3. Қуръони Карим, таржима ва тафсир. Муаллифи Абдулазиз Мансур "Шарқ" нашриёти матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. - Т.: 2004 йил

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Мусулмон ҳуқуқи йўналиш, Суннийлик, Шиалик, Мусулмон ҳуқуқи мактаблари, мазҳаблар, ҳафийлик, моликийлик, шофийлар, ханбалийжаъфарийлар, исмоилийлар, зайдийлар.

Мавзуга доир назорат саволлар:

1. Исломнинг асосий йўналишлари
2. Мазҳаб тушунчаси
3. Суннийлик ҳуқуқ мактаблари
4. Шиалик ҳуқуқ мактаблари
5. Мусулмон ҳуқуқи мактабларининг пайдо бўлиш сабаблари
6. Фикҳ илми нимани ўрганади?
7. Шариатга тушунча беринг
8. Суннийлик ва шиалик таълимотларининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари.
9. Мовароуннаҳр фикҳ мактабини асосий намояндалари кимлар?
10. Мусулмон ҳуқуқи мактабларининг турли хил мазҳабларда тутган ўрни.

¹ "Мутъа" шиалик оқимида ҳақ эвазига маълум муддатга тузилган вақтинчалик никоҳ

4-БОБ. Исломда ноанъанавий оқимлар ва диний экстремизм.

Режа:

- 1. Исломда пайдо бўлган ноанъанавий оқимларнинг турлари ва пайдо бўлиш сабаблари.**
- 2. Исломдаги диний–сиёсий партиялар ва бошқа ҳаракатлар.**
- 3. Ҳозирги кундаги диний экстремистик гуруҳлар, уларнинг намоёндалари.**
- 4. Ваҳҳобийлик ва унинг бугинги кундаги ҳавфи**

1. Исломда пайдо бўлган ноанъанавий оқимларнинг турлари ва пайдо бўлиш сабаблари.

Исломдаги ноанъанавий оқимларнинг пайдо бўлиши 18-асрга тўғри келади. Ушбу оқимлар характериға кўра диний сиёсий аҳамиятга эға. Оқимларнинг вужудға келган ҳудуди Арабистон ярим ороли ҳисобланади. Ноанъанавий оқимлар дастлаб мамлакатни бирлаштириш, марказлаштирилган давлат тузиш, мустамлакачилик тузимиға қарши курашиш мақсадларида вужудға келган. Кейинчалик сиёсий характер касб этган. Шундай оқимлар, партиялар ва ҳаракатлардан (**Хорижийлар, "Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" диний ташкилоти, ваҳҳобизм, «Нур»чилар жамоаси, Акримийлар ва ҳ.к**)дан иборат

2. Исломдаги турли хил диний–сиёсий партиялар ва бошқа ҳаракатлар¹

Хорижийлар «хаража» феълидан, чиқмоқ, мазмунида бўлиб, хорижийлар –ажралиб чиққанлар, исёнчилар маъносида келади. Исломдаги энг илк диний –сиёсий оқим ҳисобланиб, халифа Али ибн Абу Толиб ва Муовия тарафдорлари билан халифаликда ҳукмронлик учун кураш кетаётган бир даврда вужудға келди. Сиффин яқинида 657 йили халифа Али Муовия тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришға кўниш учун ҳақиқий ворислик ҳуқуқиға эға деб ҳисоблаган тарафдорларнинг ўртасида норозилик туғдирган. кўшиннинг бир қисми (12минг киши) халифа Алини келишмовчиликда айблаб, ундан ажралиб Куфадан Ҳарура деган қишлоққа кетадилар. Шунинг учун баъзи илк манбаларда уларни ҳаруррийлар деб ҳам юритилади.

Шундан сўнг хорижийлар Алиға ҳам, умавийларға ҳам баббаровар кураш бошлаганлар. Улар кураш давомида ўзига хос жанг услубини ишлаб чиқдилар, яъни отлик аскарлар тўсатдан ҳужум уюштириб, ҳавф туғиладиган бўлса дарров ўзларининг ҳарбий манзиллариға, Басра яқинидаги Батаих деган қойға қайтар эдилар. Хорижийлар ҳаракати араблар фатҳи бўлган Ироқ ва эрон аҳолиси, оддий араб мусулмонлар ҳамда эҳнаткашлар оммаси манфаатини ифодалашға даъвогар гам бўлган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон ҳисоблаб «диндан қайтган», «йўқотилишға маҳкум этилган» деб эълон қилинган сиёсий ва ғоявий рақибларға нисбатан муросасиз бўлганлар. Ал –муҳаккима, ан –навосиб, аш –шурат ал –мариқун деб номланганлар.

Йўналиш таълимоти: Халифа диний жамоа томонидан сайланади ва унга бўйсинади; ҳар қандай тақводор мусулмон (хатто қул ёки ҳабаш бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан бўшатилади ва хатто қатл қилинади.

Этиқод амалий фаолият билан мустаҳкамланиши лозим. эътиқодсиз ва гуноҳкор кишиларни жазолашда муржийлар тарафдорлари (жазо муддатини кечиктириш) га қарши турганлар.

Диний масалаларда хорижийлар ислом «мусоффолиға» тарафдорлари эдилар ва шариат аҳкомларига қатъий риоя этиш билан ажралиб турардилар. «Ҳақиқий иймон амаллар билан маълум бўлади », деган ғоялар келиб чиқиб (наждийлар бундан мустасно), хорижийлар «катта гуноҳ» (кабира) қилган киши диндан қайтган, кофир бўлади ва унга қарши «жиход»

¹ Куйидаги келтирилган маълумотлар Зухриддин Ҳусниддиновнинг “Ислом,йўналишлар ,мазҳаблар ва оқимлар(Т.; “Ўзбекистон”.2000й) китобидан олинган.

қилиш керак деб хулоса қилардилар. Кофир одамни ўлдириш («ноқонуний» халифаларни ҳам) хорижийларнинг диний эътиқодларидан бўлган.

8- аср иккинчи ярмига келиб ўз раҳбари номи билан аталувчи бир неча гуруҳларга: азракий, ибодий, суфурий кабиларга бўлиниб кетдилар. Олимларнинг фикрича, 20 га яқин бўлган гуруҳларнинг ичидан бўлиниши ҳамда уммавий ва аббосий халифалар 8-9- асрларда хорижийларга қарши кескин кураш олиб борилиши натижасида, уларнинг аксарияти кириб ташландилар., қолганлари Шимолий Африкада ўз давлатини вужудга келтирдилар. Улар халифаликдаги кўгина қўзғалонларда қатнашганлар. 9 асрнинг 80 –йилларида Ироқда уммавий халифасига қарши кўтарилган 20 минг кўшинга эга бўлган азракийлар қўзғалони 15 йил давом этди, 14 йил (869–883) давом этган азракий Али ибн Муҳаммад бошчилигидаги қора қул зинжийларининг қуйи Ироқ ва Хўзистондаги даҳшатли қўзғалонлари ниҳоят тор – мор этилди. Ҳозирда хорижийларнинг ибодий сектаси Мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис) Уммон ва Танзанияда учрайди.

"Нур"чилар жамоаси

Асосчиси Туркиялик Саид Нурсий бўлиб, асл мақсади мавжуд ҳокимият учун қарши чикувчи ўта диний – мутаассиб кишиларни тарбиялаш. Бадиуззамон Саид Нурсийнинг шогирдларига берган машҳур дарслари рисолалар тарзида чоп этилиб, баъзилари тўғридан–тўғри дарснинг рақами – масалан, "Йигирма бешинчи дарс деб аталади. Оқим адабиётларининг мазмуни ўта фалсафий мушоҳада ва тамсиллардан иборат бўлиб, баъзи жиҳатларда чалкашлик мавжуд. Худди шу жиҳати билан оқим раҳбарлари ўз аъзоларининг ушбу фалсафий фикрларни еча билиш учун ҳаёт тажрибасига эга бўлиши керак деган даъво билан, исломий қонун–қоидаларни қаёғга тадбиқ этиш зарурати ғоясини сингдарадилар. Бу ўринда яна бир нарсаси эътибор қаратиш лозимки, оқим вакиллари ўзларига янги аъзони жалб этишда биринчи навбатда **"Нур"**чилар жамоаси фаолияти сиёсатдан узоқ деган фикрни берадилар. Аслида бу бир ниқоб бўлиб, уларнинг фаолияти негазида сиёсатга аралашув ётади.

Ушбу оқим ғояларининг юртимизга кириб келиши 1992 йилдан бошлаб кузатирилган. Дастлаб оқим ғоялари туркиялик экстремистларнинг моддий ва маънавий кўмагида етказилган. Оқим, айниқса, Термиз ва Денов шаҳарларида кенгрок тарқалган. Жумладан, Термизда **"Нур"**чилар йиғиладиган манзил аниқланиб, лозим бўлган чоралар кўрилган. Айни дамда улар махфий тарзда ҳаракат олиб бормоқдалар.

"Нур" ҳаракатининг мақсад ва йўналишлари.

Ҳозирги кунда **"Нур"** ҳаракати Туркиядаги энг нуфузли диний оқимлардан бири бўлиб, Туркия қурулди кучлари Бош қўмондонлигининг маълумотида кўра унинг аъзосига 4 миллионга яқин аъзоси жипслашган.

"Нур" жамоаси Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) суннатларини ҳидоятга бошловчи дастуруламал қилиб олган. Бу ҳаракат ўзига эргашган кишилар қалбида исломий ақидани уйғотиб, бу билан исломга эътиқод қилиш қонун тарафидан жазоланадиган тартибга қарши курашишни даъват этади. Ҳаракатнинг асосчиси Бадиуззамон тақводор, шубҳали нарсалардан сақланувчи шахс бўлиб "Сени шубҳалантирувчи нарсаларни тарк эт, шубҳасиз нарсаси қўл ур!" деган ақидага амал қилган.

Бадиуззамон доимо сиёсат ва шайтон васвасасидан қочишни тарғиб этганлиги сабабли Мустафо Камол Отатурк билан унинг ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан.

"Нур" ҳаракати дастурларида маърифатчилик, инсонларни қуръон асосида, мўътадил ислом руҳида тарбиялашни ўзининг асосий мақсади қилиб олган. **"Нур"** ҳаракати ғояларини тарғиб этишда С.Нурсий томонидан ёзилган **"Рисолаи нур"** китоблар тўплами муҳим ўрин тутаяди. Унда қуръоннинг инсониятга, жамиятга ва табиатга нисбатан бўлган маъноси ҳамда муносабати замонавий фикрлар асосида талқин этилган.

Мазкур ҳаракат фаолиятининг асосий йўналишларидан яна бири маърифат тарқатувчи – мактаб, лицей ва коллежлар тизимини фақат Туркияда эмас хорижий давлатларда ҳам ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда Туркиянинг ўзида **"Нур"** ҳаракатига қарашли 103 та мактаб, 90 та гуруҳ хил жамғармалар, 460 та маърифий курслар ҳамда 500 га яқин

ётоқхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, "Нур" ҳаракати ёрдамида Германия, Швейцария, Нидерландия, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларида кўпгана мактаб, лицей, шифохона, радиостанция ва жамғармалар ташкил қилинган. Айни кунларда Марказий Осиё давлатларининг ўзида "Нур" ҳаракатига қарашли 128 та хусусий лицейлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида "Нур" ҳаракати иштирокида 16 та ўзбек–турк лицейлари: 5 таси Тошкент шаҳрида, 2 таси Фарғонада, Нукус, Андижон ва бошқа вилоятларда ташкил этилган эди.

Таълим соҳасида "Нур" ҳаракати Туркияда Миллий таълим вазирлигидан кейинги мавқени эгаллайди. "Нур" ҳаракатига қарашли мактаблар бой моддий асосга эга бўлиб, бугунги кунда унинг мулкы 1,5 млрд. АҚШ долларига тенг деб баҳоланган.

"Нур" ҳаракатини ва унга тегишли мактабларнинг асосий молиявий манбаи ҳаракат томонидан назорат қилинувчи кўп сонли тижорат ширкатларидан иборат. Улардан энг йириклари "Ишик" ва "Осиё файнанс" ҳисобланади. "Нур" ҳаракати тизимидаги мактабларда 7 мингдан зиёд ўқитувчи хизмат қилади. Уларнинг асосий қисмини эркаклар ташкил этади.

Мазкур ўқитувчилар одатда Туркиянинг нуфузли университетларини битирган бўлиб, улар фаолият кўрсатаётган мактаблардаги кўпгина дарслар замонавий ўқитиш услубидан фойдаланилган ҳолда инглиз тилида олиб борилади. Бу услуб Туркия жамиятининг турли қатламлари орасида "Нур" ҳаракати обрўсини янада оширади.

"Нур" ҳаракати таълим соҳаси билан бирга мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари ҳаётида ҳам кучли мавқега эга. ҳаракат турк ва инглиз тилида чиқувчи 14 та журнал, "Замон" кундалик рўзномаси, "Сомон йўли" телевизион канали ва иккита радиостанция фаолиятини назорат қилиб боради.

"Нур" ҳаракати аъзолари ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик принципларига қатъий риоя қилиб, расмий ҳокимиятга ёнбосмаслик сиёсатини тутди. 1999 йилнинг апрел ойидаги сайловларда ҳаракат аъзолари томонидан ҳеч бир партия номзодлари қўллаб–қувватланмади.

"Нур" ҳаракати ва унинг ҳозирги раҳбари Фаттхулла Гюлен ҳақида Туркияда ва хорижий давлатларда турли бир–бирига қарама–қарши фикрлар мавжуд. Баъзилар бу ҳаракатни дунёвий давлат тузумининг душмани, ўз мактабларида диний тарғибот ишларини олиб боради деб айбласалар, баъзилар эса мазкур ҳаракатни замонавий мактаблар ташкил этиб, улкан маърифий ишларни амалга ошираётганлигини эътироф этадилар.

Ҳаракатнинг Греция патриархати ва раввинати ҳамда Сурия патриархати билан ўрнатган ҳамкорлик алоқалари унинг мўътадил ислом доирасида иш юритаётгандек кўрсатади.

"Нур" ҳаракати сафларининг асосини ёшлар ташкил этиб, ҳаракат томонидан чоп этилган даъват варақаларини тарқатиш йўли билан уларнинг сафлари кенгаймоқда. Мазкур оқим аъзолари Ҳиндистон, Покистон ва Малайзия мамлакатларида ҳам пайдо бўлган. Шунингдек, Америкада таҳсил олувчи турк талабалари орасида "Нур"чилар даъватига эргашувчилар борлиги сабабли бу ҳаракат АҚШ ҳудудида ҳам тарқалмоқда.

Нурчиларнинг оддий, тушунарли ўғитлари, ислом дини таълимотига замонавий ёндашуви уларнинг ислом модернистларидан тортиб, ислом фундаменталистларигача бўлган турли йўналишлар томонидан тан олшига сабаб бўлган.

Нурчилик ва нурчиларга баҳо берилар экан, уларни ислом модернизми билан боғлаб қўйиш ва хотиржам бўлиш тўғри бўлмайди. Нурчилар қишлоқларда ва шаҳарлардаги қашшоқ табақалар орасида ўз таъсирларини кучайтирар эканлар, эътиқод масаласига зўр бериб замонавий қарашларни унутиб қўйишлари ҳеч гап эмас, натижада ислом экстремистик ақидапарастлигининг авж олиб кетишига қўшимча имконият яратилган бўлади.

"Таблиғчи"лар жамоаси

"Таблиғ" – арабча етказиш маъносида, том маънода Аллоҳнинг каломини одамларга етказишни англатади. Бу оқимга асримизнинг 20–йилларида Ҳиндистонда Муҳаммад Илём томонидан асос солинган. Оқимнинг мақсади кишиларни омматан исломга қорлаш, мусулмонларга ислом арконларига тўлиқ амал қилишари лозим эканлигини етказиш ва

уларнинг Аллоҳ олдидаги масъулиятини ошириш. Ҳар ўн "таблиғ"чи учун бир амир сайланади, амирга бўйсунушлик вожиб ҳисобланади.

Ҳозирда ушбу оқим Покистонда, айниқса, Карачи шаҳрида кенг тарқалган. Унинг вакиллари 90–йилларнинг бошида Ўзбекистонда ҳам ўз фаолиятларини олиб бордилар. Жумладан, Тошкент шаҳрининг С.Раҳимов туманида жойлашган "Лангар" масжидида "таблиғчилар" фаолият олиб бордилар. Улар сиёсатга аралашмасликларини изҳор этадилар. Бироқ, шунга қарамай улар қуйидаги сабабларга кўра минтақа ва хусусан юртимиз учун хатарлидир:

1. Оқим ислом арконларининг бажарилиши юзасидаги кескин даъватлари ва миллий урф–одатларимизга зид беўхшўв соқол қўйиб, узун кўйлак кийишлари ҳамда намоз ва бошқа ибодатларни бажаришда юртимизда минг йиллар давомида илдиз отган ҳанафий мазҳабига қарши ҳаракатлар қилишлари фуқароларнинг норозиликларига сабаб бўлди.

2. Оқим кўрсатмаларига кўра, ҳар бир "таблиғ"чи йилда бир ой, ойда уч кун ҳафтада бир кунни Аллоҳнинг йўлида даъватга сарф этиши керак. Бу оқимга қўшилиб қолган кишиларнинг ўз оила ва ота–оналарини ташлаб юқоридаги муддатларда вилоятларга даъват қилиш учун чиқиб кетишари яна бир қатор норозиликларни келтириб чиқариши табиий.

3. Ушбу оқим даъватчилари асосан жуда саёз билимга эга бўлиб, ҳеч қандай илмий асосоланмаган далилларни ҳам кишиларни исломга чақириш учун келтираверадилар. Бундай ҳаракат кишиларда исломга бўлган қарашда ҳам салбий ҳолатларни вужудга келтириш эҳтимоли йўқ эмас.

4. энг асосийси жамият кишилари орасида бундай кескин таассубга берилган гуруҳларнинг пайдо бўлиши миллий ва диний низолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин

АС –СИФАТИЯ

Сифат (арабча – белгиси, хусусияти, табиати) атамаси, Аллоҳнинг хусусиятларини ифода этишнинг бири бўлиб, мўътазилийлар томонидан қўлланган. Калом илми ривожланишининг илк босқичида "Сифат" билан бир қаторда "**маани**" (маъноси, мазмуни, ғояси) атамаси ҳам қўлланилган. Баъзи мутакаллимлар (мўътазилий Абу Шахсим ал–Жуббоия, ашъарий ал–Боқиллоний, ал–Жувайний ва Фаҳриддин Розий) "**Сифат**" ўрнида "**аҳвол**" атамасини ишлатганлар.

Аллоҳдаги инсонлар наздда ижобий ҳисобланган сифатларни тан олиш "**исбат**" деган ном олди ва бу ғоя тарафдорларини "**сифатия**" деб аталди. Инкор қилинганларни, яъни таътил (маҳрум) этганларни эса – "**ал–муаъттила**" деб аталди.

Сифатни қуйидагича тавсифлайдилар: ёлғиз ўзига хос, яъни сифат аз–зат, ас–сифат аз–затия, масалан: Самад – ҳеч кимга муҳтож эмас; ҳаракат белгилари, яъни сифат ал–феъл, сифат ал–феълия, масалан: мусаввир, фаттоҳ.

Баъзилар ўзига хос белгилар (затия, нафсия) ва уни тасвирловчи (васфия, маънавия, хабария) кабиларга ажратишади. Суфийликда гўзаллик белгилари (жамоа) – алим, раҳийм, буюклик белгилари (жамоа) акбар, қудрат; мукаммаллик белгилари (камол) – холиқ, самад.

Бизга маълумки, Аллоҳнинг сифатларини инсонга қиёслаганлар мушаббихалар деб номланади. Бошқа фикр тарафдорлари эса Аллоҳнинг сифатларини моддий бўлмаган воқелик деб қарашади. Иккала йўналиш асоси ҳам қуръонга таяниб, суннатга амал қилгувчилардир.

САЛАФИЯ

XX аср бошида Жамолиддин ал–Афғоний ва Муҳаммад Абду асос солган ислоҳий ҳаракат. Салафия диний, маданий, ижтимоий ва сиёсий моҳиятларга эга. У мусулмонлар ҳаётини янгилашга қаратиб, ислом дунёси узра кўштаб мусулмон мутафаккирлари ва ҳаракатларига шаклловчи таъсир ўтказган.

Салафия термини кўпинча **ислоҳ** (реформа) ва **тажаддуд** (янгиланиш) билан синоним сифатида ишлатиб, Ислом дунёқарашининг асосий фундаментал концепцияларини тушунчаларидан бири ташкил этади. Бироқ қуръон ва Суннага урғу бериши ва ўтмишни қўмсаши туфайли айримлар наздида реакция ва фундаментализм сифатида кўрилади.

"Салаф" сўзи арабчада аввалгилар, олдин ўтганларни билдиради. қуръонда "салаф" сўзи ўтмиши ифодалайди: (5:95 ва 8:38). Араб тилининг изоҳли луғатларида "салафий" сўзи Қуръон ва Суннага ягона асл манбалар сифатида таянувчини билдиради.

Кимлар салаф бўлгани ҳақидаги масала баҳсли, аммо кўпчилик мусулмон уламолари фикрича мусулмонларнинг илк уч авлоди салаф деб ҳисобланади. Улар уч аср мобайнидаги Пайғамбар саҳобалари (улардан сўнггиси Анас ибн Молик 710 ёки 712 йил вафот этган), уларнинг тобеинлари (сўнггиси 796 йили вафот этган) ва тобеинларнинг тобеинларини (сўнггиси 855 йили вафот этган) қамраб олади. Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) салаф авлодининг энг сўнгги вакили деб ҳисобланади. Мазкур уч авлод салафлар Муҳаммад (с.а.в.) вақтига яқин бўлгани учун, ислом тажрибасини тўлиқ ва соф тушунгани ҳамда унга улуш қўшгани учун мусулмонлар орасида юксак эъзозланади.

Салафларни даврий жиҳатдан белгилаш унинг моҳиятини очиш учун етарли эмас. Салафия муайян гуруҳ ёки муайян даврга мансуб эмас. Кейинги асрларга мансуб буюк алломалар ҳамда баъзи шахслар ҳам салаф деб ҳисобланадилар. Шулар қаторига Абу Ҳомид ал-Ғаззолий (1111 й. в.), Ибн Таймия (1328 й. в.), Ибн Қаййим ал-Жавзия (1350 й. в.), Муҳаммад ибн Абдулваҳоб (1792 й. в.) ва бошқалар ҳам киради. Ислоҳ ва янгиланиш замонига келиб салафиянинг мафкуравий тўқимаси ҳам ўзгарди.

Сарчашмаси. Мусулмонлар Арабистон ярим оролидан ташқарида фатҳ бошлаши билан яҳуд, христиан, собий ва зардуштийликнинг турли маданият, дин ва фалсафий қарашлари, янги вазият ва ғояларга рўбарў келиб, уларга жавоб беришга мажбур бўлади. Ўзгаларга исломни тушунтириш учун қуръонга қўшимча равишда ақл–заковатга ҳам таянишга мажбур бўлади.

Халифа Усмон вафотидан (656) сўнгги қонли низолар иймон моҳияти, гуноҳкорнинг мақоми, инсон фаолиятининг табиати, эркинлик ва тақдир, имомат каби масалаларда зиддиятларни юзага келтирди. Шу тўғрисида ислом тафаккури доирасида янги илмлар ва оқимлар пайдо бўлди. Биринчилар қаторида калом (теология) вужудга келиб, тарафдорлари қиёс ва фалсафа ёрдамида қуръонни талқин этишга уриндилар. Бу йўналишнинг асосий вакиллари қадария, жабария, сифатия, хорижийлар ва мўътазилийлар бўлдилар.

Ибн Ҳанбал – классик салафия намоёниси. Суннийликдаги тўртинчи мазҳаб асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал Қуръон, суннат ва салаф анъаналарига қайтишнинг асосий тарафдори ва ҳимоячиси бўлган. қуръоннинг яратилганлига ҳақидаги мўътазилийларнинг ақидасига кескин кураши кейинчалик салафия ҳаракатини шакллантирди. Унинг назарияси қатор моддаларга асосланди. Биринчиси – ваҳий этилган матннинг ақлдан устунлиги ва улар орасида ихтилоф йўқлиги.

Ҳанбалий мазҳабининг асосчиси, фақиҳ ва теолог Ибн Ҳанбал салафия ривожига катта улуш қўшди. У тасаввуф диний таомилга киритган янгиликларга қарши курашди. У ўзини ҳанбалий мазҳаби доирасида мужтаҳид деб билган ва қатор ҳуқуқий масалаларда ўз қарашларига эга бўлган.

Ислом ақидаларини соф ҳолида тиклаш, қуръон ва Суннага тобеъ бўлиш, уммат яхлитлигини қўллаш тўғрисида салафия оқими ислоҳ ва янгиланиш қудратига молик бўлиб, мусулмон жамияти заифлашган ва турғунлашган пайтларда фаолияти кучайгани тарихдан маълум.

18 асрда мусулмон жамиятидаги ижтимоий ва маънавий инқирозга қарши туриш учун қатор диний–сиёсий ислоҳ ҳаракатлари вужудга келди. Улар орасида энг кўзга кўрингани ваҳҳобий ҳаракати. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703–1792).

Ибн Ҳанбал ва Ибн Таймия таълимотига таяниб, Арабистон ярим оролини ноисломий тажрибалардан софлаш ва Муҳаммад (с.а.в) давридаги намунага асосланган ислом давлатини шакллантиришга интилди. Тасаввуф майлларига қарамай Санусия ва Маҳдия ҳаракатларига ўз таъсирини ўтказди.

Шунга ўхшаш ҳаракатлар Нигерияда Усман Дан Фодио (1754–1817), Ҳиндистон субконтинентида Аҳмад Сирҳиндий (1564–1624),

Шоҳ Валийлуллоҳ (1702–1762) фаолиятида ҳам намоён бўлди. Уларнинг барчаси диний софланиш, маънавий ва ижтимоий ислохотлар ва мусулмонлар орасида бирлик ғояларини тарғиб қилиб чиқди. Бироқ улар келажак уйини қуриш эмас, балки ўтмишнинг илк моделини қайта тиклашга интилдилар. Шунга қарамай уларнинг фаолияти X ва XIX асрларнинг ислохот ҳаракатига замин тайёрлаб, тўртки берди.

Замонавий салафия. Жамолиддин ал-Афғоний (1839–1897) ва Муҳаммад Абду (1849–1905) фаолияти орқали XX аср бошида таъсис этилди. Уларнинг асосий мақсади мусулмонларни асрлар давом этган тақлид ва турғунликдан холи этиш, мусулмонларнинг маънавий, маданий ва сиёсий шароитларини ислоҳ этиш бўлди. Классик давр салафиясидан ўзининг ақлий ва замонавий моҳияти ҳамда мақсадларининг хилма-хиллиги билан фарқ қилади.

Маънавий ва ижтимоий турғунлик, хорижий устуворликка қарши ал-Афғоний ва Абдуларнинг замонавий салафияси тарихий ислом ва ҳозирги замон орасидага жарлик узра кўприк ўрнатишга, мусулмонларнинг ҳамжиҳатлигини тиклашга интилди.

Ғарб колониализмига маданий сингиб кетишга қарши салафия исломни замон зайлига мослаштириш ҳамда уни ақл ва илм билан мувофиқлаштириш мумкинлигини исботлашга интилди. Уларга биноан ислом мусулмонни тараққиёт омили билан қуроллантиради. Ғарбнинг технологик ва илмий ютуқларини ислом дунёсига мувофиқлаштиришга интилади.

Классик салафия сингари замонавий салафия ҳам тавҳиднинг муҳимлигини таъкидлади. Абду Салафия мақсадларини қуйидагича таърифлади: **"Тафаккурни тақлид занжирларидан озод этиш, динни қадимгилар тушунган тарзда тиклаш. Диний билимларда асл сарчашмасига қайтиш ва уларни ақл тарозисида тортиш"**.

Замонавий ислохотчилар қуръон Аллоҳнинг яратилмаган сўзи эканлигига ишонади ва исломнинг асл манбалари – қуръон ва Суннага таянади. қуръон тафсирида замонавий ислохотчилар матнни ҳозирги кун талабларига мувофиқ талқин этишга уринади. Шу тўғрисида фикр, этика ва қонунга янгича ёндашувларни таъминлайди.

Ўз миллийлигини сақлаб қолиш ва хорижий тиллар тарқалишининг олдини олиш учун салафийлар араб тилини классик шакллардан тозалаб, замонавий атамалар ёрдамида енгиллаштиришга киришди.

Исломни жонлаштириш йўлида салафийлар қонун соҳасини ислоҳ этишга киришди. Уларнинг фикрича, қонун миллатнинг руҳини, устувор қадр-қиммат ва диний эътиқодларини ақс эттириши керак эди. Уларнинг фикрича, шариат, мусулмонларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларини тартиблаштириш лозим, бироқ улар қонунни сўзма-сўз тушунишни рад этиб, ақл, умумий манфаат ва мақсадлар йўлида қайта талқин этиш тарафдорлари бўлиб қиди. қурилма миқёсида салафийлар шариат қозилари учун махсус мактаблар очиш, мавжудларини ислоҳ этиш ва шариат маҳкамаларини ислоҳ этишга интилди.

Мусулмонлар жамиятини жонлантириш йўлида салафийлар сиёсий ислохотни муҳим омил деб билди. Мусулмонлар бир-биридан айри бўлганида депотизмни айблади. Салафий зиёлиларининг фикрича, мусулмонлар ўз ҳуқуқ ва бурчлари борасида кўзи очилмагунча сиёсий реформаларга эришиб бўлмайди.

Ислохотчи зиёлилар ислом концепцияларини замонавий сиёсий ғоялар нурида ўзгартиришга уринди. Улар шўро (мажлис) ва ижмў (қелишув) каби назарияларни қайта кўриб чиқиб, уларни демократия ва парламент системасига тенглаштирди. Амалда улар маъмурий ва сиёсий қурилмаларда кўпроқ ваколатга даъво этди.

Европа колониализми ва маданий ассимиляция таҳликаси салафийларга кучли миллатчилик оҳангини бахш этди. Улар ўз идеалистик мавқеларини ҳаёт талабларига мослашга мажбур бўлдилар.

Салафия ҳаракати ислом дунёси узра ёйилиб, турли мамлакатларда ўзига хос кўриниш касб этди. Жазоирда Ибн Бодис франсузларнинг ассимиляция (мослашув) сиёсати ва миллий ўзлигини сақлаш ҳамда тасаввуф тариқатларига қарши қурашиш омили сифатида таълимга

урғу берди. Жазоир Уламолар Уюшмасини ташкил этиб, мустақиллик учун курашда муҳим ўрин тутди.

Салафия ҳаракати ва ғоялари замонавий ислохотчилар ҳаракатини илҳомлантирмоқда. 1930–ййшларда зуҳур топган янги ислом ҳаракатлари салафия ғояларидан ҳисса олди. Улар ғарб истилосига ва мустамлакачиликка қарши курашда иштирок этди, дунёвий сиёсий ва ижтимоий концепцияларнинг тарқалишига қарши чикди. Улар ғарбга танкидий қараб, мусулмон давлатларда исломнинг ўзи жамият ва давлат асослари учун етарли омил деб қарашди.

Классик салафия асл ислом сарчашмаларига қайтишга даъват этган. Замонавий салафия европа мустамлакачилигига қарши ва ҳозирги замон шароитларига мослашишга чақирди.

3. Ҳозирги кундаги диний экстремистик гуруҳлар, уларнинг намоёндалари.

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" диний ташкилоти

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" норасмий сиёсийлашган диний партия 1953 йилда Исроилда пайдо бўлди. Унинг асосчиси Мисрдаги "Ал–Азхар" университетини тамомлаб, қуддус шаҳрида шаръий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган шайх Тақийиддин Набаҳоний (1909–1979) бўлиб, Иорданиядаги "Ал–ихвон ал–муслимун" ("Мусулмон биродарлар") диний–сиёсий экстремистик ташкилот раҳбарларидан бири эди ("Ал–Мавсуа" 107–бет, Ар–Риёд). Ақидада ихвонлар билан келиша олмай, бу жамоадан ажралиб чиқиб, ўз қарашларини қуйидаги рисолаларида баён қилади: "Ислом низоми", "Исломий оламга қайноқ нидолар", "Ҳизбут–таҳрирнинг тушунчалари" ва бошқалар.

Партия пирамида шаклида таркибий тузилма кўринишида ташкил топган. "Дорис"лардан таркиб топган "ҳалқа"даги 4–5 киши гуруҳ раҳбари – "мушриф"дан сабоқ оладилар. Таълим ҳафтада камида 1 маротаба ўтказилиши шарт. ҳалқа аъзолари бир–бирларини фақат исми ёки таҳаллуси орқали биладилар. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод ҳар қандай шароитда ҳам ҳизб фаолияти ҳақидаги маълумотни сир сақлаш ҳақида қасам ичади. Минтақавий раҳбар – "муътамад", бутун дунё бўйича "Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" ҳаракати раҳбари, яъни "амир" томонидан белгиланади ва вилоят даражасида ишлайдиган "масъул" ҳамда туман миқёсида фаолият кўрсатувчи "мусоид"га раҳбарлик қилади. Туманлар ҳам алоҳида ҳудудларга бўлинади ва 4 мушрифдан иборат "нақиб" раҳбарлик қилувчи "маҳаллий жиҳоз"ни ташкил этади. Нақиб ўзига ёрдамчи "ноиб" ва пул тўпловчи "табарруъ"ни тайинлайди. Маҳаллий жиҳоз 1 ойда камида 1 маротаба тўпланади. Партиянинг ҳар бир аъзоси ўз имкониятлари ва асосий меҳнат фаолияти даромади ҳисобидан 5–20% миқдорида солиқ тўлаши мажбурийдир.

Тўпланган пул маблағи турли техника жиҳозлари, алоқа воситалари харид қилиш ҳамда бошқа хизмат ҳақларини қолаш, хориждан келтиралаётган адабиёт, аудио–видео кассеталар ва уларнинг таржимаси учун ҳақ тўлашга сарфланади.

Бугунги кунда партияга Фаластиннинг Халил шаҳрида туғилган Абдулқадим Заллум раҳбарлик қилмоқда. Мазкур диний ташкилот фаолияти 1982 йилда сезиларли даражада жонланди. Ташкилот раҳбарларининг асосий қисми ғарбий европа давлатларида фаолият олиб боради. Партия филиаллари Миср, Иордания, Тунис, Кувайт, босиб олинган араб ерлари ҳамда Туркияда тарқалган.

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" диний ташкилоти ҳам Ваҳҳобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига аралашишга, ҳукуматни тўнтариш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати ўрнаташга интилади. Халифаликни тиклашга даъват этади: "Мусулмонлар учун битта халифа сайлашга ҳаракат қилмаслик гуноҳи кабиралардандир. Чунки бу нарсa исломнинг энг муҳим фарзларидан бирини бажаришдан тийилишдир" ("Иzzат ва шараф сари", 40–бет)¹.

Ваҳҳобийлар ҳукуматни қўлга олишда очиқ кураш, экстремизм, террор йўлини тузалар, "ҳизбчилар" ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўллайдилар. Улар беш кишидан иборат бўлган ҳалқа–ҳалқаларга бўлиниб, мафкуравий тарғибот ишларини олиб борадилар. Бундай

¹ З.Хусниддинов, "Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар.– Мовароуннаҳр. Тошкент:2000

дарсларда диний маълумотлар юзаки берилади, фикҳий масалаларга ҳатто эътибор қаратилмади, ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгига керакли сиёсий фикрларни жойлашга уринадилар.

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий"нинг бошқа норасмий диний ташкилотлардан фарқи хужумни асосан фикрга қаратадилар, яъни фикрий кураш олиб бориб, фикрий инқилобга эришиш, ислом давлати низомини таршб этишдир.

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" ташкилоти ўз олдига қуйидагиларни мақсад қилиб қўяди:

- тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш;
- мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш;
- миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш;
- мамлакатга қурол–аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш;
- мустақил давлатни қурол–аслаҳа ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарам қилиш.

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" ташкилотининг асосий назарий мақсади икки йўналишни ўз ичига олади:

- 1. Сақофий.** Партия аъзолари ислом ниқоби остида экстремистик ғоялар билан йўғрилган, ғаразли тушунтириш ишларини олиб борадилар ва ўз ғояларига етишчун кишиларнинг онгида ўз партиялари ҳақида тушунча уйғотишга ҳаракат қиладилар. Бунда улар ҳар бир шахснинг фикрлаш доирасига қараб ўз таълимотларига даъват этадилар.
- 2. Сиёсий.** Жамиятда бўлаётган вақтинчалик қийинчилклар, табиий офатларни кўрсатиб, агар исломнинг саҳиҳ ҳукмлари бўлганда эди бундай ҳодисалар рўй бермас эди, каби фикрлар билан ғараз ниятларини амалга ошириш. Яъни фокумлар фикрларга қаратилмога лозим, натижада бу хужум фикрий курашга, фикрий кураш ўз навбатида, фикрий инқилобга олиб боради. Фикрий инқилобнинг орқасидан эса ҳукм, низом ва бошқа алоқаларни ўзгартириб юборадиган сиёсий инқилоб келади. Мана шу вазифани адо этган авлоднинг ўзи ҳокимиятга келади.

Бу мақсадларни амалга ошириш ҳамда оламда юз бераётган воқеа–ҳодисаларга ҳизбнинг муносабатини билдириш учун партия 1989 йилдан бошлаб "Ал–ваъй" (Онғ) номли ойлик журнални турли тиллардаги таржимаси билан давомий чиқариб келмоқда. Хусусан мазкур журналнинг ўзбек тилидаги 140 дан ошиқ сони мамлакатимизда махфий равишда тарқатилганлиги маълум.

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" диний ташкилотининг кураш босқичлари:

а. Тасқиф – тушунтириш ишлари. Онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни ўз тузоғига илинтириш. Фикри заиф, таъсирга берилувчан ҳуқуқ–тартибот органлари, ҳокимиятлардаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдириш.

б. Тафоул – биргаликда ҳаракат қилиш, фикрий кураш орқали "Умматнинг оёққа туриши, фикрий онглилиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиши" йўлида фикрий инқилобга етишиш.

с. Инқилоб – тўнтариш, ҳукуматни яратилган уммат орқали қўлга киритиш.

"Ҳизбут–таҳрир ал–исломий" аъзолари ҳам бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби мавжуд конституциявий тузум–ни ағдариб ташлаб, ҳокимиятга келишга интиладилар ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳудудий кенглик – халифалик давлатини уларнинг асосий ва сўнгга мақсадлари бўлиб ҳисобланади.

"Ҳизбут–таҳрир"нинг расмий фаолият кўрсатиши араб давлатларида таъқиқланган. Ушбу партиянинг Иорданияда масъули шайх Аҳмад ад–Даур 1969 йили ҳукуматни эгаллашда айбланиб қатл этилган. Шунингдек, партиянинг 32 аъзоси Мисрда судланганлиги маълум.

Набахоний Такийиддин кейинги даврлардаги мусулмон диёрлари ҳукмдорларини ҳам халифа ва улар бошқарган давлатни халифалик давлати деб айтади ва барча мусулмонлар яхлит бир давлатдаги ягона бир ҳукмдор – халифага бўйсунилари вожиб деб таъкидлайди.

Шунингдек, УсмонлиТурк империясининг сўнгги султони Абдулҳамид 2ни охирга халифа ва унинг салтанати тугаган 1924 йилдан буён ер юзидаги мусулмонлар учун халифа сайлашлик вожиб деган ғояни илгари суради. Ушбу даъво юқорида таъкидланган ҳадиснинг сўзига ҳам амалига ҳам зид эканлигидан ташқари яна қуйидаги сабабларга кўра асоссиздир:

Биринчидан: Агар 1924 йилда тугатилган Усмонли Турк империяси сўнгги халифалик деб аталса, ушбу империя, боринг, ана ундан аввалги умавийлар, аббосийлар, фотимийлар салтанати даврида қанчадан–қанча аҳолиси мусулмон бўлган ўлкалар мазкур давлатлар тасарруфида бўлмаган. Алалхусус, Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларидаги турли даврлардаги қатор давлатлар асосан мустақил давлатчилигини юргизганлиги тарихдан маълум. Улар ҳеч бир замонда уммавийлар ва илк аббосийлар давридан ташқари Н.Тақийиддин таъкидлаган "халифалик" тасарруфига кирган ҳам, унга бўйсунган ҳам эмас. Агар мусулмонлар учун бир давлатда бир ҳукмдор қўл остида ҳаёт кечириш вожиб саналса, мазкур давлатлардаги мусулмонларнинг эътиқоди бузуқ саналармикин? Бу қулгили ва айни чоғда кишилар нафратани қўзғатувчи, қолаверса, ўтмишдошларимизга бўлган беҳурматликдан бошқа нарса эмас.

Иккинчидан: Али ибн Абу Толиб –Пайғамбарнинг жияни, куёви, Бадр жанги иштирокчиси (яъни аввалу охир гуноҳи кечирилган), жаннатга башорат этилган ўн саҳобанинг бири ўз даврларида мусулмонлар тинчи ва осойишталигини кўзлаб, халифаликни иккига бўлиш тадбирини амалга оширди. Агар мусулмонлар учун бир давлатда бир ҳукмдор қўл остида ҳаёт кечириш вожиб саналса, биридан навбатда бу вожибга ҳазрат Али амал қилган бўлмасмиди?! Ваҳоланки, “Ҳизбут–таҳрир” халифалик давлати тикланмас экан, мусулмонларнинг ибодати ибодат, иймони иймон эмас деб қарайди. Бундан ташқари бугунги демократик–ҳуқуқий давлатдан беқарор халифалик давлатини тиклашни вожиб санайдилар. Нега биз беқарор халифалик дея таъкидламоқдамиз? Сабаби бугун дин ниқоби остида сиёсий ҳокимият илнжида юрганлар фақат “Ҳизбут–таҳрир”нинг ўзи эмас. Улар турли мамлакатларда мавжуд ҳокимиятга ағдаргунча бирлашадилар, сўнг асло ўзаро келишмайдилар. Бунинг ёрқин мисоли Афғонистон.

Учинчидан: Пайғамбаримиз нега ўзларидан кейин ўриибосар– халифа бўлиши лозимлиги ҳақида кўрсатма бердилар? Бундан мақсад нима эди? Ҳар қандай жамият учун ҳар бир даврда бошлиқ, раҳбар бўлишлиги зарурий ҳодиса. Халифадан мақсад, жамиятни бошқариш учун бошлиқ бўлишини таъминлаш эди, дейилса, хато бўлмаса керак. Бугун ўзини ислом давлати дея эълон қилган давлатлар бор, уларнинг баъзиларида қуръон Конституция сифатида қабул қилинган. Агар Турк султонлиги халифалик деб аталса, Саудия Арабистони Подшоҳлигини ҳам шундай деб аташ мумкин. Аммо, юқорида таъкидланган халифадан мақсад бошлиқ эканлигидан хулоса қилинса, "халифами", "подшоҳми", "султонми", "президентми", мақсад бир халққа бошчилик қилувчи раҳбарнинг бўлишлиги заруриятидир. Аммо, ҳар бир давлат аҳли қандай тузумда ҳаёт кечиришни аввало ўзи ҳал қилади, қолаверса, ислом шариатида раҳбарга осийлик қилиш қаттиқ жазога лойиқ ҳисобланади.

Қуръони Каримда бу бошлиқларни тайинлаш сайлов асосида бўладими, танлов асосида бўладими, ҳеч қандай аниқ белгиси келтирилмаган. Аммо, муфассирлар ва ислом уламолари ҳар қандай раҳбарга итоатсизлик қилиш осийлик ҳукмида бўлишлигини таъкидлаганлар.

Тўртинчидан: Ер юзида ягона бир халифалик давлатини тиклаш ғоясидан олдин воқеликка теран назар ташлайлик. Фуқаролари мусулмон бўлган давлатларни қўя туриб, икки мусулмон араб мамлакатини бирлаштириб ҳозирги кун учун соғлом фикрми? 1958 йил тили, дини бир, миллий урф–одатлари деярли яқин, чегарадош Миср ва Сурия мамлакатлари ўртасида Бирлашган Араб Республикаси деган мамлакат тузилди. Аммо бу икки халқ қанчалар бир–бирига яқин бўлмасин, бу иттифоқ уч йилдан ортиқ яшай олмади. Бу аниқ тарихий воқелик. "Ҳизбут–таҳрир" ғояси эса марксистларнинг коммунизм қуришдек бир хом ҳаёлидир.

Бешинчидан: "Халифалик мендан сўнг умматим ичида 30 йилдир, ундан сўнг подшоҳлик бўлади" (Имом Аҳмад "Муснад"и, Имом Термизий "Сунан"и, Абу Яъло, Ибн

Ҳиббонлар саҳоба Сафийна орқали ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис), деб башорат қилган эдилар. Пайғамбарнинг башоратларини тарих исботлади. Хулафои рошидийнлар Абу Бакр ас-Сиддиқ (632–634), Умар ибн ал-Хаттоб ал-Форух (634–644), Усмон ибн Аффон (644–656), Али ибн Абу Толиб (656–661) 30 йил давомида ислом ғоялари асл ҳолда сақланиб қолишига бор умрларини бахшида этдилар. Халифалик Расули акрам (с.а.в.) вафот этган замонларида зарур эди. Зеро, исломни энди қабул қилган, иймонлари мустаҳкам бўлмаган мусулмонлар кўп бўлиб, улар Пайғамбар вафотани исломнинг инқироzi деб тушуниб, диндан қайтишлари мумкин эди. Шунинг учун у кезде бир кун ҳам халифасиз яшашлик аҳли ислом учун жоиз эмас эди. Тарихга бир назар солсангиз, ўша 30 йил давом этган "хулафои рошидийнлар" давридан кейинги халифаликлар, амирликлар ва подшоҳликлар фақат мулку салтанат, тожу-тахт талашиш, мусулмонлар қонини тўкиш, нотинчлик келтирган.

Юқорилардан хулоса, "Ҳизбут-таҳрир"нинг ғояси ислом таълимотидан узоқ демократик-ҳуқуқий давлат конституциясига зид, кишиларни эътиқодини демократик ўлкалардаги, алаҳхусус, юртимиздага виждон эркинлигини суиистеъмол этиб, сиёсий ҳокимиятга интилишдир.

Бундай партия ва оқимлар сиёсий беқарорлик, иқтисодий таназзул энг муҳими биродаркушлик, хунрезлик сабабчиларидир.

Акромийлар

Тахминан 1997–1999 йилда Фарғона водийсида вужудга келган ушбу диний–сиёсий ҳаракат вакиллари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва Пайғамбарга иймон келтирмайдилар. Акромийлар бугунги мавжуд барча тузумларни тан олмайди, давлатга, қонун–қоидаларга ҳам, ота–онага ҳам эмас, фақат оқим сардорла–рига бўйсуниб лозим деб ҳисоблайдилар. Унинг асосчиси 1960 йилда Андижон шаҳрида туғилган Йўлдошев Ақром Сотволдиевич ҳанбалий мазҳаби Ваҳҳобийлик оқими таълимотига таяниб 1992 йилда 12 дарсдан иборат "Иймонга йўл" деб номланган дастурни ишлаб чиққан. Ушбу дастурда оқимнинг пировард мақсади ислом давлатини барпо этишдан иборат экани таъкидланган. Ўз ҳаракатларига номзодларни танлаб олиш ва уларни тайёрлашда қуйидаги шартли равишда номланган 5 босқичдаги мақсадли дастур орқали амалга оширадилар:

1. **"Сирли"** ёки **"махфий"** деб номланган босқичда диний таассубга мойиллиги бор, таъсирчан, берилувчан, шунингдек, раҳбарлик, нотиклик ва ташкилотчилик қобилияти бор ҳамда ҳаётдан хафа–норози бўлиб юрган шахслар ўрганилади, сўнг ўз тарафларига оғдириш бўйича ҳаракатлар олиб борилади.

2. **"Моддий"** гуруҳга янги кирган аъзоларнинг моддий ҳаётини таъминлашга асосий эътибор қаратилади, уларни моддий манфаатдорлик юқори бўлган вазифаларга ишга жошгаштириб, топган даромаднинг 1/5 қисмини "байтул мол"га, яъни умумий мақсадлар учун солиқ ажраташ мажбурий ҳисобланади.

3. **"Маънавий"** босқичда гуруҳ аъзолари ғоявий–сиёсий жиҳатдан қайта тарбия этилади, мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлаш йўллари ва экстремизм, терроризм руҳидаги адабиётлар билан таништирилади.

4. **"Ўзвий майдон"** ҳар жиҳатдан тайёр бўлган, ҳаракат пешволарининг топшириқларини сўзсиз бажарадиган аъзоларни давлат ва жамоат ташкилотлари таркибига киритиш орқали ўз нуфузларини ошириб, кенг қамровли фаолият ташкил этишга ҳаракат қиладилар.

5. **"Тўнтариш"** – сўнгги босқичда акромийлар асл ва асосий мақсадлари – мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ўзларининг ҳокимиятларини ўрнатиш йўлида фаолият олиб борадилар.

Мазкур босқичлар махфий равишда, кетма–кетлик сақланган тартибда ва ижро муддати катъий белгиланмаган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилади.

Андижон вилояти ва Қўқонда уларнинг таъсири кенгроқ сезилган.

Оқим вакиллари ҳозирги кунда мусулмонларга намоз ҳам, рўза, закот, ҳаж ҳам фарз эмас, чунки биз куфр давлатда яшамоқдамиз деб эътиқод қиладилар. Ислом тарихидан маълумки, Макка даври, яъни Муҳаммад Пайғамбар то Мадинага кўчиб ўтгунга қадар, 13

йил давомида кишилар фақат Аллоҳ ва охиратга иймон келтиришга даъват қилинганлар. Намоз, рўза, ҳаж, закот каби ибодатлар Мадина даврида фарз бўлгани учун то ислом давлати қурилмагунча мазкур ибодатларни бажариш шарт эмас деб қарайдилар,, сигарета ва спиртли ичимлик ичиш ҳамда шариат томонидан таъқиқланган "муваққат никоҳ" (вақтинчалик, яъни маълум муддат – 1 соат, кун ва ҳ.к)га рухсат берилади.

Ислом уламолари бу борада аниқ мисоллар келтириб ҳар қандай давлат ва ҳукумат қўл остида бўлишдан қатъий назар шариатнинг инсон шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлган кўрсатмалари ҳеч қачон амалда тўхташи мумкин эмаслигини айтадилар.

Талабалар учун маълумот

Экстремизм сўзи франсузча ва лотинчадан келиб чиққан бўлиб кескин фикрлашнинг билдирилиши ва қаттиқ тадбирларнинг қўлланилиши ёки кескин фикр ҳамда чораларни ёқловчи деган маъноларни англатади.

Террор (лотинча, террор –кўрқитиш, даҳшатга солиш маъносини англатади)

Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳавонинг ўғиллари Қобил ва Ҳобилларнинг орасидаги кўра олмаслик, ҳасад натижасида уларнинг бири ўз биродарини ўлдириши ҳам дастлабки **террордир**.¹

Ушбу термини амалда қўлловчи шахслар қандай қилиб ўз атрофига одам тўплайди? Савол туғилади! Албатта шахснинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатган ҳолда уни турли хил йўлга бошлаш мумкин.

Шахсга руҳий таъсир кўрсатишнинг илмий усулларида бири “**зомбилаштириш**” яъни манкуртлаштириш дастуридир. Руҳий зомбилаш кучли (қаттиқ) ва кучсиз(юмшоқ) бўлиши мумкин. Биринчи навбатда инсон очик тажовускор манкуртга айланади: буюрилган ҳар қандай жиноятни бажаради. Иккинчи ҳолатда у оддий одамдан фарқ қилмайди. Лекин дастурлангани боис юклатилган вазифани бажаради. Зомбилаштиришда инсонни аввалги яшаган муҳитидан руҳий усул билан “суғуриб” олинади, сўнгра тиббий препаратлар ва гипноз ёрдамида уни хоҳлаган дастур билан кодлаштирилади. Унинг онгидан аввалги ахборотлар ўчириб ташланиб унинг ўрнига муайян ғоя ва мафкура сингдирилади. Ана шу йўл билан “**Камикадзе**” (ўлишга маҳкум қилинган одам) ҳосил қилинади². Бир сўз билан уларни “**шаккоклар**” деб атасак ҳам бўлади.

4. Ваҳҳобийлик ва унинг бугинги кундаги ҳавфи

Ваҳҳобийлик – диний сиёсий оқим бўлиб, 18 асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни "тозалаш" гўёки Пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш каби ғояларни илгари сурган. Инглиз мустамлакачилиги бу вазиятдан ўз мақсадида фойдаланган: ғоя тарафдорларини куруллантириб,Усмонли туркларга қарши жангга ташлаган. Шунинг учун ҳам улар Усмонлилар мансуб бўлмиш Ҳанафий мазҳабини кофир мазҳаб деб эълон қилишган. қандайдир доиралар манфаати йўлида исломдаги ўз биродарларини кофирга чиқаришгача бориб этишган.

Ваҳҳобийлар дунёвий маданиятга қатъий қарши туриб, мусиқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланиш, бадий завқ–шавқ олиш кечирлимайдиган гуноҳ деб ҳисоблашади. Айни пайтда улар ҳокимиятни эгаллаш ва унинг воситасида ўз тартиб–таомилларини ҳаётга татбиқ этиш учун қатъий кураш олиб боришади, фақат бу ниятни амалга ошириш учун диндан восита сифатида фойдаланишади холос.

Ваҳҳобийлар ҳаракати тарихда қолдирган қонли излардан бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Маълумки, Ислом дини ҳамжихатликка, Аллоҳ йўлида бир бўлишга даъват этади. Замонлар ўтиши билан бу бирдамлик айрим давлатларга ёқмай қолди,

¹ М.Нишонов ва И.Турғунов “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий–маърифий асослари” китоби. Наманган:2006.–25–28–бет

² М.Нишонов ва И.Турғунов “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий–маърифий асослари” китоби. Наманган:2006.–25–28–бет

тўғрироғи, улар мусулмонлар яқдиллигидан ҳайка бошладлар. Бир четда туриб курол кучи билан араб давлатларига таҳдид солиш ҳеч бир фойда бермагач, қандай қилиб бўлмасин, мусулмонларни бузишга, низо чиқариб уларни бўлиб юборишга ҳаракат қилишди. Бу вазиятда мавжуд мазҳаблар ичида низо чиқариш имконияти қўл келди. 17- асрда исавийлар ҳозирлаган дастурлар асосида гўё исломга қизиққан ва унга эътиқод қилган болалар Туркия, қоҳира, Миср ва Сурияга юбориб ўқитилди, улардан эса уламолар этишиб чиқди, бу олимлар ўзлари олган таълим – тарбиядан келиб чиқиб исавийлар мафкурасига хизмат қилди, динни ичидан бузишга хизмат қилишди. Гарчи исломдаги бир кичик мазҳаб бўлсада, ханбалия мазҳабидагилар динга амал унинг пуританлик, яъни ҳарфхўр ислом бўлишини талаб қила бошлашди¹.

Ваҳоланки, ҳеч ким Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ўзича талқин қилишга, уларни манфаатларига мослаштиришга ҳақли эмас. Ислом олимларининг таъкидлашларича, Расули акрам "ҳар бир янгилик залолатдир" деганларида ибодатдаги янгиликни назарда тутганлар. Зинҳор базинҳор дунёвий янгиликни, тараққиётни эмас.

Арабларни бўлиб ташлаган бу ҳаракат шу таҳлит кучга киради ва ваҳҳобийлик номини олади. Ваҳҳобийлик ҳаракати XIX аср бошларида жуда кучаяди. Абдулваҳҳоб биринчи амалий қадамини саҳоба Зайд ибн ал-Хаттобнинг Жубайлидаги сағанаси устига қўяди ва уни ер билан яксон қилади. 1803 йил ваҳҳобийлар Маккани, кейин Мадина шаҳрини босиб олишди. Улар шу даражага бориб етишдики, Маккаю Мадинадаги барча қабртошларни, ҳатто Биби Оиша, Биби Фотима ва саҳобалар сағанасидаги қабртошларни бузиб, синдириб ташлашди. Улар Пайғамбар мақбарасидан гумбазларни бузишга чоғланган бир пайтда куч билан тўхтатиб қолинди. Бу – ҳаракатнинг зоҳирий кўриниши. Аслида эса улар динни "асл ҳолатига келтириш" даъвати остида босқинчилик, талончилик билан машғул бўлишди. Ҳатто улар 1810 йилга келиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак масжидини ҳам талон-тарож қилишди. Ўмарилган мулкни эса юз минг талерга сотиб юборишди

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997

2.Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт! Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясида сўзланган нутқ. Ҳалқ сўзи, 1998 йил 24 декабр. 252 - сон.

3. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Туркистон газетаси муҳбири саволларига жавоблар. Хуррият газетаси. 1999 йил 3-9 феврал.

4.Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Туркистон - пресс ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига берилган жавоблар. Ҳалқ сўзи, 1999 йил 6 март. 64-сон.

7.3.Хусниддинов, "Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар.– Мовароуннаҳр. Тошкент:2000

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Исломда ноанъанавий оқимлар, диний экстремизм, фундаментализм, оқимлар, ваҳҳобийлик, хизб-ут-таҳрир, баҳаизм, акромийлар, террористик ташкилотлар.

Мавзуга доир назорат саволлар:

1.Исломда ноанъанавий оқимлар деганда нимани тушунаси?

2.Диний экстремизм нима?

3.Фундаментализм нима?

4. Ноанъанавий оқимларни ҳозирги кундаги ҳаётимизга таъсири.

5.Ваҳҳобийлик оқими қандай диний оқим?

6.Хизб-ут-таҳрир диний оқими қандай диний оқим ҳисобланади?

7. Террористик ташкилотларнинг ҳозирги кундаги аҳволи.

¹ 3.Хусниддинов, "Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар.– Мовароуннаҳр. Тошкент:2000

5-БОБ.Инсон ҳуқуқлари: исломча ёндашув ва конституцион амалиёт.

Режа

1. Инсон ҳуқуқлари олий қадрият

2. Шахсий мақом ҳуқуқи –мусулмон ҳуқуқининг муҳим соҳаси

3.Мусулмон ҳуқуқида индивидуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро муносабатлари

4. Исломда фикр ва сўз эркинлиги

5.Ислом ҳуқуқи бўйича шахс мақоми ва инсон ҳуқуқлари (хусусий мулк ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи)

6.Мусулмон ҳуқуқида аёлларнинг ҳуқуқий мақоми ва уни демократик стандарт билан таққослаш

1. Инсон ҳуқуқлари олий қадрият

Инсон ҳуқуқлари - бу демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Инсон ҳуқуқлари - ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутади.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик - бу инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган.

Биринчи босқич 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи 10 та қўшимча - Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллни кўрсатиш мумкин.

Бу даврда қабул қилинган қонунларда алоҳида эътибор қуйидаги муаммоларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган:

- шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
- шахс дахлсизлиги;
- хусусий мулк ҳуқуқи;
- сайлов ҳуқуқи (турли цензлар билан чекланган бўлса-да).

Демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиётининг иккинчи босқичи XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1919 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўлади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига туғри келиб, бу босқичда демократия ва инсон ҳуқуқларининг "янги авлоди" тўғрисидаги қонунчилик ривожланади. Бу ҳуқуқлар қаторига:

- тинч яшаш ҳуқуқи;
- соф ва тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;
- ахборот олиш ҳуқуқи кабилар киради.

Бу босқичда демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 га яқин, Оврўпо Кенгаши томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКОда 70 дан ортиқ, Оврўпода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан 30 дан кўпроқ, турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон

ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 500 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон демократик андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам демократия ва инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, авваломбор, Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида демократия ҳамда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда давлатлар ўз Конституцияларида демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим қоидаларни мустаҳкамлаганлар:

1. Демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш - бу давлат мажбуриятидир;
2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;
3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғоясининг, назариясининг эътироф этилиши;
4. Ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;
5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этишлиги;
6. Фуқароларнинг қафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;
7. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслиги зарурлиги.

Дунё давлатларида демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги беш таркибий қисмдан иборат:

Биринчиси: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар-виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар.

Иккинчиси: фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар-жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар.

Учинчиси: фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар-мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар.

Тўртинчиси: маданий ҳуқуқларга оид қонунлар – фан, таълим, маданият, музейлар, кутубхона, маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар.

Бешинчиси: инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) - миллий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ҳозирги замонда дунё мамлакатларидаги демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига;

- инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий қафолатларини таъминлаш;
- конституциявий юстиция (судлов)ни ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш;
- янги демократик институтларни, жумладан омбудсман институтини тараққий эттириш киради.

Шу билан бирга, демократия ва инсон ҳуқуқлари турли мамлакатларда турлича тушунилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Ўзбекистонда ҳам демократия инсон ҳуқуқлари ўзига хос тарихий илдизлари хусусиятларига эга.

Ислом ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Шариат кенг маънода турли ижтимоий тартибга солиш меъёрлари мажмуаси бўлиб, уларнинг ичида маънавий, ҳуқуқий ва диний, ҳуқ-атвор ҳамда урф-одат қоидалари ўз аксини топади.

Шариат мусулмон киши учун ўзига хос конституция ва ундан ҳам муҳимроқ бўлган асосий қонун ҳисобланади. Шариат ўзида мусулмон киши ҳаёт фаолиятининг кўпгина соҳалари: шахсий, ижтимоий ва маданий ҳаётда инсон ҳуқуқ ва эҳтиёжлари — ўз меҳнати билан ҳалол ҳаёт кечириш, одам ўлдирмаслик, камбағал, қашшоқ кишилар ва етимларга ёрдам бериш, ўғирлик қилмаслик, бировларни хафа қилмаслик, ўз аҳдига вафолик, ота-оналарига ғамхўрлик, оила аъзолари хотин ва бола-чақани асраш, никоҳга садоқатли бўлиш, кечиримли, сабр-тоқатли ва диёнатли бўлиш, ичкиликбозлик ҳамда кимор ўйинларига ружу қўймаслик ва ҳоказоларни ўзида мужассамлаштиради.

Кейинчалик инсон ҳуқуқлари ҳуқуқий шаклга эга бўлади ва турли мамлакатларда турли норматив актларда турлича шаклланади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимотнинг ривожига Шарқ фалсафаси ва Шарқ демократияси ҳам ўзига хос ўринга эга. Инсон ҳуқуқлари муаммоси Ислом таълимотида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Инсон ҳуқуқлари, энг аввало, умуминсоний қадриятларга, жаҳон цивилизацисига, бу соҳада бошқа халқлар эришган тажрибаларга, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган тамойиллари ва меъёрларига асослангандир. Инсон ҳуқуқларига асосланган ва халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор жамият — демократик жамият ҳисобланади.

Тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсиниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат асосий идораларининг сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлаш йўли билан шаклланган давлат идораларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига кириди.

Инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституция ва қонунлари билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий ахлоқий дунёқараши ва ҳуқуқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан мустаҳкамланади.

Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда инсон ҳуқуқларига кенг ўрин берилган. Унда инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари шариат қонун-қоидалари асосида баён қилинган.

Ислом давлатлари у ёки бу даражада халқаро норматив актларини яратишда ўз ҳиссаларини қўшганлар. Чунончи, II Жаҳон урушидан сўнг 1945 йилда Сан-Францискода мусулмон давлатлари БМТ Низомини тайёрлашда иштирок этганлар. 1948 йилда шу мусулмон давлатлари дунёда "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Умумжаҳон Декларациясининг" лойиҳасида қатнашганлар ва уни ҳимоя қилганлар.

БМТ аъзолари ва мусулмон дунёси вакиллари лойиҳани муҳокама қилиш чоғида унга жиддий тузатишлар киритганлар, жиддий эътирозлари ва ўз фикрлари билан чиққанлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган барча мусулмон давлатлар Умумжаҳон Декларациясининг қабул қилинишига яқдиллик билан овоз берганлар.

Исломда инсон ҳуқуқлари билан Умумжаҳон Декларациясига асосан Ислом давлатлари томонидан тан олинган ҳуқуқлар ўртасида маълум фарқлар мавжуддир. Аммо бу ерда биз бу муаммога тўхтаб ўтирмаймиз.

Умуман, мусулмон давлатларида инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича ҳукмрон тартибларнинг ҳуқуқий ёндашуви ва ҳуқуқий тажрибаси бир томондан мазкур масалалар бўйича ислом ҳукмронлиги шароити, иккинчи томондан бир-бирини инкор этувчи хусусиятга эга. Бу ерда чегара ижтимоий-синфий, сиёсий-ғоявий линияси бўйича ўтади,

баъзи ҳолларда Эрон, Покистон ёки Саудия Арабистонида бўлгани каби диний шакллари қабул қилади.

Ислом эрасининг (ҳижрий) XV асри бошланиши билан Ислом Кенгаши Европа учун 1981 йилнинг 19 сентябрида Умумжаҳон Ислом Декларациясини тайёрлади ва чоп этди. Бу Декларация 1980 йилнинг 12-15 апрель кунлари Лондонда Муҳаммад Пайғамбарга бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда қабул қилинган эди. Ислом Кенгаши давлатлараро ташкилот ҳисобланмаса ҳам, у "Ислом бирдамлиги" ҳаракати сифатида тан олинган.

Ислом Кенгашининг Бош Котиби Салим Аззам таъкидлашича, "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Ислом Декларацияси Қуръон ва Суннага асосланади ва у машҳур мусулмон ҳуқуқшунослари, шунингдек, ислом ҳаракати ва тафаккур оқимлари вакиллари томонидан ишлаб чиқилган".

Декларациянинг кириш қисмида "Уларнинг илоҳий келиб чиққанлиги сабабли ҳеч қайси раҳбар ёки ҳукумат, ҳеч қайси ассамблея ёки ҳокимият Оллоҳтомонидан ато этилган инсон ҳуқуқларини чеклай олмайди, бекор қилолмайди ёки бузолмайди. Шунингдек, ҳеч ким ундан воз кечолмайди" деб таъкидланади. Инсон ҳуқуқларига ислом нуқтаи назаридан ёндашишнинг кейинги хусусияти шуки, улар бутун ислом тартибининг таркибий қисми ҳисобланади, улар:

- 1) барча инсонлар тенгдирлар ва улар ирқи, танасининг ранғи, жинси, шунингдек, келиб чиқиши ва тилидан қатъи назар камситилмайдилар ва ҳеч нарсада чекланмайдилар;
- 2) барча инсонлар эркин бўлиб туғиладилар;
- 3) куллик ва зўрлаб меҳнат қилдириш ман этилади;
- 4) оила институти жамиятнинг асоси сифатида сақланиши, ҳимоя қилиниши учун шароитлар яратилган;
- 5) ҳукмдорлар ва бошқарувчилар давлатда амалда бўлган қонун олдида бир хил жавоб берадилар ва унинг олдида тенгдирлар;
- 6) фақат қонун билан келишилган қоидаларга бўйсунуш керак;
- 7) ҳар қандай дунёвий ҳокимият қонун томонидан белгиланган муқаддас вақтинчалик берилган деб ҳисобланиши керак ва у билан ва у томонидан белгиланган афзалликлар асосида амалга оширилиши лозим;
- 8) барча иқтисодий бойликлар инсониятга берилган илоҳнинг муруввати сифатида қабул қилиниб, улардан ҳамма Қуръон ва Суннада қайд этилган қоидалар ва кадр-қимматлар асосида фойдаланиши мумкин;
- 9) диндорлар кенгашидан сўнг барча жамоатчилик ишлари ҳал қилинади ва олиб борилади, маъмурий ҳокимият эса амалга оширилади, вакиллар қонун ва ижтимоий фаровонликка қарама-қарши бўлмаган қарорлар қабул қилишда иштирок этадилар;
- 10) ҳар бир киши ўз имкониятига яраша вазифаларни бажаради ва худди шундай ҳолатда ўз қилмишига жавоб беради;
- 11) ҳар бир киши шу нарсага ишониши керакки, унинг ҳақ-ҳуқуқи бузилса, белгиланган чоралар кўрилади;
- 12) ҳеч ким қонунда у учун қафолатланган ҳуқуқлардан маҳрум этилмайди, бу ҳодиса фақат қонунда рухсат этилган меъёردа мазкур қонун асосида амалга оширилади;
- 13) ҳар бир киши умуман жамиятга ёки унинг аъзоларидан бирига қарши жиноят содир этган кишига нисбатан юридик чоралар кўриш ҳуқуқига эга;
- 14) а) инсониятни ҳар қандай эзиш, жабр-зулм қилиш ва адолатсизликдан қутқариш учун;
б) ҳар бир кишига қонунда белгиланган чегарада, услуб ва шароитда ҳафсизлик, кадр-қиммат ва эркинликни қафолатлаши учун барча чораларни ишга солади.

Декларациянинг муаммолари дахлсиз ва ажралмас инсон ҳуқуқпарини ҳурмат қилишлари, уларни ислом томонидан буюрилган деб ўрганилиши шарт.

I-XIV моддаларида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар келтирилади. Декларациянинг кейинги моддалари инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқларига бағишланади. XV модда марказий модда ҳисобланиб, унда халқаро иқтисодий тартиб принциплари ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқлар берилади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ҳақида XVIII моддада сўз юритилади. Таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги XXI моддада, оила қуриш ва шу билан алоқадор масалалар бўйича ҳуқуқи ҳақидаги XIX моддада, эрлик аёлнинг ҳуқуқлари XX моддада берилади. Эрлик хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги ошқор қилинмайди.

Шахсий ҳаёт ҳуқуқи ҳақидаги XXII моддада, XXIII моддада бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, келиш ва кетиш ҳуқуқи ҳақида гап боради.

Юқорида келтирилган Декларация қоидаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ислом Декларацияси нодавлат ташкилотлари томонидан қабул қилинганлигига қарамай, мажбурий хусусиятга эга эмас. Декларация асосий қонун-қоидалари унверсал халқаро ҳуқуқий нормаларнинг принципларидан келиб чиққан бўлиб, унинг мақсади давлатлар олдида маълум кафолатлар бериш ва Декларация қонун-қоидаларини миллий қонунчиликка татбиқ қилишдан иборатдир. Эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлар изоҳининг мазмуни ва имконияти жиҳатидан шариатга "Боғлиқ"дир ва ундан келиб чиқувчи қонуний оятларга анъанавий хусусият касб этади ва унинг "Ислом бирдамлиги" ҳаракатига аъзо бўлган бир қанча мамлакатда мазкур соҳа бўйича ҳуқуқий тажриба мос келмаслигини ажратиб кўрсатди.

2. Шахсий мақом ҳуқуқи –мусулмон ҳуқуқининг муҳим соҳаси

Шариат (исломий қонунлар тизими) нуктаи назарида инсон коинотнинг тожи ва энг олий мартабали зотдир. Қуръони каримнинг "Бақара" сурасида (30 оятда) Аллоҳ томонидан, фаришталарга хитоб этилиб, "мен (одамни) ер юзида халифа қилиб яратмоқчиман" дейилади. Халифа сўзи, ўринбосар, қоиماққом, ваколатли намоянда маъносида бўлиб, ундан мақсад шу эдики, Аллоҳ инсонни ер юзида ўзининг ваколатли намояндаси сифатида яратиб, унга дунёни ободонлаштириш, илму-маданиятни ривожлантириш, адолатли жамият қуриб, тинч-тотув ҳаёт кечириш вазифасини топширган эди. Кейинроқ 17 сурада (70-оятда) инсоннинг шону-мақомини кўтариб "биз одам болаларини азиз ва мукаррам қилдик" деб таъкидланади. Албатта инсон учун булардан юқорироқ мақом эъзоз ва ўринни тасаввур қилиб бўлмайди.

Қуръонда барча инсонлар, уларнинг ижтимоий мавқеи, дини, миллати, тили ва ирқидан қатъи назар тенг ва баробарликлари қуйидагидек эълон этилган: "Эй одамлар, дарҳақиқат биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирингиз билан танишиб, дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун, сизларни турли-туман қабила ва элатлар қилиб қўйдик. Албатта Аллоҳ назаридаги сизларнинг энг мукаррамроғингиз, энг тақводорроғингиздир" (Қуръони карим, 49 сура, 13 оят).

Кўриниб турибдики, зикр этилган оятларда, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг биринчи ва иккинчи моддаларидаги мазмун яъни инсонларнинг озод ва тенг ҳуқуқлилиги, иззати нафс ва юксак шарафли мақомга эга эканлиги, бундан 14 аср муқаддам, том маънода ўз аксини топган.

Шунингдек инсонларнинг тенг бўлиб, бир-биридан устун турмаслиги ҳазрат Муҳаммад ҳадисларида ҳам жуда кўп таъкидлаб ўтилган. Масалан, уларнинг бирида: "Ҳеч бир арабнинг ажамга (араб бўлмаган кишига) ва ҳеч бир ажамнинг арабга ҳеч бир қоратаннинг қизилтанга ва қизилтаннинг қоратанга нисбатан ҳеч қандай фазилати (имтиёзи) йўқдир, магар тақво билан", дейилган. Айни ҳолда барча инсонлар уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳисобланганлар. Бу ўринда пайғамбар бундай деган эди: "Аллоҳга онт ичиб айтаманки, агар Муҳаммаднинг кизи Фотима ўғрилиқ қилса, албатта унинг қўлини кесардим".

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида инсон ҳаёти ва эркинлигининг дахлсизлиги кафолатланган ва тўртинчи модда орқали қулчиликнинг барча шакллари ман этилган.

Узоқ давр ҳукм суриб келган қулчилик тизимида биринчи марта АҚШда, Авраам Линкольн раҳбарлигида XIX аср ўрталарида қатъиятчи ва асосий зарба берилди. У, XIX аср қулларини озод қилиш йўлида тинимсиз кураш олиб бориб, қулчиликка қарши кураш олиб боровчилар томонидан икки марта АҚШ Президенти қилиб сайланди, охири ҳам бу олий инсоний ғоя йўлида қурбон бўлди. Аммо ўрта асрларда қуллар баъзи бир мамлакатда ишлаб чиқариш кучининг асосий қисми - Шарқ мамлакатларида жамиятнинг ажратиб бўлмас таркибий қисмини ташкил этганлиги учун ўша даврларда ушбу тизимни (қулчилик тизимини) бутунлай йўқотиш мумкин эмас эди. Ўшандай бир даврда Рим империясининг айрим мутафаккирлари қулни на инсон, на ҳайвон балки инсон ва ҳайвон ўртасида турган бир махлуқ деб талқин қилган бир пайтларда, ислом шариатининг асосчиси, қулларни эъзозлаб, уларга нисбатан одилона ва дўстона муносабатда бўлишни тавсия қилган эди. Мисол сифатида ҳазрат Муҳаммад ўзининг энг яқин саҳобаларидан бири Абузар Ғаффорийга бундай таъкидлаган эди: "Қулларингиз сизларнинг ини оғаларингиздирлар, (биродарларингиздирлар), ўзингиз кийган кийимлардан уларга ҳам кийдиришлар, ўз еган таомларингиздан уларга ҳам едиринглар".

3. Муслмон ҳуқуқида индивидуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро муносабатлари

Қуръони каримда бизнинг ўзимиз, оиламиз, яқинларимиз, жамиятимиз, ва ҳатто табиат олдидаги масъуллигимиз ва жавобгарлигимиз ҳақида гапирилади. Шунингдек бу муқаддас китоб олам, ўсимликлар, ҳайвонлар, жамият, оила ва "ўзимиз" билан бўладиган алоқа-муносабатларимиз ҳақида яхшироқ тушунчага эга бўлишимизга ёрдам беради. Бундан ташқари ўзимизнинг эркак ёки аёл, эр ёки хотин, ота ёки она, ёш бола ёхуд катта киши сифатидаги ҳаётимиздаги ролимизни англашга ёрдам беради.

Қуръонда ёритилган ҳуқуқлар, мажбуриятлар, муносабатлар ва роллар бир-бири билан узвий алоқада ҳисобланади. Мисол учун, киши ота сифатида ўз ҳуқуқларини билар экан, бунга яраша ўз мажбуриятини, масъуллигини, оилада қандай муҳитни ушлаб туришини ҳам билиши лозим.

Ота сифатида бола нисбатан муйян ҳуқуқларга эга бўлади, аммо айтиб ўтиш керак, ўз мажбуриятларини ҳам унутмаслиги керак. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўғрилигича фойдаланмоқчи бўлса, ўз фарзандига нисбатан яхши муносабатда бўлиши лозим. Бундай муносабатлар ўз навбатида шахснинг ролини аниқлайди, ҳаётини мазмун билан тўлдириб, унга мақсадлар йўли сари етаклайди. Ғарбий жамият ҳуқуқ, мажбурият, муносабат ва ролга нисбатан нуқтаи назарлари анча йироқ.. бу, албатта, америкаликлар ёки европаликлар ўз оилаларида муйян алоқани ушламайди ёхуд жамиятда аниқ бир вазифани бажармайдилар деган маънони билдирмайди. Бу дегани, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ҳуқуқ ва ўзаро муносабатлар, ҳуқуқ ва роллар ўртасидиги мувозанат ушлаб турилмайди деганидир. Ҳуқуқлар инсонлар ўртасидаги муносабатлар тизимида унинг бошқа таркибий қисми (мажбуриятлар, ўзаро муносабатлар, роллар)га нисбатан яққол катта маъносига эга бўлиб олди. Германияда фақатгина инсон ушбу тизим таркибий қисмларида мувозанатни ушлаб турганида келиб чиқади – бу ҳақида Қуръони Каримда ҳам гапирилади. Айтиб ўтиш керак, ҳуқуқларнинг яққол устунлиги ғарбда янги "ҳуқуқлар маданияти" вужудга келишига сабаб бўлиб, ўзи билан бутун инсоният учун салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Шунинг билан олиш лозимки, баъзи вазиятда мажбуриятлар ҳуқуқларга нисбатан олдироқ пайдо бўлиши керак, айтиб ўтиш керак, ғарбда экологик кризисни келтириб чиқарди.

XX асрнинг асосий қисмида ривожланишнинг ғарбий концепцияси айтиб ўтиш керак, асосланган эди, яъни, фан ва технология билан қуролланиб, ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида табиатни эксплуатация қилишга чекланмаган ҳуқуқлар берди. Аммо табиатга нисбатан бундай ваҳшиёна муносабат ўзгара бошласа ҳам, ғарбийликлар ҳуқуқ ва мажбуриятлар кесишиш нуқтасини аниқлай олмайдилар.

Бундай мувозанатнинг қаерда жойлашганини аниқлай олмаслик сиёсий ва ижтимоий соҳадги эркинлик принципини нотўғри қўллашга олиб келади. Сўз эркинлиги, мисол учун, амалиётда мутлақ ҳуқуқ сифатида қўлланиб, масъулият каби тушунчаларни четга суриб қўйишади.

Эркинлик ҳуқуқ ва мажбуриятда ифодаланади деган ғоя ислом ва бошқа диний фалсафанинг таркибий ҳисобланади. Аслида Куръонда айтиладики, мақбул ишлар қилиш ва номақбул ишлар қилишдан ўзини тийиш ҳуқуқ ва мажбурият ҳисобланади. Таркибий қисми ва характериға кўра ғарбликлар ҳуқуқ деб билган нарса исломда мажбурият деб баҳоланиши мумкин. Ҳуқуқни мажбурият деб қаралса, киши ижобий ишларни қилишни биринчи планга қўяди. Ҳуқуқ ва мажбурият ўзтасидаги ушбу қалтис мувозанатни ушлаб туриш инсонлар ўртасидаги муайян муносабатлар дисбаланси оқибатида вужудга келган трагедияларда яққол намоён бўлади. Сексуал мажбуриятларини ўзининг ҳуқуқлари деб дилиш ОИТС феноменини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳарбий оила кризиси – охириги ўн йилликлар давомида жуда катта масштабга эга бўлди. Бу яқинда ҳам оилавий муносабатларни тартибга солиб турган меъёрларнинг бузилиши натижасида келиб чикди десак муболаға бўлмайди.

4. Исломда фикр ва сўз эркинлиги

Фикр инсон ақлида бўладиган зеҳний амал бўлиб, уни ташқарига чиқариш, бошқаларга билдириш учун сўз ишлатилади. Ҳар бир инсон эркин равишда фикрлаш ва ўзи фикрлаган нарсани эркин равишда сўзлаш имконига эга бўлишини фикр ва сўз эркинлиги ҳаққи дейилади. Ушбу маънодаги фикр ва сўз эркинлиги ҳозирги вақтдаги барча инсон ҳуқуқлари васиқаларида ва давлатларнинг дастурларида битилгандир. Ушбу масалани баёнидан олдин фикр ва сўз эркинлиги ҳаққи ва бошқа инсон ҳуқуқлари масаласида Исломий ва ҳозирги васиқалар орасидаги услуб жиҳатидан мавжуд фарқни англаб олмоғимиз керак. Бундан ўн беш аср илгари дунёда қонунсизлик, бебошлик ҳукм суриб, ҳар ким хоҳлаганини қилиш авж олган эди. Бу вазиятни тўғрилаш ва йўлга солиш йўлида жорий қилинган Исломий кўрсатмаларда кўпроқ ман қилинган нарсалар айтилиб, шундан бошқасига рухсат қабилидаги услуб қўллаган. Чунки, одатда ман қилинган нарсалар оз бўлиб, қолган кўп нарсалар рухсатли бўлади.

Асримизда инсон ҳуқуқларини васиқаларини ишлаб чиқишга эса, асосан инсон ҳуқуқини чекловчи қонунлар кўпайиб кетгани сабаб бўлган. Шунинг учун бу ерда аксинча иш кўрилиб рухсат берилган нарсалар ҳам қонун қоидаларга, бошқаларнинг ҳаққини паймол қилишга ишлатилмаслиги зарурлиги таъкид ила қайд қилиб қўйилган.

Ислом фикрнинг асоси бўлган ақлни турли бидъат ва хурофотлардан озод қилди, инсонни борлиқ ҳақида, ундаги мавжудотлар ҳақида, ўзи ҳақида фикр юритишга, тааммул қилишга, ақл ишлатишга чақирди. Инсоннинг ақли туфайли бошқа жонзотлардан устун эканини, ақли бор инсонгина шарият аҳкомларига мукаллаф эканини баён қилди. Иймонга келиши учун ҳам ақлни ишлатиб, тафаккур қилиб ҳақиқатни топиш кераклигини баён қилди.

Ислом мўмин-мусулмон кишиларга фикр ва сўз эркинлиги берди. Шу билан бирга инсоннинг ҳамма қобилиятлари чегараланган каби унинг ақл ишлатиши ҳам чегараланганлигини ҳисобга олиб инсон ақли ва тафаккурига оид бўлмаган ишларни Аллоҳнинг ўзи баён қилиб берди. Бу Аллоҳ томонидан бандаларга бўлган меҳрибонлик эди. Акс ҳолда, инсон ўз ақл доирасидан ташқари нарсаларга ақл ишлатишга уруниб, беҳуда овора бўлган, ақлини фойдали нарсага ишлатиш ўрнига бефойда нарсалар билан машғул қилган бўлар эди.

Мисол учун, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифати ҳақидаги эътиқодни олайлик. Бу инсон илми даражасидан юқори масаладир. Бу инсоннинг маърифат ҳосил қилиш имкониятларига тобеъ бўлмайдиган, бўлиши мумкин ҳам эмас масаладир.

Инсон дин танлашда эркин, лекин Исломни танлагандан кейин, Аллоҳ ва пайғамбар томонидан кўрсатилган ақийдани қабул қилиши шарт. Мен мусулмонман, менда фикр эркинлиги бор, менимча Аллоҳ бир эмас, учта деса, мусулмонлиги қолмайди. Шунингдек,

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлганлару, мен ҳам пайғамбарман, дейиш фикр ва сўз эркинлиги ҳисобланмайди. Балки фикрсизлик ва беҳаёлик ҳисобланади. Ислом шарияти фарз қилган ибодатлар ҳақида ҳам худди шу маънони айтиш мумкин. Чунки, мазкур нарсаларда ҳам иш одамларнинг ўзига ташлаб қўйилса, дунё ҳозиргига ўхшаб оёқ ости бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки, инсон ўзи зарарини кўриб, билиб турган нарсаларни ҳам ман қилувчи қонун чиқара олмайди. Шунинг учун, тараққиёт даъвосини қилаётган юртларда инсон зотига, инсон ақлига доғ бўлиб тушадиган қонунлар ҳам бор. Эркак кишининг эркак кишига уйланиши, зинокорлик, ароқхўрликка рухсат берувчи қонунлар бунга мисол бўла олади.

Шу боисдан ҳам, Исломга кириш ихтиёрий бўлса ҳам, ундаги мавжуд қатъий илоҳий фармонларни бажариш зарур. Бу нарсалар фикр ва сўз эркинлигига боғлиқ нарсалар эмас. Зотан ҳар-бир каттаю-кичик тузумнинг таомули шу. Шунинг учун мен мусулмонману, намоз ўқимаса бўлаверади, ароқ ичса бўлаверади, деган фикрдаман дейиш, фикр ва сўз эркинлиги эмас, кофирлик бўлади. Чунки, бу Аллоҳнинг қатъий амрини инкор қилишдир.

Дунёдаги ҳеч бир ташкилот, фирма, давлат фикр ва сўз эркинлиги даъвоси билан ўзининг ички қатъий ҳукмларини паймол қилинишига йўл қўймайди. Ҳаттоки, бугунги кунда инсоният томонидан ишлаб чиқилган асосий ҳужжат, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам бу маъно алоҳида 29-модда шаклида қайд қилиб қўйилиниб, ҳуқуқ ва эркинлик зинҳор ва зинҳор БМТнинг мафкураси ва мақсадларига қарши ишлатилиши мумкин эмаслиги ёзиб қўйилган. Бу маънода батафсил гапирилишининг боиси, худди шу бобда Ислом динига нисбатан тушунмовчилик ҳукм сураётганидир. Мусулмонмас кишилар Исломда инсонга берилган кенг миқёсдаги фикр ва сўз эркинлиги ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаган ҳолда, Ислом томонидан инсон ўзи учун беҳуда фикр юритиши яхши эмаслигини баён қилувчи бандларни фикр ва сўз эркинлигини чегаралаш, демоқдалар. Баъзи бир туғилганда мусулмонча исм қўйилгандан бошқа Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқлар эса, шариятда қатъий шаклда белгилаб қўйилган нарсани инкор қила туриб, куфр келтира туриб, яна мусулмонлик даъвосини қилмоқдалар. Аслида эса, бу икки ҳолат ҳам нотўғридир. Исломда инсондаги фикр ва сўз эркинлиги инсоннинг ўзи учун фойда келтирадиган жойда ишлатилиши ундан талаб қилинган. Инсонга зарар келтирадиган жойларда эса ман қилинган. Ушбу маънонинг ҳужжат, далиллари ва воқеъликдаги мисолларини қуйида кўриб чиқамиз. Исломда фикрлаш ибодат даражасига кўтарилгандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда ақлини, фикрини ишлатмаганларни қаттиқ қоралайди. Аллоҳ таоло «Анфол» сурасида: «Аллоҳнинг ҳузурида энг ёмон жонзот ақлини ишлатмайдиган қару соқовлардир»-дейди. (22 оят) Яъни, ақлини тўғрилиққа ишлатиб, ўзича келган фикрини гапирмайдиган, бировнинг фикрини эшитмайдиганлардир, дегани. Бунга ўхшаш ақлини ишлатиш, эслаш, ёдга олиш, фикр юритиш зурурлиги ҳақидаги оятлар жуда ҳам кўп.

Аммо, Исломнинг бошқалардан фарқи шулки, унда мазкур назариялар, назария ҳолида қолиб кетмайди, балки ҳаётга татбиқ қилинади. Ҳозирги баъзи бир инсон ҳуқуқини поймол қилувчи тузумлар бу бобда олдин ёзилган васиқаларнинг энг яхши бандларини кўчириб ёзиб, бизнинг қонунларимиз дунёдаги энг одил қонун, дея жар солиб, яна инсон ҳақларини поймол қилаверишига ўхшаш нарса Исломда бўлмайди. Шунинг учун амалда бўлган нарсага мурожаат қилишимиз ўринли. Исломда инсон фикрига боғлиқ бўлмаган нарсаларни шарият баён қилиб берганидан кейин, инсон фикрига боғлиқ нарсаларда фикр юритиш учун кенг йўл очиб берилган ва инсонларни ҳур ва соғлом фикр юритишга даъват қилинган? Бу нарсанинг самарасини Исломий мазҳабларнинг пайдо бўлиши ва давом этиб келишидан кўрамиз.

Аввал ақийда масаласида Аллоҳ таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баёни асосида иш тутиш лозим эканлигини айтиб ўтган эдик. Лекин, бу ақийда масаласида фикр ишлатиш мумкин эмас, дегани эмас. Ақийданинг қатъий масалаларида фикр юритиб, ижтиҳод қилиш мумкин эмас. Аммо, қатъий бўлмаган масалаларида фикр юритиш жоиз. Шунинг учун ҳам, Исломда бир эмас бир нечта ақийдавий мазҳаблар бор. Бу мазҳабларнинг энг катталари Аҳли сунна ва жамоа ҳамда шийъа мазҳабларидир. Аҳли сунна ва жамоа

мазҳабининг ичида ҳам турли оқимлар бўлиб, улардан энг машҳурлари ал-Мотурийдийия ва Ашъарийя оқимларидир. Ҳаммалари Ислом доирасида бўла туриб, фикр ва сўз эркинлигидан тўлиқ фойдаланиш оқибатида ўз фикр ва сўзларини ўтказганлар ва мазҳаб сифатида собит бўлиб қолганлар. Бу бугунги куннинг тили билан айтилганда кўпфикрликдир. Исломда фикҳий мазҳаблар фикр ва сўз эркинлигининг энг кўзга кўринган кенг майдонидир. Бу бобдаги фикр ва сўз эркинлигига Аллоҳ таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даъват қилгандир. Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида: «Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат қилинглр ва Расулга итоат қилинглр ва ўзингиздан бўлган иш бошиларга ҳам. Агар бир нарсда низоъ қиладиган бўлсангиз уни Аллоҳга ва Расулга қайтаринг, агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз. Ана шу яхши ва гўзал таъвийлдир»-деган. Бу оятда замон ўтиши билан пайдо бўладиган янги масалаларни ижмоъ ва қиёс йўли билан ҳал қилишга амр бор. Бу эса, эркин фикр юритишга даъватдир. Шунингдек, Қуръон ва Ҳадисдан ҳукм чиқариш ҳам эркин фикр юритишнинг бир туридир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам буюк саҳобий Муоз ибн Жабални Яманга волий қилиб юборишдан олдин, у киши билан ўтказган суҳбатларида жумладан, агар ҳукми Аллоҳнинг китобида ва Унинг Расулининг суннатида топмасанг нима қиласан?-деганларида, Муоз розияллоҳу анҳу, ўз раъйимни ишга соламан, бўшашмайман, деганлар. Шунда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ишига таҳсин айтганлар. Қуръон ва Суннатда асосий мезонлар белгилаб берилиб, макон ва замон ўзгариши билан ўзгарадиган масалаларни ҳал қилиш мусулмонларнинг ўзига ҳавола қилинган. Шунинг учун ҳам, кўпчилик бу борада эркин фикр ила ижтиқод қилган. Уларнинг ичида энг кўп муваффақиятга эришганлари, фикҳий мазҳаб имомлари бўлиб танилганлар.

Шу билан бирга бир фикҳий мазҳаб ичида ҳам турли фикрлаш кенг миқёсда йўлга қўйилган. Мисол учун Ҳанафий мазҳабида баъзи масалаларда Имом Абу Ҳанийфанинг шогирдлари у кишининг фатволаридан бошқача фатво чиқарганлар ва шогирднинг фатвосига амал қилинган. Лекин, фуқаҳоларнинг бу фикр эркинликлари зулм ва жавр ила баъзи кишилар томонидан ихтилоф, деб номланган. Аслида бу иш ихтилоф эмас, кўпфикрликдир. Масалани ҳал қилишда афзал ва осон йўлни танлашга уринишдир. Аини пайтда бу кўпфикрлилик юксак одоб доирасида бир бирини ҳурмат қилган ҳолда йўлга қўйилган. Мунозара одоблари ишлаб чиқилган ва бу бобда китоблар ҳам битилган. Буларнинг ҳаммаси фикр ва сўз эркинлигининг самарасидир.

Исломда бировни ўз фикрига мажбурлаш бўлмаган. Тўрт фикҳий мазҳабнинг соҳибларидан бирлари, Имом Моликка ҳалифа Жаъфар Мансур ва Ҳорун ар-Рашидлар бир неча бор кишиларни амр ила у кишининг мазҳабларига юритишни айтганларида у киши кўнмаганлар: «Бу жоиз эмас, ҳар бир қавмнинг ўз салафлари, имомлари бор, ҳаммаси ҳам тўғри ижтиҳод қилган», деган маънода гап айтганлар.

Шундай қалиб, исломда инсон ҳуқуқлари мсаласига юзаки қаралмасдан , балки уни қатъий белгилаб қўйилганлигини кўраимиз.

5.Ислом ҳуқуқи бўйича шахс мақоми ва инсон ҳуқуқлари (хусусий мулк ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи)

Исломда инсон ҳуқуқлари бирдан–бир мақсад ҳисобланмайди, лекин ҳаётдаги муайян вазифаларни бажариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон ўзининг маънавий мавжудот эканлигини англаши ва жамият равнақи йўлида бунёдкорона меҳнат қилиши билан ҳайвондан фарқ қилади. Инсон Аллоҳнинг иродасига кўра унинг йердаги халифалари (ноиблари) ҳисобланади.

Инсонга яшаш ҳуқуқи у бундан бутун инсоният фойдаси ва равнақи йўлида фойдаланиши учун берилган. У ўз ихтиёрига кўра эркин ҳаракат қилиши учун унга эркинлик ҳадя этилган. Бироқ инсон Аллоҳ иродасига бўйсуниб йўлини танласа, у онгли равишда ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси учун ўзига қўшимча масъулият юклайди.

Исломга эътиқод қилувчи одамнинг ҳуқуқлари:

- 1) яшаш ҳуқуқи;
- 2) тенглик ҳуқуқи;

- 3) еркинлик ҳукуқи;
- 4) еркин фикрлаш ҳукуқи;
- 5) сиёсий эркинлик ҳукуқи;
- 6) чет мамлакатларга чиқиш ва улардан бошпана юпиш ҳукуқи;
- 7) муносиб ҳаёт кечиришни таъминловчи меҳнат қилиш ҳукуқи;
- 8) одил судлов ҳукуқи;
- 9) қонун оддида тенглик ҳукуқи;
- 10) ўз шаънини ҳимоя қилиш ҳукуқи;
- 11) ижтимоий таминот олиш ҳукуқи ;
- 12) никоҳ тузиш ҳукуқи;
- 13) шахсий ҳаёт ва хавфсизлик ҳукуқи;
- 14) ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳукуқи;
- 15) таълим олиш ҳукуқи;
- 16) жабр–зулмга қарши норозилик билдириш ҳукуқи;
- 17) сўз эркинлиги ҳукуқи;
- 18) намоёишлар ўтказиш эркинлиги;
- 19) виждон ва эътиқод эркинлиги;
- 20) диний туйғуларни ҳимоя қилиш ҳукуқи;
- 21) давлат ишларида иштирок этиш ҳукуқи;
- 22) муносиб ҳаёт кечириш ҳукуқи.

Мусулмонларнинг Муқаддас китоби ва ҳадисларда инсон ҳуқуқлари ҳақида фикрлар мавжуд:

"Ҳуқуқлар қандай бузилади? ҳуқуқлар гуноҳ ишлар очик–ойдин содир этилганида ва ҳеч ким осийларни янглиш йўлдан қайтармаганида бузилади".
(Тарғиб ҳадиси).

"Ким нотўғри ишни кўрса, буни у ўз қўли ёрдамида тузатиши лозим; агар бунга унинг кучи этмаса, у буни сўзи билан тузатишга уринмоғи керак; лекин бунга ҳам унинг кучи этмаса, у ҳеч бўлмаса буни бутун қалби билан қоралаши лозим".
(Муслим ҳадиси).

Жаҳонда туб ўзгаришлар юз берган, бошқа одамларнинг маънавий дунёсига қизиқиш кучайган XX аср охири –XXI аср бошида ислом оламида ҳам шахс, унинг эркинликлари ва масъулияти муаммоларини ўрганишга алоҳида қизиқиш пайдо бўлди.

Фақиҳлар фикрига кўра, мусулмонлар аввало ўзининг фуқаро сифатидаги ва ижтимоий аҳамиятини англашлари, бағрикенг ва сабр–тоқатли бўлишлари, ғайриижтимоий ҳаракатларга йўл қўймасликлари, юзага келган муаммоларни фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун доирасида ҳал қилишлари жуда муҳимдир. Виждон эркинлиги тамойилига барча давлат идоралари, диний бирлашмалар, атеистлар ва диндорлар қатъий амал қилишлари шарт. Шундагина бу тамойил инсоннинг маънавий эркинлиги унсурига айланади.

Мусулмонларни ҳозирги иқтисодий муносабатлар, фуқаролик эркинликлари ва бурчлари дунёсига кенг жалб қилишнинг муҳимлигини англаган ҳолда, кўпгина ислом мутафаккирлари ислом анъаналари билан ворисийликнинг узилиб қолмаслигига катта аҳамият берадилар. Бу анъаналарга кўра, ҳар бир мусулмоннинг идеали Муҳаммад Пайғамбар (САВ) ҳисобланади. Тўғрисиўзлик, бошқа одамларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, савдо–сотик ва бошқа ишларни амалга оширишда ҳалоллик, меҳнаткашлик, раҳмдиллик буларнинг ҳамаси ҳақиқий мусулмоннинг фазилатлари сифатида саралади. "Дўст билан хушмуомала бўлиш – яхши иш, бирон–бир одамга юк ортишга қўмаклашиш – яхши иш, қўшнинг челагига сув қуйиб бериш ҳа – яхши ишдир", деганлар Муҳаммад Пайғамбар (САВ).

6. Мусулмон ҳуқуқида аёлларнинг ҳуқуқий мақоми ва уни демократик стандарт билан таққослаш

Ҳаётнинг барча жабҳаларини қамровчи Ислом аёллар ҳақ-ҳуқуқларига ҳам катта эътибор берди. Аёл энг муносиб ўрнини Исломдан топди.

Исломда аёлнинг ҳақлари қуйидагича адо этилади:

1. Аёлларга яхши муомалада бўлиш, уларга нисбатан хушмуомала, ширин сўз, мулойим муносабатда бўлиш, ноҳақлик ва қўполлик қилмаслик керак. Бу хусусда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Мўминларнинг энг тўла ишончлиси хушхулқлисидир. Сизларнинг яхшиларингиз аёлларга, завжаларига яхши муомалада бўлганларингиздир».

Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аёллар хусусида Аллоҳдан кўрқингиз. Зеро, сиз уларни Аллоҳдан омонат ўлароқ олгансиз», деганлар.

Ҳадисларда келишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) аёлларга ва болаларга дуч келганларида, салом берардилар, яъни салом билан муқобалада бўлгандилар.

2. Аёлларни урмаслик. Қуръони каримнинг: «Хотинларнинг итоатсизлигидан кўрксангиз, аввало уларга насихат қилингиз, сўнг (бу таъсир қилмаса,) уларни ётоқларида тарк этингиз, сўнг (бу ҳам кор қилмаса,) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқа) йўл ахтармангизлар. Албатта, Аллоҳ жуда олий ва улўғ зотдир»* («Нисо», 34) оятида айtilганидек, итоатсиз аёлни тарбия ва сўнгги чора сифатида қаттиқ оғритмасдан уришга изн берилган. Лекин, Муҳаммад (с.а.в.) ўзлари аёлларини урмаганлар ва хотин кишини урганларга ҳам қарши турганлар. «Не бўлди эркакларга, хотинларини қул каби урадилар, ҳолбуки, айни кун сўнгги (тун)да латифлашадилар», деган ҳадис ҳам сўзимизнинг исботидир.

Шунингдек, аёлларга ҳам эрларига озор бермаслик амр этилган. Маоз ибн Жабалдан (р.а.) айtilганига кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар: “Қайси бир аёл (мўмин) эрига озор берганда, у кишининг хур жуфти (бу аёлга): «Аллоҳ сенинг жонингни олсин, у кишига озор, азият берма. Чунки, шубҳасиз, у сенинг ёнингда меҳмон-мусофирдир, сендан айрилиб, тезда ёнимизга келади», дейди”.

3. Исломда аёл ва болаларни ўлдириш маън этилган. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: “(Эй инсонлар), болаларингизни қашшоқликдан кўрқиб ўлдирмангиз, уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир” («Ал-Исро», 31). “Ўз болаларини илмсизлик қилиб, жоҳилона ўлдирган ва Аллоҳга туҳмат қилиб, улар учун Аллоҳ ризқ қилиб берган (хайвонлар)ни ҳаромга чиқарганлар, албатта, (ўзларига) зиён қилдилар. (Улар) ҳақиқатдан адашдилар ва тўғри йўлга юрувчи бўлмадилар” («Анъом», 140). Ислом ҳуқуқида, ҳатто, уруш вақтида аёл ва болаларни ўлдириш тақиқланган. Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.): “Кимки иккита қизни вояга етгунча бокса, жаннатга мен билан бирга киради”, деб ўрта ва ишора бармоқларини ёнма-ён қилиб кўрсатдилар”.

4. Аёлларнинг илм олишлари. Аёл ва эркак мусулмонларга илм ўрганмоқ фарзи айнди. Қуръони каримда фақатгина аёлларнинг ўзига хос, фитратига мувофиқ келган Аллоҳнинг хитобларидан ташқари (масалан, авратларини тўсиш, бола эмизиш, идда муддати, талоқ тўғрисида ва ҳоказо) қолган барча оятлар Аллоҳ таолонинг башариятга, эркак-у аёлга қилган хитобларидир. Илм ҳақидаги чақириқлар ҳам шулар жумласидандир. Исломда иймондан кейинги фарзи айналardan бири илм олишлиқдир (“фарз” бажарилиши шарт деган маънони ҳам англатади). Зеро, Жаброил (а.с.)нинг Пайғамбаримиз (с.а.в.)га етказган биринчи каломи ҳам “Ўқи!” бўлган. Аллоҳ таоло бандасини тафаккур қилиб, борлиққа қараб, таҳлил билан Ўзини танишини хоҳлайди. Кўр-кўрона, тақлидий иймон келтиришликни хуш кўрмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Илми Чинда бўлса ҳам бориб, олинглар”, деганлар. Ваҳоланки, ўша пайтда Чин (Хитой) бутлар ва бутпарастлар ўлкаси бўлган. Лекин улар бундай дейишга кўрқмадилар, чунки борлиқда Аллоҳнинг қудратини намоён этиб тургувчи сон-саноксиз далилларни ақли билан тааммул қилган инсон Унинг ваҳдониятига иймон келтиргач, Роббисига ширк келтирмайди, аксинча, Ҳақ талабида бўлади. Ҳозирда мусулмонлар орасида илм деганда, фақат диний илмлар тушунилади. Бу

хато тушунча. Исломда диний, дунёвий, деган гаплар бўлмаган. Илм соҳаларга бўлинган, холос: фикх, ҳадис, фароиз, тиб, ҳандаса, тарих, фалакиёт илмлари ва ҳоказолардир. Мусулмонлар Қуръон ва суннатга амал қилган вақтларида уларнинг орасида илмнинг барча соҳаларида дунёга танилган алломалар етишиб чиққан. Бунга ўзимизнинг ватандошларимиз Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Замахшарий ва бошқа кўплаб олимларнинг номларини келтириш мумкин.

Охирги асрларда мусулмонлар тарафидан илмий кашфиётлар қилинмай қўйди. Бугунги кунда ўлкамизда нафақат мусулмон аёлларнинг, ҳатто, эркакларнинг ҳам илмга рағбатлари паст. Ислом дини эркакларгина қиладиган оғир касбларни аёлларга фарз қилмаган. Лекин аёлларга хос баъзи ишларни эркакларга хос баъзи ишлар билан тенглаштириб, улар билан тенг савоб олишни жорий қилди. Масалан, ҳозир туғруқхоналарда эркак доялар ишлаб юришибди. Шуларнинг ўрнини аёллар эгалласалар, ўртадан гуноҳ кўтарилиб, савобли, хайрли иш бўларди. Чунки аёлнинг дардини эркакдан кўра, аёл кўпроқ тушуниб, ундан кўра, яхшироқ ёрдам бера олади. Ислом келмасдан олдин ва ундан кейин ҳам анча вақт ҳали дунёда ўқиш-ёзишни биладиганлар кўп эмасди. Арабистонда ҳам вазият шундай эди. Фақат Қуръони карим амри билан бошланган илм ва маданий фаолият тез суръат билан илгариларга бошлади. Ҳазрат Пайғамбаримизга (с.а.в.) ваҳий котиблар кун сайин кўпаяр, бошқа мўминлар ҳам ўқиш-ёзишни ҳавас қилишарди. Ислом оламида биринчи дарсхоналар, мадраса ва масжидлар очилиб, илк устоз Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ўзлари бўлдилар. У зотга эргашган саҳобийлар кўплаб мўминларни диний ва дунёвий билимлар билан бойитишга муваффақ бўлдилар. Бу диний ва бошқа билимларни таҳсил этишда аёл-эркак ажратилмаган. Чунки Исломда илм олишда аёл-эркак тенгдир.

Имом Сарахсий (р.а.) марҳамат қиладилар: “Аллоҳ таолога иймондан сўнг, энг қувватли фарз – илм талаб этишдир. Чунки Расулуллоҳ (с.а.в.): “Илм талаб этмоқ ҳар мусулмон эркак ва аёл учун фарздир”, деб буюрганлар. Илм – нубувватнинг меросидир. Пайғамбарлар илмни мерос қолдирадилар. Эркаклар нубувват меросида қанчалик ҳақ соҳиби бўлсалар, аёллар ҳам шунчалик ҳақ соҳибидирлар.

Илмнинг фазилати тўғрисида Аллоҳ деган: “Аллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ёрлақаб, мартабасини улуғ қилгайдир, охиратда жаннатга кирмоқликни насиб этгусидир”. Яна бошқа ояти каримада эса: “Ё Роббий, илмимни зиёда қилгайсан, деб айт!” – дейилган.

Асри саодатда саҳобиялар ўртасида илмлари, зеҳнлари билан ажралиб турган аёллардан Ҳазрат Оиша, Ҳафса, Умму Салама, Карима бинтул Микдол, Умму Кулсум бинти Уқба, Оиша бинти Саъд (р.а.)ларнинг номлари тарихда қолган. Шубҳасиз, шариатнинг уч амал таянчи бор. Булар: илм, амал, ихлос. Шу уч жуъздан ҳар бири ҳақиқийлашса, шариат ҳақиқийлашади. Бир кишида бу уч жуъз билан шариат вужудга келса, Аллоҳ розилиги қозонилган бўлади. Маймуна (р.а.) (шу маънода) амр қилдилар: “Арабчани ўрганинг ва ўргатинг!” Тўрт халифа замонлари ўтиб кетгач, Ислом давлатларида сохта дин пешволари тарафидан аёлларнинг илм олишини таъқиқлайдиган уйдирма ҳадислар ҳам юзага келди. Ҳолбуки, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва Ҳорун ар-Рашид даврида аёллар илм таҳсилининг чўққисида бўлганлар. Кимки “Муслима аёлларнинг илм олишини дин таъқиқлаган ёки таъқиқлайди” иддаосини илгари сурса, билингизки, у кимса Исломга хиёнат этган. Ислом келтирган илм инқилоби аёллар учун бир нажот эшигидир. Мадинада янги тузилган Ислом жамияти ва давлатида ўқиб-ёзадиган аёллар ҳам оз эмасди. Машҳур саҳобия Аш-Шифо бинти Абдуллоҳ ал-Адавийя исломдан аввал ўқиш-ёзишни биларди. Сўнг бир қанча саҳобияларга ўргатди (масалан, Ҳафса бинти Умар ал-Форук). Ўзи шу тариқа исломда илк муаллима бўлди. Аш-Шифодан ташқари ўқиш-ёзишни биладиган Ҳазрат Оиша, Ҳафса, Умму Салама, Карима бинтул Микдол, Умму Гулсум бинти Уқба ва Оиша бинти Саъд каби саҳобиялар зикр этилган. Улар Муҳаммад (с.а.в.) сўзларини тушуниб олиб, одамларга етказар эдилар. Олима саҳобалар ёнида шоиралар ҳам бор эди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) қизи Фотима аз-Заҳронинг сут қариндоши Аш-Шайма бинтул Ҳорис ас-Саъдийя, Ал-Ҳафса бинти Амр ибниш-Шарид, Атиқа бинти Зайд ва Нажия бинти Жундуб ал-Асломий шоира саҳоба

аёллардир. Тарихда Ислом оламида машҳур аёллар Миср, Испания ва Африкадаги мамлакатларнинг бир қанчасига дахлдорлар. Молик бин Анасдан ривоят этган Обида ал-Маданийя, Имом Бухорийнинг “Ал-жоме ас-саҳиҳ”ини Маккада ривоят этган Карима ал-Марвазийя машҳурдирлар. Тасаввуф соҳасида ҳам кўзга кўринган аёллар бўлган, булардан машҳурлари Робиа ал-Адавийя, андалусиялик Фотималар маълум. Гарчи юқорида илмни, истеъдодли саҳобияларнинг номлари келтирилган бўлса-да, Арабистонда ўқиш-ёзишни биладиган эркак ва аёллар санокли эди. Аёллар келиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан илм ўргатишларини илтимос қилишган. Бир аёл ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)га дедилар: “Сўзингизни тинглашимизга имкон бўлмаяпти (сўзларингизни эркаклар етказмоқдалар), бевосита ўзингиздан эшитайлик, бир кунни тайин қилинг, келайлик, Аллоҳ сизга ўргатганини бизга ўргатинг”. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу мурожаатни яхши қаршиладилар ва аёлларга алоҳида дарс ўтишни қабул қилиб, буюрдилар: “Фалон кун, фалон ерда тўпланинглар!” Улар тўпландилар. Ўша кун келгач, ваъз-насихат айтдилар, баъзи диний ишларни буюрдилар: “Эй хотинлар, орангизда 3 та боласи ўлган бирорта ҳам хотин бўлмаса керак, мабодо бўлса, уни ўша болалари парда бўлиб, дўзах ўтидан асрагайдир”, - дедилар. Шунда бир хотин: «Иккита бўлса—чи?» - деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Иккита бўлса ҳам (парда бўлгайдир)”, дедилар (бу гап оталарга ҳам тааллуқли). Абу Ҳурайра (р.а.): “Балоғатга етмаган учта фарзандни назарда тутганлар”, - деб ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) аёлларга Аллоҳ ўргатганидан ўргатдилар ва шу тариқа исломда аёлларга оид илк мадраса барпо бўлди.

5. Аёлларнинг ҳақлари. Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.) айтганлар: “Аёлларнинг эркаклар зиммасидаги ҳаққи яхши таом ва кийим беришларидир”. Қуръони карим дейди: “Роббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингизда кексалик ёшига етсалар, уларга “Уф...” дема ва уларни жеркма! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!” (Ал-Исро, 23). Қуръонда марҳамат қилингани каби ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.): «Энг кўп кимга яхшилик кўрсатиш керак?, деб сўраган бир саҳобийга “Онангга”, дея уч бор такрорлаганларидан сўнг, “Отангга”, дедилар.

Исломда она ёки аёл ҳаққига эътибор шу қадарки, она мушрик бўлса-да, бу ҳаққини йўқотмаган бўлади. Фақат ота-она фарзандига ё эр хотинига Исломдан ташқари, яъни Исломга зид амр ва талқинда бўлсалар, у ҳолда уларга итоат қилинмайди. Аллоҳга исён қилувчиларга итоат этилмайди. Бу ҳадиси шарифда очиқ айтилгандир: “Аллоҳга исён этган кимсага итоат этиш йўқдир”. Бошқа бир ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилинади: “Улар (яъни, бошингиздагилар)дан ким сизга Аллоҳга исён қилмоқни амр этса, зинҳор (бу хусусда) у кимсага итоат этманг”. Исломнинг аёл ҳақлари хусусида келтирган янгиликлари ва қўйган асосларини шундай тартиблашимиз мумкин: яратилиш жиҳатидан, Аллоҳнинг махлуқи бўлиш жиҳатидан аёл билан эркак тенг. “Эй, одамлар! Сизларни бир жондан (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда у иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўркингиз!...” (Нисо, 1). Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам бир ҳадиси шарифларида аёл билан эркак орасидаги тенгликни шундай баён этганлар: “Аёл-эркак барча инсонлар тароқ тишлари каби бир-бирларига тенгдирлар”. Бошқа бир ҳадиси шарифда эса шундай: “Аёл-эркак — барча мусулмонлар қариндошдирлар. Бир кишининг бошқа бир кишига нисбатан тақводан бошқа ҳеч бир устунлиги йўқдир”. Исломга кўра, аёл ва эркак бир бутуннинг икки парчаси кабидир. Бир-бирларини тўлдирадилар. Чунки ҳадиси шарифда: “Аёллар эркакларнинг (тўлдирувчи) парчасидир”, дейилган. Ояти каримада эса шундай дейилмоқда: “...Улар сизлар учун либос, сизлар улар учун либосдирсизлар...” (Бақара, 187). Қуръони карим шу тариқа аёлни нотўғри, нопок ҳукмлардан халос этиб, эркакка турмуш ўртоғи этди. Қуръони карим бу ҳукми билан аёл инсонми-йўқми деб тортишган Оврўпадаги қарашларни яқсон қилди. Ислом аёлдан лаънатни кўтариб ташлади, инсон ўғлининг, Одамнинг жаннатдан чиқишига, лаънатланишига аёл сабаб бўлди, деган эътиқодни ҳам рад этди.

Исломга кўра, аёл ҳам эркак каби диндош бўлишга, ибодат қилишга ҳақли ва буюрилгандир. Қиладиган амалига қараб мукофотланади ёки жазоланади. Жинсият фарқи савобининг кам

бўлишига сабаб эмас. Аллоҳнинг қули бўлиш ёки Аллоҳга бандалик жиҳатидан эркак билан аёл орасида фарқ йўқдир.

Аёл кишининг тенгҳуқуқлиги ҳақидаги халқаро ҳужжатлар эндиgina эллик ёшга тўлди. Ислom эса бу масалани ўн беш аср илгари ҳал қилгандир. Ўша даврда барча халқлар аёл жинсига жирканиш ва таҳқирлаш назари билан қарар эди. Баъзилар, аёл зоти нажас нарсa ундan қанча узоқ бўлса шунча яхши, деса, бошқалари, аёл жинси ор-номус келтирувчи манба уни ёшлигида тириклай кўмиб ташлаш керак, дер эди. Аёл кишини молу-мулк тариқасида олди-сотди қиладиганлар, мерос сифатида тақсимга соладиганла ҳам оз эмас эди. Ислom эса биринчи бўлиб аёл киши ҳам худди эркак кишидек тўлақонли инсонлигини эълон қилди. Бу маъно Қуръони каримнинг бир қанча оятларида қайта-қайта баён этилди. Аллоҳ таоло жумладан «Нисo» сурасида: «Эй одамлар, сизлари бир жондан яратган ва ундan унинг жуфтини яратган ҳамда икковларидан кўплаб эркаклар ва аёлларни яратган Роббингизга тақво қилинг»-дейди. (1 оят) Демак, одамликда, инсонликда эркак ва аёл тенг, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар:

1.Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Т, "Адолат", 2000 йил. 2.Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар) муаллифи Алоуддин Мансур. Чўлпон. Т, 1992, Нисo сураси 22,32-33 ва.б.

3."Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Ўзбекистоннинг янги қонунлари №3. "Адолат", Т.:1992, 89-111-б.

4.А.Ш. Жузжоний. Ислom ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақхлари. "Тошкент ислом университети" нашриёти, 2002 йил.

5.А.Х.Саидов. Основы мусульманского права. Т, 1994 год "Адолат"

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Ислom ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари концепциялари, диний ценз, догма, элитаризм, ислом хартиялари.

Мавзуга доир назорат саволлар:

1.Ҳозирги замон ислом инсон ҳуқуқлари концепцияларининг ўзига хос хусусиятлари.

2.Мусулмон ҳуқуқида индивидуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзарo муносабатлари.

3.Ислom ва фуқароларнинг тенглик конституцион принципи қандай?

4.Мусулмон ҳуқуқида аёлларнинг ҳуқуқий мақоми қандай бўлган?

5.Шахсий мақом ҳуқуқи -мусулмон ҳуқуқининг муҳим соҳасини нималарда кўриш мумкин?

6.Ислom ва инсон ҳуқуқлари буйича халқарo ҳуқуқий ҳужжатлар

6-БОБ.Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари

Режа:

- 1.Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг тушунчаси, субъектлари ва объектлари.**
- 2.Мулк ҳуқуқининг асосий нормалари.**
- 3.Мажбурият ҳуқуқи ва уни бажариш воситалари.**
- 4.Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқида шартномалар (олди–сотди шартномаси, айрбошлаш шартномаси, ижара шарномаси ва ҳ.к)**
- 5.Мусулмон ҳуқуқида даъво ва вакиллик тушунчаси.**
- 6.Ислом қонунчилиги ва солиқ тизими**

1.Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг тушунчаси, субъектлари ва объектлари.

Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари (муомалот) батафсил тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Шариат юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини алоҳида тарзда кўриб чиқмайди. Жисмоний шахслар томонидан қилинган фуқаролик–ҳуқуқий ҳаракат қонуний (ҳалол) ва йўл қўйилган (жоиз) ёки қонунсиз, йўл қўйилмаган (ҳаром) бўлиши мумкин. Ҳаракат, шунингдек, Шариат нуктаи назаридан мақтовга лойиқ (мустаҳиб) ва танбеҳли (мақруҳ), мажбурий ва мажбурий бўлмаган каби турларга бўлинади.

Жисмоний шахсларнинг лаёқатлигига жинси, табақаси, мулкӣ аҳволи, айниқса эътиқоди таъсир этади. Тўлиқ даражадаги ҳуқуқ лаёқатига ва муомала лаёқатига мулкдор мусулмон эркак кишилар, ҳукмрон табақа вакиллари эга бўлган. Ҳуқуқий лаёқат туғилишдан бошлаб, мерос масалаларида эса туғилмасдан ҳам аввал вужудга келган ва ўлим билан ёки бедарак йўқолиш билан тугаган. Ёш болалар, 15 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар, шунингдек, руҳий касаллар ва аҳли заифлар муомала лаёқатига эга эмас деб ҳисобланган. "Фуқаролик ҳуқуқининг объектини ашёлар, ҳуқуқий, шунингдек, мулкӣ характерга эга бўлмаган шахсий ҳуқуқ (масалан, исмга эга бўлиш ҳуқуқи) ташкил этган. Ашёлар ҳаракатда ва ҳаракатсиз (кўчмас), алмаштирилмайдиган ва алмаштирилмайдиган, наслий ва наслий бўлмаган, бўлинадиган ва бўлинмайдиган, истеъмолга йўл қўйилган ва истеъмолга йўл қўйилмайдиган, муомаладан олинган ва муомаладан олинмаган бўлиши мумкин.

Мусулмон ҳуқуқида мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи нормалар муҳим ўрнни тутати. Унда аввало мулкка ашёвий ҳуқуқ объекти сифатида қараш мустаҳкамланган. Мусулмонларнинг хусусий мулки ҳисобланмайдиган ашёлар– ҳаво, денгиз, чўл–даштлар, масжидлар, сув йўллари ва бошқалар алоҳида туркумдаги ашёларни ташкил этган. Шунингдек, "ҳаром ашёлар" – вино, чўчка гўшти, исломга зид китоблар ва ҳоказолар ҳам мусулмоннинг мулки эмас деб ҳисобланади. Шу сабабли арабларнинг босқинчилик юришлари давомида кўпинча бундай мулклар йўқ қилинган. Лекин бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, номусулмонларга тегишли мол–мулкларни нобуд қилиш масаласида исломдаги мазҳаблар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.

Мусулмон ҳуқуқшунослари ер мулкини таснифлаштиришга катта эътибор берадилар. Ер мулкчилигининг куйидаги шакллари ажратиб кўрсатилади: давлат ерлари, хусусий эгаликдаги ерлар, жамоа ерлари ва вақф ерлар. Булардан ташқари муқаддас ерлар ҳам мавжуд бўлиб, улар **хижоз** деб аталган. Бунга Мухаммад (САВ)нинг оёқлари теккан ерлар, яъни у яшаган жойлар киради. Бундай ерларга бошқа диндагиларнинг кириши ман этилган. Бу ерларда фақат мусулмонлар яшашлари мумкин бўлиб, дарахтларни кесиш, овчилик қилиш мумкин эмас эди ва ҳоказо.

Тарихий ва юридик манбаларда кўрсатилишича, араб ва бошқа мусулмон мамлакатларида маълум хизматни бажариш эвазига феодалларга бериладиган ерлар ҳам мавжуд бўлиб, бу шартли ер эгалиги ҳисобланган ва икто ерлари деб юритилган. Бундай ерлар эгаси (иктадор) ўз ҳокимияти остидаги аҳолидан ўз ҳисобига ўлпон ва солиқлар йиғиш ҳуқуқини олган. Икто вақт ўтиши билан мерос тариқасида ўтказила бошланган ва хусусий эгаликдаги мулк бўлиб қолган.

Дастлаб ичиладиган сувлар, ҳаво сингари умумий фойдаланиладиган мулк ҳисобланган. Лекин қудуқлар, ҳовузлар ва майда қўллар аста-секин йирик ер эгаларига ўтиб борган. Фақат катта дарёлар ва қўллар илгаригидек жамоа ва давлат мулкчилиги тизимига кмрган. Чунки бунини мансабдор шахслар назорати остида амалга ошириладиган биргаликдаги ирригация ишларини ўтказиш зарурияти тақозо қиларди.

Шариатда мулк ҳуқуқининг вужудга келиш усуллари батафсил белгиланган. Бунда турли мазҳаб вакиллари турли фикрлар билдирганлар. Масалан, арабларнинг кўпдан-кўп босқинчилик юришлари ҳарбий ўлжаларнинг ҳуқуқийлиги ёки ҳуқуқий эмаслиги масаласини кун тартибига қўйган ва бу шариат да умумий мулк ҳуқуқининг келиб чиқиш усулларида бири сифатида тан олинган. Босиб олинган ерлар умумий қоида бўйича давлат мулки ҳисобланган ва халифа ҳамда амирларнинг тасарруфига келиб тушган. Душмандан ўлжа қилиб олинган бошқа мулкларнинг миқдори алоҳида мазҳабларда турлича белгиланган. Бундай мулкларнинг бир қисми уни эгаллаб олган шахсга, иккинчи қисми давлатга, учинчи қисми –Масжидларга ўтказилган ва ҳоказо. Шариат бўйича мулк ҳуқуқи мерос олиш, шартнома тузиш, ашёларни топиб олиш йўли билан ҳам келиб чиқиши мумкин. Масалан, ўз ер участкасидан бегона ашёни топиб олган шахс унга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган.

2. Мулк ҳуқуқининг асосий нормалари.

Фикҳнинг кўчмас мулкка оид қоидалари кўчар мулкни тартибга солувчи қоидаларга қараганда кўпроқ бўлиб, бу мулкнинг илоҳий келиб чиқишини тўла тасдиқлайди.

Ислом ҳуқуқшунослари мулк ҳуқуқи предметини ташкил этувчи ернинг беш турини фарқлайди:

- «жонсиз» ерлар;
- «жонлантирилган» ерлар;
- таноб ерлар;
- хирож ерлар;
- ҳобус.

Бу ерларни уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- 1) мулк (ёки хусусий мулк) тариқасидаги ерлар;
- 2) хирож (солиқ солинадиган) ерлар;
- 3) ҳобус (хусусий мулк эгалари диний муассасалар ёки ҳудудий хоналарга мулк қилиб берган ерлар).

1. Хирож ерлар.

Халифаликка ихтиёрий равишда бўйсунган жойларда маҳаллий аҳоли ерга бўлган мулк ҳуқуқини сақлаб қолган бўлса, фатҳ этилган ҳудудларда мусулмон жамоаси ерга нисбатан олий ҳуқуққа эга бўлган. Ер эгалари бу ер авлоддан авлодга ўтишини истисно этувчи айрим узфрукт ҳуқуқинигина сақлаб қолганлар¹.

Узфрукт (лотинча сўз бўлиб) — роман давлатлари ҳуқуқида қонунга биноан ёки шартнома бўйича бошқа шахсга қарашли мол-мулкнинг моҳиятини сақлаб қолган ҳолда ундан фойдаланиш, унинг мевадарини ўзлаштириш ҳуқуқи. Узфрукт умрбод, муайян муддатга ёки юз бериши узфруктарий (фойдаланувчи) ҳуқуқини тугатувчи шарт билан белгиланиши мумкин. Бундай ерлар хирож ерлар деб аталган, чунки уларга ҳар йили мол ёки пул кўринишида ундириладиган солиқ-хирож солинган. Хирожнинг қонуний хусусияти ижтиҳод қоидаларига асосланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, хирожнинг назарий асослари ҳижрий V асрда вужудга келган. Илк ислом даврида фатҳ этилган ерлар аскарларга мулк қилиб берилган, лекин бу сиёсат кўшинни заифлаштириш билан бир вақтда, хирожга қараганда камроқ солиқ-закот ундирувчи давлатга зиён етказган. Шу сабабли халифа Умар даврида ерни мулкдорлари ихтиёрида қолдириб, уларга хирож тўлаш мажбуриятини юклаган, шу билан бирга,

¹ Шарль Р. Мусульманское право. Пер. с франц. С.И.Волка. Под ред. и о предисл. Е.А.Беляева. - Москва: Изд-во «Иностранная литература», 1959. - С.6.

мулкдорнинг ислом динига кириши ҳам, ер майдонларининг мусулмонларга сотилиши ҳам бу ерларни солиқ-хирож тўлашдан озод қилмаслигини белгилаб қўйган.

2. Ерга мулк сифатида эгалик қилиш ва унга туташ ашёвий ҳуқуқар.

Ерга бўлган мулк ҳуқуқи мусулмонлар учун муқаддас, бинобарин, дахлсиздир. Шу боис жамоат манфаатларида ерга бўлган мулк ҳуқуқини олиб қўйиш имкониятини назарда тутувчи қонуннинг қабул қилинишига эришиш (айниқса ханафийларда) жуда қийин бўлди (Туркияда бунга 1885 йилдагина эришилди). Қарздорнинг мол-мулкига суд орқали ундирувни қаратишга ижозат берилиши учун ҳам шунга ўхшаш қийинчиликларни енгишга тўғри келди.

Мулк ҳуқуқининг эгаси мазкур ҳуқуқдан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин. Бироқ ислом ҳуқуқи мулкдорга ўз мол-мулкни суиистеъмол қилиш, уни беҳуда исроф этишни тақиқлайди. Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш умумий назарияси суд қарорларидан келтириб чиқарилиши мумкин эмас эди. Айни вақтда, бировга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай амалдан ўзини тийиш ҳақидаги ислом тамойили (у машхур ҳадислардан бирига асосланган) ҳуқуқий эмас, балки маънавий хусусиятига кўра ҳуқуқни суиистеъмол қилиш назариясига қараганда кенгрок асосга эга.

Р.Шарлнинг «Ислом ҳуқуқи» китобида мулк ҳуқуқининг келиб чиқиш асослари бериб ўтилган. Ерни эгаллаб олиш (ҳарбий йўл билан) ва парвариш қилиш каби илк классик усуллардан ташқари, ислом ҳуқуқига ерларни «жонлантириш» ва уларга ишлов бериш ҳам маълум. Эгасиз ерга ишлов бериб, уни ўз мулкига айлантирган одам ҳеч қандай расмийликларсиз шу ернинг мулкдори ҳисобланади; маҳаллий ҳокимнинг рухсати билан бировнинг ерига бировнинг уруғини эккан одам шу уруғни қайтариб беради, лекин олинган ҳосил унинг ўз ихтиёрида қолади.

Мулк ҳуқуқи юзага келишининг бош асослари ерни сотиш, мерос олиш, ҳадя қилиш, эгаллаш муддатининг ўтиши ҳисобланади. Мулкдор ўз мол-мулкни қаровсиз қолдириши ёки унинг нобуд бўлиши мулк ҳуқуқининг барҳам топишига сабаб бўлиши мумкин. Ниҳоят, мулк ҳуқуқи мулкдорнинг диндан қайтиши ёки мол-мулк ундан мажбурий олиб қўйилиши натижасида қонун кучига айланиши мумкин. Мулк ҳуқуқи қандай исботланади? Ислом ҳуқуқшунослигида — амалда эгалик ҳолатини исботловчи кучи тушунчаси ишлаб чиқилган. Ислом ижобий ҳуқуқида битим мулк ҳуқуқининг етарли далили бўлиб хизмат қилмайди, чунки битимнинг мазмуни учинчи шахслар учун кучга эга эмас.

Гап шундаки, унинг қонуний кучи мулк эгаси бўлмаган шахсга нисбатан битимни тасдиқловчи ҳужжатни сақловчи шахс уни мазкур мол-мулкка эгалик ҳолати билан ҳам мустаҳкамлай олган ҳолдагина намоён бўлади. Далилларнинг бундай тузилишида ислом ҳуқуқшунослари ҳар хил аҳамиятга молик муайян даражада аниқ белгиланган оқибатларга сабаб бўлувчи турли эгалик шакллари белгиланганлар:

йад ёки оддий эгалик;

хияза ёки узоқ муддат эгалик қилиш;

хавз ёки мураккаб эгалик.

Мулк ҳуқуқи амалда мазкур ер майдонининг сиртига ҳам, унинг остига ҳам, униинг устидаги ҳаво бўшлиғига ҳам эгалик қилиш ҳуқуқини беради (қўшнилар бировнинг боғида ўсган дарахтнинг ўз боғи ҳудудига осилиб тушган шохларини кесишга ҳақли; ер майдонига мулк ҳуқуқида эгалик қилувчи шахс унинг устидаги ҳаво бўшлиғини сотиши мумкин).

3. Давлат кўчмас мулки.

Давлат мулки ёки маҳзанга қуйидагилар киради деб айтиш учун асослар бор:

хўжасиз ерлар;

мусулмон жамоасига иқтисодий (дарёлар) ёки стратегик (гиш ерлар) жихатдан зарур деб ҳисобланган ерлар;

ниҳоят, «жонсиз» ерлар.

4. Ҳабус мулки (вақфлар).

Шимолий Африкада ҳабус деб аталадиган вақфлар ислом мулкдорлигининг ўзига хос тоифасини ташкил этади. Вақфлар ҳақида биз юқорида айтиб ўтдик. Улар ихти-ёрий эҳсон,

инъомга асосланади. Бу инъом мол-мулкдан олинган даромадни хайрия ишларига ёки ижтимоий фой-дали мақсадларга йўналтиришда ифодаланади. Бундай мол-мулкка нисбатан «яланғоч» мулк ҳуқуқи ҳам, ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам секвестр қилинади. *Секвестр — фуқаролик ҳуқуқида низо предмети ҳисобланган мол-мулкни сақлаш. Мамлакатнинг Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, мол-мулкка эгалик ҳуқуқи хусусида низолашаётган икки ёки бир неча шахс секвестр тўғрисидаги шартномага биноан бу мол-мулкни низо ҳал бўлганидан кейин уни суд ҳукмига ёки барча низолашаётган шахсларнинг келишувига (шартномавий секвестр) кўра тегишли шахсга қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олган учинчи шахсга топширилади.

Мол-мулк кўпинча ҳадя қилувчидан анча узоқда жойлашган шахсга (масалан, бирон-бир масжидга ёки мактаб қурилишига) инъом қилинади.

Вақфлар (хабуслар)нинг ўзига хос хусусияти тегишли мол-мулкнинг фуқаролик муомаласидан чиқарилишида намоён бўлади. Қонуний вақф таъсис этиш учун қуйидаги тўрт шарт бажарилиши лозим:

-таъсисчи мол-мулкни тасарруф этиш қобилиятига эга бўлиши керак (у амалда мусулмон бўлиши лозим, бироқ христиан ёки яҳудий ҳам Худога манзур бўладиган иш қилишига йўл қўйилади);

-вақф (хабус) таъсисчиси ҳадя қилинаётган мол-мулкка мулк ҳуқуқида эгалик қилиши керак, бунда мазкур мол-мулк кўчмас ва навд бўлиши лозим (арш ерлар ёки истеъмол қилинадиган нарсаларни вақфга айлантириш мумкин эмас);

-таъсисчи мол-мулкка эгалик қилишдан бутунлай воз кечиши керак, чунки вақф таъсис этиш узуфруктни ҳадя қилиш ҳисобланади;

-вақф таъсис этишнинг белгиланган шаклларига риоя қилиниши лозим.

Вақф мулкига ҳеч қандай солиқ ва ўлпон солинмайди. Ўз мол-мулкни вақфга берган одамлар мусулмон уламоларининг мактовига сазовор бўлади. Вақф мулки яроқсиз ҳолга келганидан кейин ҳам вақф шаклини йўқотмайди. Ислом ҳуқуқи вақф мулки унинг яроқсизлиги баҳонасида айрим шахслар томонидан ўзлаштирилишига йўл қўймайди. Шариат судлари вақф мулкни бошқариш вазифаси юклатилган шахсларни синчковлик билан кузатиб боради. Агар мутавалли (вақф мулкни бошқарувчи) вақф мулкidan нотўғри фойдаланаётган бўлса, шариат суди уни лавозимидан четлатиш ва унинг ўрнига бошқа мутавалли тайинлашга ҳақли.

3.Мажбурият ҳуқуқи ва уни бажариш воситалари.

Шариатда рим ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, мажбуриятларнинг умумий концепцияси ишлаб чиқилмаган эди. Лекин шартнома ҳуқуқининг амалий масалалари товар–пул муносабатларининг ривожланиши натижасида ҳар томонлама ишлаб чиқилган эди. Мажбуриятлар ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган, икки томонлама ва бир томонлама, муддатли ва муддаиз турларга бўлинади. Ислом дунёсида ўзига хос бир томонлама мажбуриятларнинг – аҳдлашувларнинг тарқалганлиги тез–тез учраб турадиган ҳодисадир.

Мажбуриятларнинг шартнома билан боғлиқ ҳолатдаги бажариш воситаси сифатида гаров, закат, аванс шакллари мавжуд бўлган.

Умуман Шариатда мажбуриятларнинг анча ривожланган тизими мавжуд бўлган. Мажбуриятларнинг келиб чиқишига кўра шартномалардан келиб чиқадиган ва зарар етказишдан келиб чиқадиган турлари бир–биридан ажратилган. Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар кенг тарқалган.

4.Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқида шартномалар (олди–сотди шартномаси, айрбошлаш шартномаси, ижара шарномаси ва ҳ.к)

Шартнома муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар ва юридик шахслар бўлиши мумкин эди. Ёш болаларнинг ҳаракати ҳомийлар томонидан тан олинса, қулларнинг ҳаракати эса уларнинг эгалари томонидан маъқулланса, қонуний бўлиши мумкин эди. Аҳли заифлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти бўлолмаган.

Шартнома муносабатларида вакилликка ҳам йўл қўйилган. Ёш болаларнинг, аёлларнинг, аҳли заифларнинг қонуний вакиллари уларнинг оталари, акалари, тоғалари,

ерлари, хомийлари бўлганлар. Шариат, шунингдек, шахсларнинг мажбуриятда алмаштиришга йўл қўйган. Кредитор розилиги билан қарздор алмаштирилиши мумкин эди. Шариат бўйича тан олинган ва ҳимоя қилинадиган битимлар шартнома ҳисобланарди.

Шариатда шартномага томонларнинг ўзаро битимидан келиб чиқадиган алоқа сифатида қараларди. Бироқ бу томонларнинг мулкый нотенглиги шароитларида соф расмий қарактерга эга эди. Шартнома шартлари ҳар қандай кўринишда: ҳужжатда, норасмий хатда, оғзаки тарзда ифода этилиши мумкин эди. Тузилган шартномалар мустаҳкам ва ўзгармас ҳисобланарди. қуръонда "шартномаларга" риоя қилиш мажбуриятига муқаддас бурч сифатида қаралган: "Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро) аҳдларига риоя этувчи зотдирлар"¹

Шартноманинг ҳақиқийлиги шартлари: унинг қонунийлиги, яъни шартномаларнинг ҳуқуққа ҳилоф бўлмаслиги, томонларнинг ўзаро розилиги ва ҳуқуқий лаёқатлилиги бўлиб ҳисобланган. Амалда ўзаро алдашлар, томонлар иродаси устидан куч ишлатиб шартномалар тузиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. Бу айниқса тутқинлик, қарз шартномаларм тузилишида намоён бўлган.

Шартнома предмети бўлиб шариат бўйича йўл қўйилмаган деб эълон қилинмаган ашёлар ва ҳаракатлар бўлиши мумкин. Масалан, олди–сотди шартномасининг предмети дарёларда сузиб юрадиган балиқлар, ҳавода учиб юрадиган қушлар, ҳайвонлардаги жунлар, жамоат далаларидаги ўтлар аёлларнинг сути, чўчка гўшти ва бошқалар бўлса ҳақиқий эмас деб топилган. Шариатда закат, қафолат, гаров ва айбона (ваъдасизлик шартномаси) мажбуриятларни таъминлаш усуллари эди.

Шартномалар, одатда оғзаки шаклда тузилган. Агар томонлар учун қиммати катта суммали шартнома бўлса, ёзма шаклда ҳам тузилиши мумкин эди. Шариат да шартномаларнинг бир қанча турлари тартибга солинади. Олди–сотди, қарз, ҳадя, ижара, ссуда, сақлаш, ширкат ва бошқа шартномалар кенг тарқалган.

Савдо ривожланиши билан олди–сотди шартномаси энг кўп тарқалган шартномалардан бири бўлиб қолган. У ёзма тузилиши, шунингдек гувоҳлар иштирокида ёки уларнинг иштирокисиз оғзаки тузилиши мумкин эди. Олди–сотди шартномасининг объекти бўлиб муомаладан олинмаган ҳар қандай ашё бўлиши мумкин. Шариат да шафоат (шувъат) институти, яъни сотиб олувчилардан биттасининг бошқалари олдида ашёлар сотиб олишда имтиёзга эга бўлиши мавжуд.

Шариатда олди–сотди ва бошқа шартномалар ҳақида академик Ҳ.Раҳмонқулов кизиқарли маълумотлар келтиради.

қуйида шулардан парчалар келтирамиз:

Олди–сотди шартномаси қуйидаги турларга бўлинади:

"Бай–қатъий". Ушбу шартномага асосан сотилган мол–мулк олувчига унинг ҳақи тўланмасдан олдин топширилиши мумкин.

"Бай–жаиз". Ушбу шартномага асосан тарафлар маълум ва келишилган муддат давомида, шартнома бўйича берилган, олинган нарсаларни бир–бирлармга қайтариб бериш шarti қўзда тутилади.

"Бай–фасид". Ушбу шартнома бўйича сотилган мол–мулк уни мазмун ёки шакл жиҳатидан ўзгартириш ёки қайтадан учинчи шахсга сотиш мўлжалланган тақдирда ушбу мол–мулк унинг биринчи эгаси томонидан ўзи сотган нархда қайтариб олиш шarti билан тузилади.

Олди–сотди шартномаси асосан фукаралар ўртасида тузилади. Шартноманинг нарсаси бўлиб, турар жой, уй–рўзғор буюмлари, асбоб–ускуналар, чорва моллари, истеъмол қилиш учун зарур бўлган буюмлар, маҳсулотлар ва бошқалар ҳисобланди. Шартнома нарсаси баъзан тирик товарлар – қуллардан иборат бўлиши мумкин эди.

Шартнома бўйича товарлар кўпинча насияга (қарзга) ёки и бўлиб–бўлиб тўлаш шarti билан сотилади. Бундай шартномалар ёзма равишда расмийлаштирилмасди ҳам. Кўчар мол–

¹ Қуръони Карим.Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.Т.: "Чўлпон".1992.Мўминун сураси ,8-оят.

мулк сотилган вақтда шартнома оғзаки бўлса ҳам, лекин албатта гувоҳлар иштирок этишларм шарт эди. Кўчмас мол–мулк бўйича шартнома умумий қоидага биноан ёзма Шаклда тузилиб, қози томонидан гувоҳлантириларди.

Айирбошлаш шартномаси хунарамандлар, деҳқонлар, чорвадорлар ўртасидаги мулкый муносабатларда кенг қўлланиларди. Айирбошлаш савдогарлар томонидан ҳам қўлланилади. Улар қишлоқ ва овулларга турли товарлар олиб бориб, уларни қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларига айирбошлаш билан шуғулланарди.

Шартноманинг нарсаси бўлиб буғдой, пахта, газмол, чорва моллари, чарм, жун, қуритилган мевалар ва бошқалар ҳисобланади. Кўчмас мол–мулк бўйича тузилган айирбошлаш шартномаси қози томонидан гувоҳлантирилади. Кўчар мол–мулкни айирбошлаш учун ёзма шаклда тузилган шартнома талаб қилинмас, лекин гувоҳларнинг иштирок этиши инкор этлмасди.

Ижара шартномаси фақат мол–мулкка эмас, шахсга нисбатан ҳам қўлланади. Шартноманинг нарсаси кўчар ва кўчмас мол–мулклар ҳисобланарди. Шартнома кўпинча ердан фойдаланиш учун тузиларди. Лекин унда назарда тутилган шартлар деҳқонни оғир шароитга соладиган даражада бўларди. Ерни ижарага олган деҳқон олинган ҳосилнинг деярли ярмини ер эгасига берарди. Шахс ижараси тузилган шартноманинг мазмуни асосан ишга ёлловчининг хоҳиши билан белгиланади. Ишлар кўпинча вақтинча характерга эга бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш шартномада назарда тугилмайди. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик тарафларнинг айби билан бўлиши ёки бўлмаслиги ҳисобга олинган ҳолда юклатилади.

Қарз шартномаси – энг кўп тарқалган шартномалардан бири. У иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан турли аҳамиятга эга бўлган муносабатлар бўйича қўлланилади. Ушбу шартнома воситасида буюмни, асбоб–ускунани текинга фойдаланиш учун бериб туриш, шунингдек, бошқа сабаблар, яъни насияга сотиш, мол–мулкни ижарага бериш, пудрат ва шунга ўхшаш бошқа муносабатларни амалга оширишда ҳам фойдаланилган.

Маиший пудрат шартномаси ривож топган шартномалардан иборат. Шартнома бўйича бир томондан – хунарамандлар (кўнчи, этикчи, бўзчи, темирчи, дурадгор, бўёкчи, тегирмончи, нонвой, жувозчи), иккинчи томондан истеъмолчи фуқаро ва савдогарлар қатнашади. Савдогарлар хунарамандлар тайёрлаган нарсаларни, асбоб–ускуналарни олиб–сотиш билан шуғулланади. Шартноманинг нарсаси маҳаллий аҳоли кенг равишда истеъмол қиладиган ва хунарамандлар ишлаб чиқарадиган қурол–асбоблар ва маҳаллий усталар, қурувчилар бажарадиган қурилишлар ва бошқа маҳсулотлардан иборат бўлган.

Ширкатлик шартномасида икки ёки ундан кўп шахслар қатнашган бўлиб, маълум бир мақсадга эришиш учун тузилади. Ширкатлик шартномаси қуйидаги икки турга бўлинади: "**ширкати милк**", яъни биргаликда мол–мулкка эгалик қилиш ва "**ширкати ақид**", яъни биргаликда битим тузиш, ўз навбатида "ширкати ақид" қуйидаги турларга бўлинади:

"Ширкати–муфавазат" – шартномада назарда тутилган мақсадга эришиш учун унинг аъзолари (иштирокчилари) томонидан мол–мулкларини тенг ҳиссада умумийлаштириш ва мажбуриятлар бўйича олинадиган даромадларни ҳам тенг ҳиссада олиш бўйича тузилган ширкат.

Шартномага мувофиқ шериклар бир вақтнинг ўзида бир–бирига нисбатан ҳам муовин, ҳам ижрочи вазифасини бажаради. Шериклардан бир–бири томонидан ўз ваколати доирасида тузилган битим иккинчиси ёки бошқа иштирокчилари учун ҳам мажбуриятларни вужудга келтиради. Бундай ширкат унда қатнашувчиларнинг ҳар томонлама тенг ҳуқуқли бўлишга асосланади.

"Ширкати–инон" – ўз мол–мулкларининг бир қисmini умумлаштириб тижорат (савдо) билан шуғулланиш учун тузилган ширкат. Ушбу шартнома бўйича бир ширкат аъзоси иккинчисига нисбатан кафил эмас, балки ишончли шахс ҳисобланадм. Ширкатта қўйилган шерикларнинг мол–мулки ҳиссаси тенг бўлмаслиги мумкин. ҳиссани ва ширкат фаолиятини бажаришда унинг аъзоларининг шахсий иштирок этиши тенг бўлмаслигидан қатъи назар, олинган даромад шартномада назарда тутилган шартга мувофиқ тақсимланади. Бир шерик

иккинчи шерикнинг шахсий қарзи учун жавоб бермайди. Ширкатта этказмланган зиён шартномага мувофиқ тўлдирилади.

"Ширкати–вуджух" – қарз бериш ёки ишончга асосланган шерик. Шартномага асосан ширкат аъзоларининг ҳар бири ўзининг шахсий маблағи ҳисобига товар олиб уни биргаликда сотишади. Ушбу шартнома бўйича ширкат аъзолари бир–бирига нисбатан ҳам ишончли шахс, ҳам кафил ҳисобланади. Шартнома тарафларидан ҳар бирининг даромади ёки кўрган зиёни унинг ширкат фаолиятида иштирок этган ҳиссасига мувофиқ тенглаштирилади.

"Ширкати–санаия" – ҳунармандчилик ширкатида иборат бўлиб, маълум бир ишни бажариш ёки касб билан шуғулланмиш мақсадида шартнома тузилади. Ушбу ширкат аъзоларининг битта ҳунар билан шуғулланиши ёки битта жойда ишлаши шарт эмас. Олинган даромадни тақсимлаш тенг бўлмаслигига йўл қўйилади. Шунинг билан бирга мажбурият бўйича шериклар биргаликда жавоб беради. қишлоқ жойларда **"тенг шерик"** деган шерикли шартномалар тузиларди. Бундай шартномага асосан шериклар тенг миқдордаги ҳисса сифатида ер, чорва мол, урулик ва бошқа нарсалар, шунингдек, ўз меҳнاتини қўшади. Ҳисса сифатида баъзи шериклар ишчи хайвон ва ишлаб чиқариш қуроллари, бошқаларм эса фақат эр билан қатнашади. Бундай ҳолларда йиғиштириб олинган ҳосил баб–баравар тақсимланади. Фақат ўз меҳнатини қўшган шериклар олинган ҳосилнинг учдан бир қисmini олади.

Шартномага асосланмаган, яъни шахсга, унинг ҳаётига, соғлиғига ҳамда унинг мол–мулкига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солиш қоидалари ҳам мавжуд. Ушбу қоидаларга мувофиқ этказилган зарар, унинг қандай аҳамиятга эга бўлишидан қатъи назар, биринчи галда пул, мол–мулк тўлаш билан, агар зарарни бундай тарзда қоплаш имконияти бўлмаса, айбдор жабрланган шахсга ишлаб бериши ёки ўз оъзини, синглисини топиши йўли билан қутилиши мумкин эди.

Шариат нормаларида **"дията"** деган қоида ишлатилган. Ушбу қоидага биноан қози шахснинг саломатлигига этказилган зарарни ундириш ҳақида қарор чиқаради. Мулккий зарарни ундириш бўйича тарафлар (жабрланувчи ва жавобгар) бетараф шахслардан ташкил топган холислар (третейский) судларига мурожаат қилишади. Ушбу йўл билан даъво бўйича биронта битимга келишиш имконияти бўлмаган тақдирда низо тарафларнинг кимлиги ва уларнинг мулккий шароити ҳисобга олинган ҳолда қози томонидан ҳал қилинади¹.

5. Мусулмон ҳуқуқида даъво ва вакиллик тушунчаси.

Виндикацион даъво аризалари бўйича ишларни қози судларида кўришда баъзан даъво қилиш муддатининг ўти–ши қоидасини қўллаш тўғрисидаги масала кўндаланг бўлган. Муддатлар ўтиши қоидаси шариат ҳуқуқида мутлақо бегона, деган янглиш фикр мавжуд. Амалда бу қоида ис–лом ҳуқуқида тан олинган, лекин мулкни эгаллаш муддатининг ўтиши тўғрисидаги масала билан ўзаро боғланганлиги сабабли, асрлар давомида ислом оламидаги турли ҳуқуқий таълимотларнинг вакиллари ўртасида бахсларга сабаб бўлиб келган.

Масалан, моликийлар Муҳаммад Пайғамбарнинг (САВ): «Нарсага ўн йил давомида эгалик қилган шахс унинг мулкдорига айланади», деган сўзларига асосланиб, муайян мол–мулкка шу муддат мобайнида унинг мулкдори қаршилигисиз эгалик қилган шахс мазкур мол–мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритади, деган ғояни илгари сурганлар. Ушбу ёндашув муҳолифлари мол–мулкка эгалик қилиш ўз–ўзидан мулк ҳуқуқини вужудга келтирмайди, деб таъкидлаганлар. Бунда улар Муҳаммад Пайғамбарнинг (САВ) бошқа сўзларига суянганлар: «Мусулмонларнинг ҳуқуқи ҳеч қачон, ҳатто орадан вақт ўтганидан кейин ҳам йўқолмайди»¹.

¹ Садагдар М.И. Основы мусульманского права. - Москва: Изд-во Университета Дружбы народов им. П.Лумумбы, 1968. - С.56.

6. Ислом қонунчилиги ва солиқ тизими

Шариат солиқ тизимида мусулмонлар ва ғайридинларга солиқ солиш шакллари, усуллари ва солиқ миқдорлари тўғрисидаги ислом қонунчилиги умумлаштирилган. Шариат юридик қоидаларини тарихий ва географик ма-териал билан таққослашда айрим ихтилофлар кузатилиши табиий бир ҳолдир. Шариатда асосан халифалик солиқ тизимининг тарихий тажрибаси умумлаштирилган.

Ўз-ўзидан равшанки, шариат солиқ тизимини ўрганиш айрим (қонунчилик тизими замирида ислом ҳуқуқи ётувчи) мусулмон мамлакатларининг ҳозирги солиқ тизими ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун ҳам зарур.

Ислом ҳуқуқида солиқнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

хумс - мулк солиғи (даромаднинг 1/5 қисми). Хумс (араб. «бешдан бир») - ислом анъанасида мусулмон қўшинлари қўлга туширган ўлжаларнинг бешдан бир қисми. У аввал Мухаммад Пайғамбар (САВ) ихтиёрига, кейинчалик халифалар хазинасига ажратилган, қолган қисмини ҳарбий бошлиқлар ўзлари ва лашкарларга тақсимлаганлар. Хумс сифатида тўпланган маблағларнинг бешдан бир қисми аввал Мухаммад Пайғамбар (САВ) ва унинг авлодлари-ни таъминлашга, шунингдек қўшин харажатларига сарфланган. Халифалар ва кейинги ҳукмдорлар даврида хумс хазинага тушган;

закот — бой мусулмонлар мол-мулки ва даромадидан камбағаллар фойдасига ундириладиган солиқ;

закот ал-фитр — Рўза ҳайити муносабати билан бериладиган садақа;

садақа — камбағалларга қилинадиган хайр-эҳсон;

жизя — мусулмон мамлакатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган жон солиғи;

хирож — ер солиғи;

ушр — ер солиғи (ўндан бир).

Кейинги даврда:

халифа ёки давлат бошлиғи ихтиёрига ажратилган
ўлжадан улуш (ғанима);

олинган денгиз маҳсулотлари(марварид, дур, қимматбаҳо тошлар)дан олинадиган солиқ;

топилган хазинадан улуш;

мусулмон номусулмонга ер сотгандда давлатга тўланадиган бож.

Шуни таъкидлаш зарурки, бешдан бир улуш миқдоридаги ҳар қандай солиқ ҳам хумс ҳисобланмаган. Масалан, христианлар — тағлибийлар камситувчи жизья эмас, балки икки баравар миқдорда ушр тўлаганлар. Бу солиқ хумс эмас, балки икки баравар ўндан бир улуш деб аталган.

Закот — мухтож мусулмонлар фойдасига мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Қуръоннинг макка сураларида закот хайрли иш, моддий ёрдам маъносида келган. Мухаммад Пайғамбар (САВ) вафотидан сўнг закот тўлашни хохламаслик ридда сабабларидан бири бўлган.

Ридда — Мухаммад Пайғамбар (САВ) вафотидан сўнг 632-633 йилларда баъзи араб қабилаларининг халифа ҳокимиятига қарши ҳаракати; ислом тарихий анъанасида бу ҳаракат исломдан қайтиш деб номланган.

Закот Умар I нинг халифалик даврида илк бор тартибга солинган. Закотни фақат вояга етган муомала лаёқатига эга мусулмонлар: - ҳосилдан, узумзор ва зайтунзорлардан, чорва молларидан, тилла ва кумушдан, маҳсулотлардан тўлаган.

Закотнинг энг кам миқдори (нисаб): дехқончилик маҳсулотларидан — 5 васк (975 кг); молдан — беш туя, 20 сигир ёки 40 қўй; тилла ва кумушдан — 20 динар ёки 200 дирҳам; маҳсулотлардан — тегишли нархига қараб.

Йиғилган закот маблағларини қози тасарруф этган. Бу маблағлар йил давомида ва фақат у йиғилган маъмурий ҳудуд доирасида сарфланиши лозим бўлган.

Закотдан ёрдам олиш ҳукукига қуйидагилар эга бўлган: йўқсиллар, камбағаллар, закот йиғувчилар, тақдирлашга сазовор иш қилган шахслар, мукатаблар, қарзни тўлашга қурби етмайдиган одамлар, юртига қайтишга пули бўлмаган мусофирлар.

Садақа (араб. «чин дилдан қилинган эҳсон») — хайр-эҳсон. Садақа бериш ҳақида Қуръонда ҳам таъкидлаб ўтилган («Бақара» сураси, 191, 264 — 265, 273, 277-оятлар). Садақа билан боғлиқ масалаларни фикҳнинг укубот ва аҳком бўлимлари талқин қилади. Садақа бериш имкони бўлган ҳар бир киши учун фарз саналади. Бу иш мандуб амаллар қаторига киради.

Жизя — мусулмон давлатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи.

Хирож — ўрта аср мусулмон давлатларида ер солиғи. Дастлаб хирожни Араб халифалигида фақат ғайридинлар тўлашган. Мусулмонлар ушр солиғи тўлаганлар. Кейинчалик ер эгалари асосан мусулмонлар бўлгач, хирож умумий ер солиғига айланган.

Закот ал-фитр (фитр садақа) — исломда рамазон ойи тугаши муносабати билан бериладиган садақа. Ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун икки ярим килограмм хурмо, арпа, ун ёки гуруч ёки уларнинг қиймати миқдорида пул эҳсон қилиш вожибдир. Фитр садақасини каттаю кичик, эр-хотин, оила бошлиғи ўз қарамоғидаги ҳар бир жон ҳисобидан беради.¹

Ушр (араб. — «ўндан бир») — мусулмон мамлакатларида натура шаклида (баъзан пул билан) давлат фойдасига, баъзан камбағал, етим-есирлар ҳисобига ундирилган солиқ. Ҳар йили деҳқончилик маҳсулотларидан олинган. Ушр олинган ер-сув «мулки ушрия» деб аталган. Турли даврларда ушр шакли маҳаллий шарт-шароитга кўра ўзгариб турган. Масалан, Усмонли турк салтанатида — ўнта, ўнталик, саларийъа; Эрон, Бухоро амирлиги ва бошқа жойларда — дахяк деб юритилган. Кейинчалик янгича даромад солиғи жорий этила бошлагач, ушр баъзи жойларда (1918 йил Жазоирда, 1925 йил Туркияда, 1935 йил Тунисда) бекор қилинди. Аммо айрим мусулмон давлатларида ҳозир ҳам мавжуд. Ўрта Осиёда XX аср бошигача ушр сақланган.

Шуни таъкидлаш зарурки, ушр ҳаммадан — мусулмонлардан ҳам, зиммийлардан ҳам, ғайридинлардан ҳам олинадиган солиқдир. У деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотларидан ва сотиш учун мўлжалланган, қиймати 200 дирҳамдан кам бўлмаган бошқа маҳсулотлардан олинади. Ушр солиғи шаклан бозор йиғимларига ўхшаш бўлиб, барча фуқаролардан, четдан келган савдогарлар ва савдо корхоналаридан ундириладиган солиқ тариқасида олинадиган давлат даромадининг анча катта қисмини ташкил этади.

Мавзуга доир ҳукукий адабиётлар ва норматив - ҳукукий ҳужжатлар:

- 1.Қуръони Карим, таржима ва изоҳлар Муаллифи Алоуддин Мансур “Чўлпон”. - Т,: 1992 йил
- 2.Мухтасар., "Чўлпон" нашриёти босмаҳонаси Т,: 1994 йил
3. Хидоя.Коментарии мусульманского права. Проф.А.Х.Саидовнинг масъул мухарирлиги остида.Тошкент. “Ўзбекистон”,1994 йил.
- 4.Садагдар М.И. Основы мусульманского права. - Москва: Изд-во Университета Дружбы народов им. П.Лумумбы, 1968.
- 5.Шарль Р. Мусульманское право. Пер. с франц. С.И.Волка. Под ред. и о предисл. Е.А.Беляева. - Москва: Изд-во «Иностранная литература», 1959.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: мусулмон ҳукукида фуқаролик ҳукуқи тушунчаси, Фуқаролик ҳукукий муносабатлар тушунчаси,ислом фуқаролик ҳукуқи объектлари, субъектлар, мусулмон ҳукукида даъво, вакиллик, мажбурият, шартнома.

Мавзуга доир назорат саволлар:

- 1.Мусулмон ҳукукида фуқаролик ҳукуқи деганда нимани тушунасиш ва исломда фуқаролик ҳукуқининг тугган ўрни?
- 2.Мусулмон ҳукукида ҳукукий муносабатлар деганда нимани тушунасиш?
- 3.Мусулмон ҳукукида даво қандай амалга оширилади?

¹ Хидоя.Коментарии мусульманского права. Проф.А.Х.Саидовнинг масъул мухарирлиги остида.Тошкент. “Ўзбекистон”,1994 йил.114-115-бетлар.

- 4.Вакиллик ҳуқуқи қандай амалга оширилади?
 - 5.Исломда мулк ҳуқуқи қандай амалга оширилади?
 - 6.Мажбурият ҳуқуқи қандай амалга оширилади?
 - 7.Исломда олди сотди шартномаси қандай йўлга қўйилган?
 - 8.Вақф мулки деганда нимани тушунасиз?
 - 9.Исломда жамоатдан йиғилган мол-мулк қандай аталган?
 - 10.Мусулмон ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқининг тутган ўрни
- Мусулмон ҳуқуқида оила ва никоҳ масалалари.**

Режа

1. Никоҳга тааллуқли Қуръон ва Суннанинг асосий нормалари.
2. Ислом ҳуқуқида никоҳ тушунчаси ва унга қўйилган талаблар.
3. Ислом нормаларида никоҳни расмийлаштириш , никоҳ ёши ва маҳр.
4. Никоҳни бекор қилишга олиб келувчи ҳолатлар.
5. Ислом ҳуқуқи бўйича никоҳни бекор қилиш ва унинг турлари.
6. Араб Шарқи мамлакатларида оила қонунчилиги.

1.Никоҳга тааллуқли Қуръон ва Суннанинг асосий нормалари

Оила – узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижаси. У жамият тузилишининг объектив зарур ва ажралмас қисми. Ижтимоий маънода оила- одамларнинг алоҳида уюшган гуруҳлар, иқтисодий, маиший ва бошқа турмуш шартлари ҳамда манфаатлари бир хил бўлган шахслар бирлиги.

Ўзбекистон Республикасида оила давлат ҳимоясига олинган.Конституциянинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғини, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”,¹ дейилади.

Никоҳ –оила муносабатларининг мажмуи билан оила ҳуқуқи шуғулланиши лозим бўлган соҳа.Шу жумладан , мусулмон ҳуқуқида никоҳ-оила муносабатлари масаласи узоқ даврлар мобайнида мунозарали масалалардан бири бўлган. Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари бўлган Қуръон ва Суннада никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилишнинг тартиблари келитириб ўтилган. Ушбу нормалар асосида шариатда никоҳ-оила муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади.

Никоҳда бўлиш шариатга Қуръони Карим, суннати набавия ва Ислом умматининг ижмои орқали кирган:

1. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бир неча оятларида мўмин -мусулмонларни никоҳда бўлишга, уйланишга, оила қуришга амр этган.
2. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг кўплаб ҳадиси шарифларида никоҳга тарғиб қилганлар.
3. Ислом уммати, жумҳури уламолар никоҳ зарур эканига доимо иттифок қилиб келишган.

«Никоҳ» тушунчаси шариатда шундай шартнома-битим сифатида таърифланадики, унга мувофик, никоҳга кирган хотин эркак учун бегона, «тақиқланган» бўлмайди. Никоҳ тузиш учун аёл ёки эркакнинг хоҳиши кифоя қилмайди. Никоҳ учун никоҳ дуосини ўқиш ва никоҳ битимини тузиш талаб этилади.

Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари бўлган Қуръон ва Суннада никоҳ билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар берилган. Ушбу нормалар асосида шариатда оила-нкоҳ муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади.

«Унинг оятларидан (яна бири) —У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир». (Қуръони карим, «Рум» сураси, 21-оят)².

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Тошкент, “Ўзбекистон”2004-йил.

²Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. “Чўлпон”,1992 й.54-бет

Ислом ҳукукининг Куръони Каримда маҳр ҳақида шундай дейилади: “Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (яъни чин кўнглингиздан мамнунлик билан) берингиз! Агар ўзлари сизлар учун у маҳрдан бирон нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар учун пок ва муборақ билиб еяверинг” (“Нисо” сураси, 4-оят)¹.

Ислом ҳукуқига кўра; никоҳ, - бу фарзанд туғилишини қонунлаштириш мақсадида тузилган хусусий битим бўлиб, улар бир аёлни никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқини эътироф этган ва қафолатлаган, шунингдек, эркакларнинг барчасига баробар биттадан ортиқ аёлга уйланиш мажбуриятини юкламаган ҳолда, ихтиёрий, тарзда тўрттагача қонуний никоҳдан ўгиб, оила ҳуқуқини беради. Бунда никоҳга кириш арафасида эркак никоҳга қираётган барча аёлларни, уй-жой, озиқ - овқат қийим - кечак, жинсий эҳтиёжларда баб-баробар таъминлаш, улардан дунёга қелган фарзандларнинг барчасига нисбатан тенг даражада оталик мажбуриятини бажариш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Никоҳнинг шартномавий хусусиятларидан келиб чиққан шариатнинг оила ва никоҳ нормалари никоҳга қирувчилар учун бир қатор ҳолатлар, чунончи, никоҳга қирувчи шахсларнинг ўзаро розилиги; никоҳ ёшига етганлик; гувоҳлар иштирокида никоҳ тузилиши; келин учун маҳр тўлаш; томонлар ўртасидаги тенглик ёки қафолат каби ҳолатларни тартибга солган. Бу шартларга риоя этмаслик - никоҳни ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин бўлган.

Никоҳга кириш учун аёлларнинг розилиги шарт эканлига ҳақида имом ал-Бухорий ҳадисларида жумладан шундай ривоят келтиради: "Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (с.а.в.): "Бокира қизнинг розилигини сўрамай, жувонни эрса ўзи билан маслаҳатлашмай эрга берилмағай",- дедилар. "Ё Расулulloҳ, бокира қизнинг рози бўлғони қандай билинғай?" - дейишди. Жаноб Расулulloҳ,: "Сукут қилса, ризо бўлғонидур!" – деб жавоб қилдилар".

Ислом ҳукуқига кўра никоҳ тузилиши учун икки эркак ёки бир эркак ҳамда икки аёл гувоҳларнинг иштироки шарт бўлган. Никоҳ ёшини аниқлашда эса йигит ва қизларнинг вояга етганлигини аниқловчи омил - уларнинг жинсий вояга етганлиги ҳисобланган.

Шариатда никоҳ қилинган вақтда никоҳланувчи эр никоҳланувчи хотинга маҳр бериши шарт, дейилган. А. Фитратнинг айтишича: "Маҳр - бу куёвнинг келинга берадиган дўстона ҳадиясидир". Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, ислом ҳуқуқининг Оила ва никоҳ институти имом ал-Бухорий саҳийх ҳадисларидан ташқари имомлар - Муслим ибн ал-Ҳажжож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-892), Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (817-880), Аҳад ан-Насоий (830-915), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа (824-886) каби машҳур муҳаддис олимларнинг ҳадислари (айниқса маҳр масаласида) кўзга ташланади. Чунончи, "Ал-Хидоя" қўлланмасида таъкидланишича, унинг энг кам миқдори ўн дирҳам, яъни бир сўм қирқ тийин кумуш миқдорида белгиланган. Аммо имом ал-Бухорий ҳадисларида маҳрнинг на ҳажми ва на вазни муҳим эмаслига таъкидланади. Масалан, Саҳл ибн Саъд хикоятларида: "Расулulloҳ (с.а.в.) уйланаётган бир кишига: "Лоақал битта темир узук бўлса ҳам!" деб айтдилар", - деган ривоят келтирилади.

Исломда оиланинг барқарорлиги ҳамма нарсадан устун қўйилади, шу боис мустаҳкам оила қуришга барча мусулонлар томонидан катта аҳамият берилади.

2. Ислом ҳуқуқида никоҳ тушунчаси

Ислом қонунчилиги, яъни шариат қонунларига кўра, никоҳ суннат ҳисобланади. Никоҳ институти Ислом ҳуқуқида ўзига хос хусусиятлар билан тартибга солинади.

“Никоҳ- муқаддас ишдир. Никоҳ- ҳалоллик, аёл ва эркакнинг никоҳсиз бирга яшашлари ҳаромлик белгиси. Никоҳ ҳуқуқ тилида бола туғилишини қонунлаштирадиган алоҳида турдаги хусусий шартномани англатади”².

¹ Куръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. “Чўлпон”, 1992 й. 55-бет

² Хидоя. Комментарий мусульманского права. 1-том. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1994 йил. 121-бет.

“Никоҳ аҳди (битими) битимларнинг энг яхшисидир. Зеро , у инсон зотига алоқадор бўлиб, икки шахс ўртасини меҳр-муҳаббат билан билан боғлайди.У зурриёд пайдо бўлишининг боши, жинсий бузуқликлардан сақланиш йўлидир....Никоҳсиз қўшилиш зино ҳисобланади.”¹

Никоҳ аҳдномасини тузишда шариат қуйидаги тўрт шартга риоя қилишни тақозо этади:

1. Никоҳ аҳди рисоладаги араб тилида талаффуз этилиши лозим. Фақат истисно тариқасида (башарти араб тилини эр ҳам, хотин ҳам ёхуд уларнинг ишончли вакиллари ҳам билмасалар) никоҳ аҳдини бошқа тилда айтишга йўл қўйилади.

2. Аҳдни ўқийдиганлар (эр, қаллиқ ёхуд уларнинг ишончли вакиллари) балоғат ёшига етган ва ақли расо бўлишлари керак.

3. Қоидани талаффуз этишда қаллиқ ва эрнинг номи айтилиши даркор.

4. Эр ва қаллиқ; никоҳ тузишга рози бўлишлари ва уларни бирор киши бунга мажбур этмаслиги керак.²

Никоҳда бўлиш ҳукмлари

Турли кишиларнинг ҳолатига қараб никоҳда бўлишлари ҳукми ҳам турличадир.

1. Фарз.

Аёлнинг маҳрини беришга, нафақасини таъминлашга қодир, ақлий ва жинсий соғлом, уйланмаган тақдирда зино қилиши аниқ бўлса, ундоқ одамга никоҳ фарз бўлади.

2. Вожиб.

Агар бир инсон жинсий ожиз бўлмаса, маҳр беришга ва нафақасини таъминлашга қодир, уйланмаса, зино қилиш эҳтимоли бўлса ва никоҳга кетадиган сарф-харажатга эга бўлгач, никоҳдаги шеригига зулм қилмасдан ҳаққини адо этишига ишонса, ундоқ одамга никоҳ вожиб бўлади.

Чунки мусулмон киши ўз иффатини сақлаши, ҳаром ишдан тийилиши матлубдир.

Ислом шариатида вожиб нарсани адо этиш учун керак бўлган нарсани қилиш ҳам вожибдир, деган қоида бор. Ўша қоидага шу ерда амал қилинади.

Киши ўз иффатини сақлаши, ҳаром ишга бормаслиги вожиб. Ўша вожибни қилиш учун никоҳ - уйланиш лозим. Демак, у одам учун уйланиш - оила қуриш вожиб бўлади,

3. Ҳаром.

Агар бир инсон никоҳланиб, ўзининг никоҳидаги шеригига зулм қилиши ва зарар етказишига ишониб етса, ундоқ одам учун оила қуриш ҳаром бўлади.

Бу ҳолатда Ислом шариатининг ҳаромга олиб боровчи нарса ҳам ҳаромдир, деган қоидаси ишга тушади.

Бировга зулм қилиш, зарар етказиш ҳаром. Ўша зулм ва зарардан иборат ҳаром иш никоҳ туфайли бўлиши аниқ бўлгани учун унга олиб борадиган йўл-никоҳ ҳам ҳаром бўлади.

4. Макруҳ.

Агар бир инсон никоҳланса, ўзининг никоҳдаги шериги - жуфти ҳалолига нисбатан зулм ва зарар келишидан қўрқса, аммо тўлиқ ишонмаса, ундоқ одам учун никоҳ макруҳдир.

5. Суннати муаккада.

Мўътадил инсон учун, зинодан қўрқмайдиган, оила курса жуфти ҳалолига зулм қилишдан, зарар етказишдан ҳам қўрқмайдиган киши учун оила қуриш суннати муаккададир.

Кишилар орасида оммавий учрайдиган ушбу ҳолат ва унинг ҳукми оят ва ҳадисларнинг кўпларида баён этилган ҳолатдир.

Никоҳнинг, оилали бўлишнинг суннати муаккада эканлигига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйланганлари ва никоҳда бардавом бўлганлари, саҳобаи киромлар ва кейинги авлодларнинг уни маҳкам ушлаганлари далилдир. Ҳанафийлар бу суннати муаккада вожибга тенг, дейдилар.Ким бу ишни қилмаса, тарки суннат қилган ҳисобланади.

6. Мубоҳ.

¹ А.Турсун.М.Жуман. Ислом дини.Тошкент. “Мовароуннаҳр”, 2006 йил,156-бет

² А.Раҳманов. А.Раҳманов. Ислом ҳуқуқи. Тошкент. “ТДЮИ”, 2007-йил. 289-бет

Уйланишга рағбат қилдирувчи нарсалар ҳам, ундан ман қилувчи нарсалар ҳам бўлмаган ҳолда никоҳ мубоҳ бўлади.

Ушбу зикр қилинган нарсалардан кейин никоҳ - оила қуриш динимиз тарғиб қилган ибодат эканлигини билиб олдик.

Эрдир, аёлдир ҳар бир мусулмон оила қуришдек масъулиятли ишга ўзини уриши бор. Ана ўша ишга киришишдан олдин у оила нима, у нима учун қурилади, қайси асосда қурилади, яхши билиб олмоғи керак.

Оила қураётган ёш йигит-қизлар ота-онасини, яқин қариндошларини норози қилиб никоҳдан ўтишларини ҳеч ким маъқулламайди. Чунки ота-она, яқин қариндошлар ўз боласига, яқинига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайдилар. Улар никоҳ, оила, эру хотинлик масаласида катта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлганларидан ўз фарзандлари ва яқин кишиларига маслаҳат бериш, яхши йўл кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Ёш йигит-қизлар эса бошқа турли ишлар каби никоҳ масаласида ҳам билим ва тажрибалари кам бўлганидан ота-оналари, яқин қариндошлари насиҳатларига амал қилишлари лозим саналади. Ҳамма уламоларнинг насиҳатлари шу¹.

Ислом қонунчилиги, яъни шариат қонунларига кўра мусулмон эркак киши бир вақтнинг ўзида тўрттагача аёлни никоҳига олиши мумкин бўлган. Бу ҳақда Куръони Каримдаги "ан-Нисо" сурасининг 3-оятда "...сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар"² дейилган бўлса, имом ал-Бухорий ҳадисларида куйидагича ривоят келтирилади: "Оли ибн Хусайн разияллоҳу анҳу (р.а.): "Иккитадан ва учтадан ва тўрттадан", - дедилар. Оллоҳ таоло: "(Фаришталарнинг ҳам) иккитадан ва учтадан ва тўрттадан қанотлари бордур", - дейди, яъни "иккита, учта ва тўртта". Бундай ҳуқуқдан асосан моддий имкониятли кишилар фойдаланиб келишган. Бундай ҳуқуқий муносабатларда ўрта асрларнинг таъсирини кўриш мумкин. Исломдан аввал ҳам арабларнинг моддий томондан яхши таъминланган вакиллари бир неча хотинлари билан никоҳда бўлишлари табиий ҳол эди.

Ислом кўп хотинликка рухсат берган, бироқ бунга ўзига яраша талаблар мавжуд бўлиб, эркак киши ана шу талабларни бажара олсагина ушбу ҳаракат маъқул кўрилган. Масалан, аёллар ўртасида аҳиллик бўлса, уларнинг моддий таъминотни эркак ўз бўйнига олса, хотинларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмаса ва ҳаказо... Исломда кўпхотинликка рухсат беришдан мақсад, ўрта аср жамиятида нопоклик ва маиший бузуқликларнинг олдини олиш, ҳалол ҳаёт кечиришни таъминлаш асосий мақсад бўлган.³

3. Ислом ҳуқуқида никоҳни расмийлаштириш ва никоҳга қўйилган талаблар

Ислом ҳуқуқида кўра, никоҳнинг қонуний бўлиши учун бир неча талаблар қўйилган. Бу талаблар никоҳга киришувчи томонларга тенг амалда бўлган. Ушбу талаблар Ислом ҳуқуқининг манбалари бўлган Қуръон ва Суннада ҳамда, улардан келиб чиқиб кўплаб фикҳшунос олимларнинг асарларида келтириб ўтилган.⁴

Юқоридаги манбалардан келиб чиқиб ушбу шартлар куйидагилардир:

1. Никоҳда ўтувчиларнинг ўзаро розилиги.
2. Никоҳ ёшига етган бўлиши.
3. Никоҳ тузувчи томонларнинг ўзаро яқин қариндош бўлмасликлари.
4. Келин учун куёв томонидан маҳр берилишининг шартлиги.
5. Никоҳ тузиш пайтида гувоҳларнинг иштироки.
6. Никоҳдан ўтувчиларнинг диний эътиқод бирлиги ва рихий соғломлиги.
7. Табақа бўйича тенглик.

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 13 – жуз. Тошкент. "Шарқ", 2005-йил. 25-27-бетлар

² Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. "Чўлпон", 1992 й. 54-бет

³ Ҳуқуқ. Право. LAW/. Ҳуқуқий журнал. Тошкент. 2001 йил. 2(14). 91-бет

⁴ Бурҳониддин Ал-Марғиноний. "Ал-Ҳидоя". 1-жилд. Тошкент. "Адолат", 2001-йил. 646-758-бетлар
Максудхўжа ибн Мансурхўжа "Мажмаъ ул-Мақсуд". 1-том. Тошкент "Адолат", 2005-йил. 367-419-бетлар

Никоҳда ўтувчиларнинг ўзаро розилиги

Ислом мажбурлаш йўли билан никоҳ тузишни таъқиқлайди. Шариат қонунларига кўра, балоғатга етган қиз ёки аёл ўз ихтиёри билан, ўз хоҳиш иродаси билан никоҳга рози бўлиши ва никоҳдан ўтиши мумкин. Бу хусусда хадисда: “Агар киши ўз қизини эрга берса-ю, у ризо бўлмаса никоҳ бекордир”, дейилади.

Никоҳга рози бўлган ҳолатлар “Ҳидоя”да: “Агар балоғатга етган қиздан розилик сўралганда у сукут сақлаши, кулмоғи ёки овоз чиқармай йиғлаши унинг рози эканлигини билдиради”, деб таърифланади.¹

Шариатда вояга аёлларнинг ҳомий ёки васийлари томонидан уларни никоҳга мажбурлашга йўл қўймаслиги таъкидланган. “Ҳидоя” да ушбу масалада: “Валийнинг балоғатга етган қизни никоҳга мажбурлаши жоиз эмас”,²-деб уқтирилади. Ушбу ҳолатда балоғатга етган қиз бевосита шариат қонунларига кўра эркин ва ўз ҳуқуқларига мавжуд бўлган, тўлиқ муомала лаёқатига эгадир. Шундай экан уни мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Маълумки балоғатга етмаган қизга, уни ҳали ақли етилмаганлиги учун валийлик тайинланади. Балоғат ёшига етиши билан унинг ақли ҳам мукаммал бўлади. Унга шариат қонунларига амал қилиш буюрилганлиги бунинг далилидир. Натижада унинг ҳукми худди ўғил боланинг ҳукмига ҳамда молни тасарруф қилишдаги қоидага ўхшаб қолди. Ота маҳрга фақат қизнинг розилиги бўлгандагина эга бўлиши мумкин. Акс олда, агар рози бўлмаса, маҳрни олишга ҳаққи йўқ.

Никоҳ ёшига етган бўлиши.

Шариат қонунларига кўра никоҳ тузувчилар никоҳ ёшига етган бўлишлари талаб этилади. Шариат бўйича никоҳнинг минимал (энг кичик ёш чегараси) ёши ўғил болалар учун 12 ёш, қиз болалар учун 9 ёш этиб белгиланган. Амалда эса, ўғил болалар 14 ёшда, қиз болалар 12 ёшдан никоҳ тузадилар. Ислом ҳуқуқида никоҳнинг максимал ёш чегарасини белгиламаган.

Никоҳ ёши белгилашда асосан физиологик асосларга таянилади. Базан шуни кузатиш мумкинки, никоҳ ёшига етмаган қиз ёки ўғил боланинг никоҳи унинг ота-оналари ёки васий кишилари томонидан тузилган. Бироқ улар томонидан тузилган никоҳ расмий бўлиб, никоҳга киришувчи томонлар никоҳнинг минимал ёшига тўлмасдан аввал бир оила бўлиб яшамаганлар. Агар улар кейинчалик бир никоҳда туришни истамасалар ажралишлари мумкин бўлган. Ушбу тартибга шариат йўл берган.

Никоҳ тузувчи томонларнинг ўзаро яқин қариндош бўлмасликлари.

Никоҳдан ўтаётганлар ўзаро яқин қариндош бўлмасликлари:

Исломга қадар никоҳ муносабатларида турли тартибсиз ҳолат ва шакллар мавжуд бўлган. Ислом, хусусан шариат никоҳ тузиш учун тўсиқ бўладиган қариндошчилик даражасини белгилади. Шариат яқин қариндошчилик ёки кўкалдошлар (бир онани эмиб катта бўлганлар)нинг никоҳини таъқиқлаганлар. Ака-сингилларнинг никоҳи ҳаром ҳисобланган. Амманинг қизи шариат ҳукми бўйича сингил билан тенг ҳисобланган. Яна хотиннинг онаси, яъни қайнонаси, хотиннинг қизи (ўғай қизи) ва икки сингил бир эрнинг никоҳида бўлиши мумкин эмас. Шариат яқин қариндошларнинг никоҳини таъқиқлаши бежиз эмас. Қуръоннинг “Нисо” сураси 22-оятда ҳам яқин қариндошларнинг никоҳи таъқиқланади. Бундан асосий мақсад-ирсиятнинг бузилмаслиги, соғлом авлоднинг давом этиши бўлган.

Қариндошлик белгиларидан ташқари кўкалдошлар ўртасидаги ўзаро никоҳни мумкин эмаслиги ҳам таъкидланади. Бу тўғрида Қуръони Каримнинг “Нисо” сураси 23-оятда “...эмизган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз ... ҳаромдур”, - дейилади. Бу хусусда шундай Ҳадиси шариф бор: “Ибн Аббос розияллоху анҳу ривоят қиладилар: “Ҳамзанинг қизига уйланмайсизми? – дейишди. Ул зот: “Ул қиз менинг эмишган акамнинг қизлари бўлади!” – дедилар”.

Бундан келиб чиқадики, қариндошлар ва кўкалдошлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин эмас.

¹ Хидоя. Комментарий мусульманского права. 1-том. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1994 йил. 141-бет.

² Бурҳониддин Ал-Марғиноний. “Ал-Ҳидоя”. 1-жилд. Тошкент. “Адолат”, 2001-йил. 668-бет.

Келин учун кўёв томонидан маҳр берилишининг шартлиги.

Ислом давлат дини ҳисобланган мамлакатларда никоҳ тузишда, одатда, эрнинг аризаси аввало «мухтор» шариат қонуншуноси томонидан тасдиқланиб, фуқаролик ҳолатини қайд этиш идораларида рўйхатдан ўтказилади. Бу идорада ҳокимият вакили иштирокида никоҳ шартномаси тузилади. Никоҳ битимини эр, хотин томонидан эса - унинг қон-қариндошларидан бири имзолайди. Никоҳ шартномасини имзолаш вақтида эр ёки унинг отаси тўлиқ ёки қисман «маҳр» тўлайди.

«Маҳр» — бу никоҳ тўлови бўлиб, у хотин учун тўлов бўлмай, балки унинг моддий манфаатларини ҳимоя қилишга (айниқса никоҳ тўхтатилганда) қаратилган ҳақ-хуқуқидир. Маҳр фақат пул ёки қимматбаҳо буюмлар тариқасида ундирилади. Бунда ислом ҳуқуқининг «маҳр» институти билан мусулмон халқлари, шу жумладан Марказий Осиёда яшайдиган халқларнинг одат ҳуқуқига кирувчи «қалин» институтини аниқ, фарқлаш лозим. Қалин, гарчи ташқи томондан маҳрга ўхшаса-да, у исломни қабул қилган кўп халқларнинг қадимдан қолган урф-одати ҳисобланади.

Келин учун маҳр бериш шарт эканлиги:

Шариатнинг никоҳ тузишдаги асосий талабларидан бири-келин учун маҳр бериш. Никоҳ тузишда маҳр берилмаса, никоҳ ҳақиқий эмас деб ҳисобланган. Бу эса турли халқларда турли шаклда бўлган.

Маҳр тўғрисида Ислом ҳуқуқининг манбари бўлган Қуръон ва Суннада, Ҳанафий мазҳаби вакиллариининг фикҳий асарларида, хусусан, Бурхонуддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя”, Мақсудхўжа ибн Мансурхўжанинг “Маъжмаъ ул-Мақсуд” асарида, “Мухтасар”да ва бошқа бир қатор асарларда таҳлил этилган. Ушбу манбаларда маҳрнинг ҳуқуқий асослари, талаби, шакли, миқдори ва бошқа хусусиятлари келтириб ўтилган.

Қуръони Каримда маҳр ҳақида шундай дейилади: “Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (яъни чин кўнгилдан, мамнунлик билан) берингиз!”¹

Маҳрга уй-жой, пул, кийим-кечак, зеби-зийнат буюмлари, чорва моллари ва бошқалар берилган. Маҳрнинг миқдори ва унинг қандай нарса ёки буюмлар билан беришнинг аҳамияти унчалик даражада муҳим эмаслигини қуйидаги ҳадисда кўриш мумкин: “Маҳрнинг на ҳажми ва на вазни муҳим эмас! Масалан, темир узук... Саҳл ибн Саъд ривоятига кўра “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уйланаётган бир кишига: лоақал битта темир узук бўлса ҳам бер!”-деб айтдилар”.²

Маҳрнинг миқдори ҳақида ҳанафий мазҳаби бўйича кам миқдори белгиланган бўлиб, ушбу “Ҳидоя” ва “Мухтасар” асарларида аниқ келтирилган.

“Маҳрнинг энг ози ўн дирҳамдир..Агар ўн дирҳамдан камроқ маҳрни атаган бўлса, ҳам, аёлга ўн дирҳам беради.”³

Никоҳ тузиш пайтида гувоҳларнинг иштироки.

Шариат бўйича никоҳ тузиш албатта икки киши гувоҳлиги асосида ҳақиқий ҳисобланган. Эркаклар ёки бир эркак ва икки аёл шундай гувоҳликка ўтиши мумкин бўлган, чунки шариат бўйича икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенг қилинган. Гувоҳлик асосида тўртта шарт бўлган: озод бўлиш; ақлли бўлиш; балоғатга етган бўлиш; мусулмон бўлиш.

Агар мусулмон одам христиан ёки яҳудий билан никоҳдан ўтган бўлса, бундай ҳолда христиан ёки яҳудий динидаги кишилар гувоҳликка ўтишлари мумкин бўлган. Гувоҳликка ўтишга қўйилган шахслар никоҳ шартномасини тузувчиларнинг ўзаро розилигини олган бўлишлари, ўзлари бир вақтнинг ўзида эшитишлари лозим бўлган.

Никоҳда гувоҳлар икки эр киши, Ҳанафий мазҳабида икки эр киши бўлмаса, бир эр киши, икки аёл киши бўлиши мумкин. Фақат аёл кишиларнинг ёлғиз ўзларининг гувоҳлиги кифоя қилмайди.

¹ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. “Чўлпон”, 1992 й. 55-бет.

² Ҳадис. – Т.3. – Т., 1995. – 411 - бет

³ Бурхониддин Ал-Марғиноний. “Ал-Ҳидоя”. 1-жилд. Тошкент. “Адолат”, 2001-йил. 690-бет.

Гувоҳларда қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

1. Ақл.

Мажнун киши гувоҳ ҳисобланмайди.

2. Балоғатга етганлик.

Ёш бола гувоҳ ҳисобланмайди.

3. Хур.

Кул гувоҳ бўлмаган.

4. Мусулмонлик.

Мусулмон эмаслар гувоҳ бўлолмайди.

5. Иккала гувоҳ ҳам никоҳланувчи икки томоннинг сўзларини эшитиши керак.

6. Гувоҳ адолатли - диний жиҳатдан тўлиқ ишончли одам бўлса яхши. Бўлмаса, адолати суриштирилмаган, ёлғончилиги, фосиқлиги маълум бўлмаган киши ҳам бўлаверади. Ҳанафий мазҳабида бу масала бошқа мазҳабларга қараганда бироз кенгрок олинган.

Исломда ҳамма шартларга амал қилиш ва берган ахдга вафо қилиш алоҳида эътиборга сазовор саналади. Аммо никоҳдаги шарт ҳамма шартлардан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Никоҳдаги шартга вафо қилиш бошқа шартларга вафо қилишдан ҳам зарурроқдир.

Никоҳдан ўтувчиларнинг диний эътиқод бирлиги ва руҳий соғломлиги.

Никоҳдан ўқитувчиларнинг диний эътиқоди бирлиги ва руҳий соғломлиги:

Ислом динида эътиқод қилувчи эр кўп ҳудодикка, будпарастликка эътиқод қилувчи ёки умуман ҳеч қандай динга мансуб бўлмаган аёл билан никоҳ тузиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Агар христиан ёки яҳудий ислом динига кирса, у мусулмонлар билан никоҳ аҳдини тузиши мумкин бўлган.

Шариат буйича эр - хотиндан бири Ислом динидан бошқа динга ўтиши никоҳнинг бузилишига олиб келган. Мусулмон аёлларининг бошқа диндаги шахсларга турмушга чиқишга ҳуқуқлари бўлмаган, улар фақат мусулмонларга турмушга чиқиш ҳуқуқларига эга бўлганлар.

Агар эр ёки хотин бошқа динга кириб, мусулмон динидан чиқса, у ҳолда улар ўртасидага никоҳ бекор қилинган ва ҳамма муносабатлар тўхтатилган. Агар ислом динига нисбатан хоинлик эр томонидан содир этилса, у хотинига маҳр беришдан ва "идда" ("идда" хотин никоҳдан ажрагандан ёки эри вафот этгандан сўнг, янги никоҳ тузмай, кутиб туриш муддати 4 ой 10 кун белгиланган) вақтида унга нафақа тўлашдан озод этилмайди. Агар бу иш хотин томонидан содир этилса, "идда" вақтида нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши талаб қилинади. Шариат ақлдан озган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий деб ҳисобламайди. Шариатда эрли аёллар билан никоҳ қораланади. Куръони Каримнинг "Нисо" сураси 24 - оятида бундай дейилади: "Яна эрли аёллар ҳам ҳаром қилинди...".

Шариат муддатли шартларга йўл қўймайди. Агар никоҳ тузишда муддатли шартларга маълум hafta, ой ёки йилга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Шариатда маълум муддатта хотин олиш ёки турмушга чиқиш таъқиқланади. Пайғамбаримиз бундай муддатли никоҳни маън қилганликлари тўғрисида ибн Аббос ривоят қилади: "Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Хайбар ғазоти вақтида муваққат никоҳ (никоҳул муттаъ)дан ва хонаки эшшаклар гўштини емоқдан қайтардилар". Муддатли никоҳ шакли шиалик мазҳаби вакилларида учрайди. Улар бу никоҳни икки hafta, бир ой, икки ой ва кейинчалик никоҳ муддатини келишиб узайтиришлари мумкин. Бунда эркак аёлга ҳақ бериши эвазига никоҳ тузилади.

Бундан ташқари шариатда никоҳ шартномасини тузишда ҳеч қандай васият асосида никоҳ тузилмайди. Исломдан аввал (жоҳилият даврида) хотинларни мерос қилиб қолдиришган бунда аёлнинг эри ўлса марҳум эгаларидан бири у аёлни мажбурий ҳолда хотин қилиб олиши лозим бўлган.

Ислом бу номақбул одатни маън қилди. Қуръони Каримнинг "Нисо" сураси 19 - оятида бу ҳақда шундай дейилади: "Эй, мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасдир",¹ деб огохлантирилади.

Шундай қилиб, шариат мезонларида белгиланган шартлардан кўзда тутилган асосий мақсад - соғлом, ҳалол никоҳ муносабатларини вужудга келтиришдан иборат бўлган. Аммо, бу қоидаларни турмушга тадбиқ қилиш борасида камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Шуниси муҳимки, бу шартларнинг ҳеч бирини зарарли ёки кераксиз деб бўлмайди. Уларнинг бири иккинчисини тўлдиради ва ижобий натижа беради.

Табақа бўйича тенглик.

Никоҳ тузишда талаб қилинадиган шартлардан бири – табақа бўйича тенглик. Никоҳ ҳақиқий тенг бўлиши учун эр ва хотин ўртасида табақавий тенглик бўлиши зарур. Бу қоида ўрта асрлар жамиятига хос. Шариатда никоҳга қирувчи шахсларнинг уруғи, насл-насабда тенглик, озод бўлиши, диний бирлик, мол-мулкда тенглик, касб-хунарда тенглик каби бир қатор талаблар қўйилган.

Никоҳни бекор қилишга олиб келувчи ҳолатлар

Шариатда никоҳдан ажралишга – “талокқа” йўл берилади. Аммо ислом талокни - оила бузилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобламайди. Иложи борида, оилани бузмай сақлаб қолишни тарғиб қилади. Никоҳни бекор қилишга тегишли "қонуний" асослар бўлгандагина йўл қўйилган. Шариат бўйича ажралиш "Талок" сўзи билан белгиланган. Бу сўзнинг луғавий маъноси "қўйиб юбориш, қўйиш" демакдир. Қонун тилида бу сўз “никоҳдан ажратиш ёки маълум сўзларни айтиш натижасида никоҳ шартномаси ўз қонуний кучини йўқотишидир”, - дейилади "Ҳидоя"да. Талок қилиш ҳукуки эркакка берилган. Шунингдек, бу ишни унинг ишончли вакили томонидан ҳам амалга ошириш мумкин бўлган.

Хотиннинг бевосита иштирокисиз, у "талок" сўзини эшитмаса ҳам "талок" ёзма равишда эълон этилишига йўл қўйилган. Бунда ажралиш тўғрисидага васиқа келиннинг бевосита ўзига ёки унинг отасига ёхуд қозининг қўлига топширилиши лозим бўлган. Шариат бўйича никоҳни бекор қилишга қуйидаги шартлар қўйилган: ажралишни истаётган шахс муомалага лаёқатли ва вояга етган бўлиши лозим; ажралиш содир бўлаётган вақтда камида иккита гувоҳ бўлиши ёки иштирок этиши шарт.

Никоҳдан ажралишда шариат қонунларида енгил ва оғир турдаги талок мавжуд. Никоҳдан ажралишнинг енгил турида эр ажралган хотини билан қайта никоҳдан ўтиши мумкинлига тушунилади. Енгил ажралишда: "бир талок" ва "икки талок" деб айтилади. Ажралишнинг оғир тури эр хотини билан бошқатдан никоҳ туза олмайди. "Уч талок" сўзи айтилганда оғир турдаги ажралиш рўй беради. Агар эр хотини билан уч маротба ажрашган бўлса, унинг хотини бошқа шахсга турмушга чиқиб, у билан ҳам ажрашганидан сўнг ёки ўша, кейинги эри ўлган бўлса, белгиланган "идда" муддати ўтгандан кейингина бу хотин билан қайтадан никоҳ тузиш мумкин бўлган.

"Сен ҳайдалдинг", "Сен кесилдинг", "Сен манъ этилдинг", "Ўзингни ёқангда қолсин", "Ўзингнинг қон - қариндошларинг билан бирга бўл", "Сен маҳрум этилдинг", "Мен сени ўзингнинг оиланга топшираман", "Сенинг ишларинг ўз қўлингда", "Сен эркинсан", "Бу ердан йўқол", "Тур", "Жўна", "Кет", "Ўртоғингни топ" иборалари айтилганда ҳам енгил талок рўй бериши мумкинлиги "Ҳидоя"да келтирилган. Қуръони Каримда енгил ва оғир талок ҳақида "Бақара" сурасининг 229-231 оятларида шундай дейилади: 229 - оятда: "(эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган) талок икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажралиш (лозим). Ва сизлар учун уларга (хотинларнингизга) берган нарсаларингиздан (уларнинг маҳрларидан) бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр - хотин Аллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун - қоидаларни адо қила олмасликларингиздан қўрқсангизгина (дурустдир). Бас, агар улар (эр - хотин) Аллоҳ буюрган қонун - қоидаларни адо қила олмасликдан қўрқса, у ҳолда хотин (эрдан ажралиш учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни хотиннинг эваз беришда. эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ

¹ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.Тошкент. “Чўлпон”.1992 йил.57-бет

йўқдир. Бу Аллоҳнинг қонун чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз. Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса ана ўшалар золимлардир". дейилади. 230-231 оятларда ҳам никоҳни бекор қилиш чегаралари ва унинг қайтадан тузиш, ажрлалиш қоидалари баён қилинган.

Шариат бўйича никоҳни бекор қилиш бир тарафлама характерга эга бўлиб, ҳамма масала эрнинг хоҳишига боғлиқ эди. У шариат қоидаларида бирор ифодани айтиб, ажрлалишга олиб келган ҳолатни асосламаслиги ва тушунтирмаслиги мумкин эди. Никоҳдан ажрлалишда шариат эркакка нисбатан соф моддий, иқтисодий тўсиқни қўйган - у ҳам бўлса, эр никоҳ шартномасини тузиш пайтида хотинга берган ёки белгиланган маҳрни бериши лозим бўлган. Эр -хотин иккаласининг розилиги билан ёки эрнинг бир тарафлама хоҳиши билан ажралганда "идда" муддатини ўтагач, яна никоҳ тузиш мумкин. "Идда" муддати ўтгандан сўнг эр - хотин иккинчи мартаба никоҳланишлари лозим. Эр - хотиннинг иккинчи мартаба никоҳдан ўтишларида маҳр тўлаш талаб этилмаган.

Эрнинг хотин билан қўпол муомалада бўлиши, эр - хотинлик муносабатларида хиёнат қилиши хотинга никоҳдан ажрлалиш ҳуқуқини бермас эди. Қуйидаги ҳолатлардагина хотини никоҳни бекор қилишни сўраши мумкин: агар эри олти ой муддат давомида хотинини моддий таъминлай олмаса; агар эри никоҳда яшашга қодир бўлмаса; агар никоҳ ёшлик вақтида тузилган бўлиб, балоғатга етгандан сўнг ёки маълум ёшга тўлгандан сўнг қиз никоҳда яшашга рози эмаслигини айтса; агар эри ислом динидан бошқа динга ўтса.

Қандай кишиларга талоқ қабул бўлиши мумкин деган муаммога, шариатда белгилаб қўйилган шартлар бўлиб, унда талоқ берувчи кишининг ҳолати ҳисобга олинади. Бунда агар одам уйкуда хотинини талоқ қилса бунда талоқ ҳақиқий ҳисобланмайди. Руҳий соғлом бўлмаган, ёш бола ва беҳуш кишиларнинг талоқлари ҳам ҳисобга олинмаган.

Агар киши касал бўлса ўлими олдидан талоқ бермоқчи бўлса, идда тутагандан кейин хотиннинг эри ўлса талоқ қабул қилинган ва хотин нафақадан маҳрум бўлган. Агар иддаси тугамай туриб, эр вафот этса аза очиши мумкин бўлган. Бошқа динга ўтган хотинлар ва ёши кичиклар учун аза тутиш шарт эмас. Биз юқорида талоқ белгилангандан кейин нафақа берилишини назарда тутдик. Бунда талоқ берилган аёлга идда муддати тутагунча. унга алоҳида хона берилиши, озиқ - овқат билан таъминланиши керак бўлган.

Никоҳ бекор қилинганда ўртадаги фарзандлар қай аҳволда бўлишлари шариат томонидан белгиланган. Бунда ота ўз фарзандларига нафақа беради ва уларнинг мерос олишлари ҳам белгиланган. Икки ёшга етмаган бола учун агар она сутини эмиши керак бўлса, бунда она ўз фарзандини эмизиши шарт бўлмаган, ота энага ёллаши керак бўлган ва унга жавобгар ҳисобланган. Шу жумладан аёлга ҳам эр томонидан нафақа тайинлаш кўзда тутилган, Бунда кийим - кечак бериши, истиқомат қилиши учун жой бериши керак бўлган.

Баъзи ҳолатларда аёллар эрларидан ҳақ эвазига талоқ олишган. Аёл томонидан эрига маълум миқдорда пул бериб, никоҳни бекор қилиши ёки маҳрини талаб қилмай ажрлалиши мумкин бўлган.

Шариатда никоҳни бекор қилиш қоидалари ўрта аср анъаналари ва ижтимоий муҳитга қараб белгиланган. Вақтлар ўтган сайин эр - хотин муносабатлари доирасида ажрлалишнинг келиб чиқиши ҳар бир даврнинг ўз қонун - қоидалари асосида амалга оширилган. Мусулмонлар орасида қайси мазҳабга амал қилишларига қараб ўша мазҳаб қонунлари юзасидан никоҳни бекор қилиш мумкин бўлган.

Ҳозирги кунда оилавий муносабатларда ажрлалиш, яъни никоҳни бекор қилиш никоҳ Кодекси асосида амалга оширилади. Шунга қарамай, халқимиз ўртасида шаръий никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш қонунлари ҳам истёъмолдан чиқмаган.

Ислом ҳуқуқи бўйича никоҳни бекор қилиш ва унинг турлари

Ислом ҳуқуқининг оила ва никоҳ соҳасида ҳам, унинг асосий манбаларидан бири бўлмиш имом Исмоил ал-Бухорий ҳадис тўпламларида ҳам кенг ва батафсил тўхталган мавзулардан яна бири - бу "талоқ", яъни никоҳдан ажрлалиш бўлиб, "талоқ" араб тилида "озод бўлмок", "ажралмок" деган маънони англатиб, эр томонидан эълон қилиниши ёки хотин томонидан талаб қилинганлиги сабабли никоҳнинг бекор қилинишидир. Ажралиш

инсонга нихоятда оғир рухий жароҳат етказишини чуқур тадқиқ этган ислом ҳукуки турли усуллар билан бу фожеали ҳодисанинг олдини олишга уринган.

Исломда никоҳ қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- 1) эр ёки хотиннинг ўлими ёки исломдан чиқиши;
- 2) эрнинг бедарак кетиши;
- 3) никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ёки нотўғри тузилганлиги;
- 4) эрнинг хотинни талоқ қилиши.

Никоҳ шартномасини бекор қилиш учун аёлларда жисмоний ёки ақлий камчилик ва қусурлар асос бўлиши мумкин:

- 1) ақли заифлик;
- 2) кўрлик;
- 3) песлик;
- 4) пуштсизлик;
- 5) жинсий заифлик;

Юқорида зикр этилган камчиликлар ёки қусурларга эга бўлган эр-хотин талоқни расмийлаштирмасдан ажрашишлари мумкин. Ахлоқий ва психологик омилларни ҳисобга олиб, шариат "жисмоний ва ақлий камчиликлар туфайли ажрашишларни овоз қилмасликни талаб этади. Агар хотин эрининг жинсий заифлиги туфайли никоҳни бекор қилишни талаб этса, у маҳрнинг ярмини бериши шарт.

Ислом қонунчилигага кўра талоқнинг уч тури бўлиб, улар - "аҳсан", яъни мустаҳаб, "ҳасан", яъни суннат ва "бидъий", яъни ҳаромдир. Талоқ шариат бўйича маъқуланувчи бўлиши учун у эр томонидан хотинга пок холида, унга яқинлик қилмай икки гувоҳ ҳузурда айтилиши керак бўлган.

Талоқ - шариатга кўра, никоҳнинг бекор қилинишидир. Эр томонидан шу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод этади. Бу ҳолатда эр томонидан хотинга берилган мол-мулк (маҳр) хотинда қолади, эр хотинни идда муддати ўтгунча моддий таъминлаб туриши керак. Шариатда иккинчи талоқдан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилади. Учинчи талоқдан кейин эса, шариат бунга йўл қўймайди. Талоқ қилинган хотин бошқа эрга чиқиши учун белгиланган идда муддатини ўташи керак. Эр учинчи марта талоқ қўйгандан кейин ярашмоқчи бўлса, хотин бошқа эрга бирга яшаш ниятида турмушга чиқиши, иккинчи эр хотинни талоқ қилса ё вафот этса, хотин идда муддатини ўтагандан сўнг қайта никоҳлаш мумкин.

Билмоқ керакки, ажралишга зарурат туғилган ҳолда шариат талоққа ижозат берган бўлса ҳам, Аллоҳ ҳалол қилган ишларнинг энг ёмони, энг ноҳуши талоқдир. Шу сабабли ҳанафий мазҳабида бир киши ўз аёлига "иншааллоҳ талоқсан" деса, талоқ тушмайди. Чунки Аллоҳ талоқни хушламайди, ҳатто беҳуда талоқ Парвардигорнинг ғазабини келтиради.

Оиладаги биргина жанжал туфайли тилига дарҳол талоқ келадиган эрларнинг феъли, аёлларнинг феъл-атвориға яқиндир. Боиси, Аллоҳ таоло ажралиш ихтиёрини иродаси мустаҳкам бўлгани учун эркакларга берган.

Шаръий сабаблар билан хотинини талоқ қиладиган бўлса, биринчи мартадаёқ уч талоқ демасин, бир талоқ десин ва кейин ҳам шу тартибда икки марта талоқ берса, суннатга мувофиқ талоқ бўлади.

Бунинг ҳикмати шуки, орадаги вақтларда ярашиш хоҳиши пайдо бўлса, йўл очик қолади. Қолаверса, идда вақтида аёлнинг нафақаси эрнинг зиммасида бўлади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, эрнинг фақат уч марта талоқ қилишга ҳаққи бор, холос. Бирданига уч талоқ деса ҳам, айри-айри айтса ҳам шундай. Масалан, бирор киши хотинини бир талоқ қилиб, қайта никоҳланиб, яна бир талоқ қилиб, қайта никоҳланган бўлса, учинчи талоқ қилишидан кейин бу аёли билан яраша олмайди, токи у аёли бошқа одамга ўз ихтиёри билан никоҳланиб, у эри ўз ихтиёри бирла талоқ қилмагунча.

Талоқ қилишнинг икки йўли бор:

1. **САРИХ.** Яъни фақатгина талоқ лафзлари билан ададни қўшмай талоқ қилиш, "сен талоқсан", "сени талоқ қилдим" каби сўзлар билан талоқ қилиш. Бу ҳолда фақат бир ражъий талоқ тушади.

2. **КИНОЯ.** Талоқ сўзини ишлатмай, талоқ ниятида айтилган бошқа лафзлар орқали ҳолатга қараб тушадиган талоқ. Бу лафзлар уч қисмдир.

Биринчиси, эр хотинига "тур", "йўқол", "чик", "тур мени ёнимдан", деб талоқ ниятида айтса, талоқ тушади. Ҳоҳ ғазабланиб айтсин, ҳоҳ талоқ музокараси ҳолатида, яъни талоқ тўғрисида баҳслашиб турган бўлсин, фарқсиз. Нияти бир талоқ бўлса, бир талоқ, нияти уч талоқ бўлса, уч талоқ тушади. Агар эрнинг нияти кўрқитиш ёки талоқдан бошқа нарса бўлса, талоқ тушмайди.

Иккинчиси, эр хотинига "бўшсан, узилгансан, ман қилингансан" каби сўзларни айтса, ғазаб ҳолатда ниятига қаралади. Аммо талоқ музокараси бўлиб турганда айтса, ниятидан қатъи назар талоқ воқеъ бўлади, талоқни ният қилмаса, бир боин¹, агар нияти уч талоқ бўлса, уч талоқ тушади.

Учинчи қисм сўзлар, яъни "идда сақлагин, сен ягонасан, сен озодсан, ихтиёр қил, сени ишинг ва амринг ўз қўлингда, ўз ихтиёрингда, сени ҳайдадим, сени айирдим" каби сўзлар ғазаб ҳолатида ҳам, музокара ҳолатида ҳам, ниятдан қатъи назар, талоқ воқеъ бўлади. Уч талоқни ният қилса, уч талоқ ва талоқни ният қилмаган тақдирда, бир боин талоқ тушади.

Мазкур уч қисмдаги киноя лафзларнинг ҳар қайсисини хурсандчилик ва розилик ҳолатида айтса, у ҳолда ниятига қаралади, яъни талоқ ният қилмаса, талоқ тушмайди.

Бундан ташқари, никоҳни бекор қилишнинг амал қилувчи, лекин фикҳда тан олинмаган турлари ҳам мавжуд:

— зиҳар — эр хотинига у ўзи учун сингил ёки онадек бўлиб қолишини, яъни у билан эр-хотин муносабатларида бўла олмаслигани айтади;

— ила — эр хотини билан қўшилмасликка онт ичади, лекин уни талоқ қилмайди.

Иккала ҳолда ҳам никоҳ муносабатларини тиклаш учун каффорат бериш (гуноҳ кечирилиши учун эваз тўлаш) лозим, акс ҳолда хотин фасх бўйича ажрашишга ҳақли.

Шариат бўйича, эри ўлган ёки эри билан ажрашган хотин дарҳол бошқа эрга чиқа олмайди. Бундай аёлларга идда муддати ўтмагунча эрга чиқиш тақиқланади. Агар эрлари идда давомида ислоҳни (оилани тиклашни) истасалар, уларни қайтариб олишга ҳақли бўлганлар. Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган талоқ икки марта бўлиб, учинчи марта талоқ қилинса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунча аввалги эрига ҳалол бўлмаган.

"Идда" сўзининг луғавий маъноси санамоқ дегани. Шариатда эса эри вафот этган аёлнинг тўрт ойу ўн кун, агар эри талоқ қилган бўлса, уч ой тўлиқ турмушга чиқмай туришига идда сақлаш дейилади.

Аввало билмоқ керакки, идда сақлашдан асосий мақсад наслни пок ва тоза бўлишидир. Шу мақсадда аёлларга, турли сабаблар билан эрларидан ажралганларидан сўнг то идда муддатлари тугамагунча бошқа эрга турмуш қуришларига рухсат берилмаган. Муайян қилган идда муддати, тўкис ўтгандан сўнг аёлнинг аввалги эридан ҳомиладор эмаслиги равшан бўлгач, турмуш қуришлари мумкин.

Идда сақлаш Қуръони карим оятлари орқали фарз бўлган. Аллоҳ таоло "Бақара" сурасининг 228-оятида "Талоқ берилган хотинлар уч ҳайз ўтгунча ўзларини бошқа никоҳдан сақласунлар. Ва жоиз эмас аларга қоринларидаги Аллоҳ таоло яратган фарзандни яширмоқлари агар алар бўлсалар иймон келтиргучилар Аллоҳ таолога ва Қиёмат кунига. Ва аларнинг ўз эрлари буларни қайтариб олмаққа шул муддат ичида бошқадин алар ҳақдордирлар агар алар сулҳга толиб бўлсалар"², деб буюради.

Эри бедарак йўқолган хотин бошқа одамга турмушга чиқмоқчи бўлса, у мазкур масалани мустақил ҳал қилиши мумкин эмас ва маслаҳат сўраб дин уламоларига мурожаат этиши лозим.

¹ Никоҳсиз ярашиш мумкин бўлмаган талоқ

² Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. "Чўлпон". 1992 йил. 27-бет.

Ислом ҳукуки нормалари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексидан фарқли равишда, янги никоҳга кириш учун аввалги никоҳдан ажралиб, хотинни бева қолдиришни мажбурий шарт қилиб қўймаган. Бу тўғрида имом Исмоил ал-Бухорий қуйидаги ривоятни келтиради:

"Оиша (р.а.) ривоят қиладилар: "Эрининг кўнгилсиз бўлиб қолишидан ёки қўйиб юборишидан чўчиган аёл шундай аёлки, одатда эри ундан кўнгли тўлмай, уни талоқ қилиб бошқа хотин олгиси келади. Шунда ўша аёл: "талоқ қилмангиз-да, устимга бошқа хотин олаверингиз, сиз менга нафақа ва маҳрни бироз камроқ берсангиз ҳам майли!" - дейди. Оллоҳ таоло бу хусусда: "Ва агар бир хотин ўз эрининг кўнгилсиз бўлишидан , ёки юз ўғиришидан кўркса-ю, ўзаро қелишиб сулҳ қилишса, бу ҳар иккисига ҳам гуноҳ эрмас, сулҳ яхшидур!" - дейди".

Ҳадиси шарифларда айтилишича, талоқ исломда йўл қўйилган ҳалол ишларнинг энг ёмони ҳисобланган. Шу сабабдан ислом уч талоқ қилиб ажрашиб кетилгунча, эр-хотиннинг ота-оналари ёки бошқа ҳурматли қариндошларидан "оилавий ҳакамлар суди" чақириб, уларни мурасага келтириш йўлини кўрсатган. Куръони Каримнинг "ан-Нисо" сураси 35-оятда бу хусусда: "Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан кўрксангазлар, эр томонидан бир ҳакам, хотин томонидан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истаса, Оллоҳ эр-хотин орасига иттифокликни солур"¹, — дейилади.

"Оилавий ҳакамлар суди" жараёнида қелишмовчиликларнинг сабаблари қариндошлар сифатидага ҳакамлар томонидан чуқур ўрганилган ва уларни яраштириш, уларга бир-бирларини тушуниш учун барча чоралар кўрилган. Эр-хотин ҳам бу қариндошларни ҳурмат қилганликлари боис, уларга кулоқ солганлар ва уларнинг ўзларини келажакда қандай тутишлари ҳақидаги маслаҳатларини қабул қилишган. Агар никоҳ бузилишига олиб келган жараённинг сабаблари ва илдизлари ҳаддан зиёд чуқур бўлса, эр-хотинлик муносабатларини қайта тиклашнинг иложи бўлмаган тақдирдагина, шариат ажралишга рухсат берган.

Имом ал-Бухорий ҳадисларида бундай ривоят қилинади:

"Молик ривоят қиладилар: "Яҳё ибн Саъид ибн ал-Ос Абдуллаҳ ибн ал-Ҳакамнинг қизини талоқ қилиб эрди, Абдуллаҳ қизини уйига кўчириб олиб келди. Мўминлар онаси Оиша (р.а.) Мадина амири Марвонга одам юбориб, "Оллоҳ таолодан кўркқил, уни уйига қайтаргил!" деб айтишни буюрдилар".

Имом ал-Бухорий ҳадисларида бундай ривоят қилинади:

"Молик ривоят қиладилар: "Яҳё ибн Саъид ибн ал-Ос Абдуллаҳ ибн ал-Ҳакамнинг қизини талоқ қилиб эрди, Абдуллаҳ қизини уйига кўчириб олиб келди. Мўминлар онаси Оиша (р.а.) Мадина амири Марвонга одам юбориб, "Оллоҳ таолодан кўркқил, уни уйига қайтаргил!" деб айтишни буюрдилар".

Исломда полигамия, яъни кўп хотинлилик тўғрисидаги сўзимизга яқин ясар эканмиз, мухтасар тарзда қуйидаги ҳулосаларга қелишимиз мумкин. Зино қилиш жуда оғир жиноят ҳисобланадиган ва баъзан ўлим жазосига лойиқ деб топиладиган мусулмон жамиятида мусулмон эркакларга тўрттагача хотинга уйланишга рухсат этилган. Бунда шариат белгилаган қуйидаги шартларга қатъий риоя қилиниши лозим:

1) биринчи хотиннинг розилиги талаб этилади;

2) кейинги хотинлар олдингиларининг қамситилишига сабаб бўлмаслиги керак;

3) барча хотинларга тенг эътибор берилиши лозим.

Ниҳоят, оилада бола тарбияси ҳақида.

Одатдаги шароитда болаларга қараш онасига юклатилади, лекин уларни таъминлаш ота зиммасига тушади.

«Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу ҳукм) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва қийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди. Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин! Меросхўрнинг зиммасида

¹ Куръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.Тошкент. "Чўлпон".1992 йил.59-бет

хам худди шундай (масъулият) бор. Агар ота-она ўзаро келишиб, маслаҳат билан (болани сутдан) ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (бегона аёлга) эмиздирмоқчи бўлсангиз, ҳаққини меъёрида тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчидир»¹.

Болаларга тегишли барча ишлар уруш-жанжалсиз, уларнинг манфаатларини кўзлаб, ўзаро келишувга кўра ҳал қилиниши лозим. Баъзан бола ким (ота ёки она) билан қолишни ўзи танлаши маъқул саналади.

«Расулulloҳ болага қараб деди: «Бу — сенинг отанг, бу — онанг, уларнинг қайси бири билан қолишни танла».

Бола онасига яқинлашиб, унинг қўлидан ушлади. Сўнг улар етаклашиб чиқиб кетдилар». (Абу Довуд, ат-Термизий, Нисоий, Ибн Можа ва ал-Ҳаким).

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. «Чўлпон». 1992 йил.

2. Ҳадис. – Т.3. – Т., 1995.

3. Бурҳониддин Ал-Марғиноний. «Ал-Ҳидоя». 1-жилд. Тошкент. «Адолат», 2001-йил.

4. Мухтасар., "Чўлпон" нашриёти босмаҳонаси Т.,: 1994 йил

5. Б. Марғиноний «Ҳидоя». 1-жилд. Тошкент. «Адолат», 2001 йил

6. А. Раҳманов. А. Раҳманов. Ислом ҳуқуқи. Тошкент, ТДЮИ, 2007 йил, 299-бет.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: мусулмон ҳуқуқида никоҳ, никоҳ ёши, Маҳр, мерос, талоқ, қисман талоқ тушиш, макр,

Мавзуга доир назорат саволлар:

1. Мусулмон ҳуқуқида никоҳ тушунчаси

2. Мусулмон ҳуқуқида никоҳ ёши.

3. Мусулмон ҳуқуқида никоҳни расмийлаштириш.

4. Мусулмон ҳуқуқида никоҳга тўсқинлик қилувчи омиллар.

5. Маҳр нима?

6. Эр ва хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Никоҳни бекор қилишга олиб келувчи омиллар.

¹ Қуръони карим, «Бақара» сураси, 233-оят.

7-БОБ.Ислом ҳукукида жиноят ва жазо

Режа

1. Мусулмон ҳукукида жиноят тушунчаси ва унинг турлари ҳамда таркиби.

2. Ахлоққа зид амаллар учун жазо чоралари

3. Ислом гасаб ҳамда ўғрилиқ учун жазо чоралари ҳақида

4.Мусулмон Жиноят ҳуқуқининг хусусиятлари

1.Мусулмон ҳуқукида жиноят тушунчаси ва унинг турлари ҳамда таркиби

Шариатда жиноят тушунчасининг асосини диний ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун–қоидалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мусулмон ҳуқукида жиноят тушунчасини таҳлил этишга алоҳида ёндашиши лозим.

Шариатнинг турли мазҳаблари учун умумий бўлган таълимотларга кўра, жиддий ҳисобланган ҳар қандай гуноҳ–жиноят мусулмон таъқиқларини бузганлик учун жазога лойиқ хатти–ҳаракатлар сифатида қаралиши керак. Унинг моҳияти исломнинг дин, ҳаёт, ақл–идрок, авлодлар давомийлиги ва мулкка эғалик каби беш умуминсоний қадриятлари ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий тамойиллар ва қонунларда ўз ифодасини топган. Мазкур таълимотнинг яна бир муҳим жиҳати, қонунбузарликка Оллоҳ иродасига бўйсунмаслик сифатида қаралишидир. Шунинг учун ҳам шариат бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний ҳисобланган–мусулмон ҳуқуқи қоидаларидан четга чиққан ҳар қандай хатти–ҳаракатлар фақатгина "дунёвий" санкциялардангина эмас, шу билан бирга улар диний жиҳатдан гуноҳ ҳисобланиб, охираат жазосига ҳам сабаб бўлади.

Б. Марғиновийнинг «Ҳидоя» асарида жиноят деб, қонун тилида шахсга ва мулкка қарши қаратилган қонун билан таъқиқланган қилмиш тушунилади деб кўрсатилган. Шариатдаги ушбу таъриф жиноят тушунчасига берилган умумий таъриф бўлиб, шариат масалаларига бағишланган асрларда жиноятнинг айрим турларига алоҳида тушунча берилган. Жумладан, "Муҳтасар" номли асрда ёзилишича: "жиноят" сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносини, шариат истилоҳида одамнинг жонига ёки аъзоларига зарар келтириш маъносини билдиради.

Жумладан, проф М. Ражабова ўзининг “Шариатда жиноят ва жазо” китобида жиноятнинг таркиби унинг белгилари ва турларига қуйидагича таъриф берган.**Жиноят турлари:**

Жиноятни объекти

Шахснинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф жиноий қилмиши қандай мақсадга қаратилганлиги, яъни тажовуз қайси ижтимоий муносабатларни бузишга йўналтирилган бўлса, шу муносабат жиноятнинг объектини ташкил этади.

Жиноятнинг объекти –ижтимоий муносабатлар бўлса, жиноятнинг предмети эса моддий буюм ёки ашё ҳисобланади. Шариат бўйича жиноятларнинг умумий объекти дин ва давлат асослари, шахснинг ҳаёти ва соғлиги, қадр–қиммати, номуси, мулкнинг тури–туман шакллари, айниқса, хусусий мулклар, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги, диний қоидалар, савдо–сотик тартиб қоидалари, одил судлов асослари ва бошқа қатор ижобий муносабатлар бўлиши мумкин. Масалан, диндан қайтиш, Худога шак келтириш кўринишларидир. Бу жиноятларнинг умумий объекти диний муносабатлар бўлиб, айбдорнинг жиноий қилмиши диний муносабатларга путур етказишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам бу жиноятга қатъий жазо–"Ҳадд" белгиланганлиги бежиз эмас.

Шариатда давлат хазиннасидан ўғирланган мулкка нисбатан шахсий, хусусий мулкни ўғирлик йўли билан эгаллашнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори деб қаралган ва бу жиноят учун кучайтирилган жазо қўлланилган. Масалан, давлат хазинасидан бирор мулкни ўғирлаган шахснинг қўли кеслмаган. Сабаби, хазинадаги мулк халқ оммасининг мулки ҳисобланиб, ўғри халқ оммаси таркибига кирарди.

Шариатдаги жиноят турларини умумий объектларидан иборат деб чегараланмаслик, аксинча, уларни ҳам бевосита жиноят объекти сифатида таҳлил қилиш зарур. Масалан, одам ўлдириш жиноятининг бевосита объекти бу–шахснинг ҳаёти, тан жароҳати етказишда эса–

шахснинг соғлиги, далилсиз зинокорликда айблаш яъни туҳматда–шахснинг обрўси, адр–киммати, ислом динидан қайтишда–дин асослари жиноятнинг объекти бўлиши мумкин.

Жиноятнинг объектив томони

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳарқацизликнинг ташқи ҳолатини ҳарактерловчи белгилар жиноятнинг объектив томонини ифодалайди.

Шариатда ҳам содир қилинган қилмишнинг объектив томонини тавсифловчи қатор белгилар мавжуд. Масалан, ўғирлик, босқинчилик, зино, зинода айблаш каби жиноятларни таркибини таҳлил қилганимизда, уларнинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан иборат эканлигин кўрамиз. қайд этилган жиноятлар бир–биридан, асосан, қилмишни хусусияти билан, мулкка қарши қаратилган жиноятлар эса бир–биридан мулкни қонунсиз эгаллаш усули, яъни жиноятнинг объектив томони билан фарқ қилади.

Жумладан, ўғирликда мулк хуфёна тарзда ўғирланса, босқинчиликда мулк эгасига тажовуз қилаган ҳолда мулк кўлга киритилади. Мусулмон жиноят ҳуқуқида закот тўламаслик, битимлар юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, тўқилган қон учун товон ҳаққи тўламаслик, рамазон ойида рўза тутмаслик ва муҳим диний ақидаларни инкор қилиш каби жиноятлар объектив томондан қараганда, ҳарқацизлик билан содир этилади.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида ҳам баъзи бир жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда уларнинг объектив томонини зарурий ва факультатив белгиларини аниқлашга катта аҳамият берилган. Жумладан, ўғирланган мол–мулк ҳовли, уй, сандиқ каби жойларда сақланаётган, яъни қўриқланадиган жойда бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, кўчага қўйган бўлса–да, қўриқланадиган мулк ўғирланса ҳам "ҳадд" жазоси қўлланилган.

Жиноятнинг субъекти:

Шариатда жиноят субъектини аниқлаш, бирор–бир шахс томонидан содир этилган жиноий қилмишни таснифлаш, уни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш, баъзан эса айбдорни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Унда таъкидланишича, ҳар қандай жисмоний шахс эмас, балки эҳсуши жойида ўз қилмишига ўзи жавоб бера оладиган ва ўз хатти–ҳаракатларни идора қилиш қобилиятига эга бўлган, аҳли расо шахсларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланадилар. Шахснинг аҳли норасо деб эътироф этиш, унинг айбини ва унга белгиланиши лозим бўлган жазони инкор этадиган ҳолат саналади. Жумладан, "Ҳидоя"да аҳли расо, балоғат ёшидаги одам ўн дирҳам пул ёки унинг қиймати баробаридаги нарсани ўғирлагани исботланса, қўли кесилади, деб қайд этилган.

Жиноятнинг субъекти нафақат аҳли расо шахс бўлиши, балки унинг маълум бир ёшга, яъни вояга етган бўлиши ҳам шарт эканлиги кўрсатилган. Яна шу асарда: "норасида ва рухий касалликка чалинган шахслар вояга етган аёл билан зино қилсалар", шунингдек, агар қароқчилар норасида ёки аҳли норасо ёхуд маҳрами бўлса, ҳаммаси "ҳадд"дан озод қилинади–деб қайд этилагн бўлиб, бунда аҳли норасо, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан жиноятлар содир этилганда, "ҳадд" туридаги жазо қўлланилмаслиги кўзда тутилган. Ҳанафий мазҳаби асосчиларидан бири Абу Юсуфнинг ёзишича, балоғат ёшига етмаган, шубҳали ҳолатларда эса 15 ёшга тўлмаган ўсмирларга, шунингдек, ҳайз кўрмаган ёки 15 ёшга тўлмаган қиз болаларга ҳам "ҳадд"нинг бирон–бир тури белгиланмаган.

Ҳанафий мазҳаби бўйича жиноят субъекти 15 ёшга тўлган аҳли расо шахс деб белгиланган. Таъкидлаш жоизки, мусулмон жиноят ҳуқуқида аҳли заиф, исрофгарчилик ва нобудгарчиликка йўл қўювчилар, ақлдан озганлар, гўдақлар, хотираси суст, серуйку ва гунг кишилар аҳли норасолар қаторига киритилганлар. Масалан, "Муҳтасар" да "тилсиз, ёзув ва ишора билан ўзига жавоб вожиб бўладиган даражадаги ишга, мисол учун, зино, ҳамр(ароқ) ичиш, ўғирликка иқрор бўлса, жазо берилмас, қўли кесилмас. Чунки иқрори шубҳалидирки, шубҳа билан жазоланмас"–деб қайд этилган.

Шариатда балоғат ёши қизлар учун– 9 ёш, ўғил болалар учун– 12 ёш қилиб белгиланган. Лекин 9 ва 12 ёш вояга етганликни белгиловчи энг кичик ёшлар бўлиб, мусулмон ҳуқуқида умумий балоғат ёши 15 ёш деб белгиланган. Демак, 15 ёшга тўлиб жиноят содир этган

шахсни жиноий жавобгарликка тортиш яъни жазолаш мумкин бўлган. Бироқ турли мазҳабларга мансуб ҳуқуқшунос олимлар 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган жиноятчи ўсмирларга нисбатан фактгина тазир туридаги жазо чорасини қўллаш ҳақида турли-туман фикрларни билдирганлар.

Жиноятнинг субъектив томони:

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ижтимоий ҳавфли ҳаракат ва ҳаракатсизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий ҳавфли оқибатларга руҳий муносабатидир. Жиноят субъектив томонини зарурий белгиси қасд ёки эҳтиёцизлик ҳисобланади.

Мусулмон ҳуқуқига оид ўрганилган қатор илмий-назарий асрларда жиноятнинг субъектив томонини характерловчи асосий белги айбнинг мавжудлиги, шунингдек, қасддан содир этилган жиноятлар эса маълум мотив ва мақсад билан содир қилиниши назарий жиҳатдан чуқур ўрганилганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг назарий жиҳатларини ҳуқуқшунос олимлар қуйидагича талқин этадилар.

Шариатда одам ўлдириш жиноятининг ўз айбнинг шаклига қараб бир неча турларга бўлинган. Жумладан, «Ҳидоя» асарида бу жиноят 5 турга бўлиниб таҳлил этилган:

1. Қасддан ўлдириш
2. Қасдга ўхшаш ўлдириш
3. Беқасд(билмай) ўлдириш
4. Беқасдга(билмасдан) ўхшаш ўлдириш
5. Сабабли қотиллик

қасддан қилинадиган қотиллик деб, қурол ёки шунга ўхшаш темир ёки ёғоч ёхуд олов билан бировни атайлаб (қасддан) ўлдиришга айтилади. Бундай жиноятни содир этган шахс оғир гуноҳкор яъни ўта оғир жиноят этган ҳисобланади. Бунда айб тўғри қасддан содир этиган бўлади.

Қасдга ўхшаш қотиллик, Абу Ханифа фикрича –дейилган «Ҳидоя» асарида –қурол ва унинг ўрнига ўтадиган нарсалар билан эмас, бошқа нарса билан қасддан уруб ўлдиришдир. "Муҳтасар"да бу турдаги жиноят тушунчаси: ўлдириш нияти билан урган нарсаси аъзоларни титиб юборадиган бўлмайди. Бунда ўлдирувчи қасди билан сўкмаган (урмаган) бўлур, балки оғритув ёки қўрқитув нияти билан урган бўлур–деб янада кенгроқ ёртилган. Бу жиноят одатда эгри қасдан содир этилади.

Беқасд(билмай) ўлдиришда объектга нисбатан субъект томонидан хатоликка йўл қўйилган бўлади. Мисол учун, ўқотар қуролдан кийикни мўлжаллаб отиб, ўқ адашиб одамга тегса беқасд ўлдириш ҳисобланади. Бу жиноятнинг субъектив томони айбнинг эҳтиёцизлик шаклида содир этилган, деб қараш мумкин.

Беқасдга ўхшаш ўлдириш деганда, масалан, ухлаб ётган кишининг устида иккинчи бир киши йиқилиб тушганида ўлим юз берганида ҳам айб мавжуд деб қаралган. Субъектив томонидан ҳуқуқий баҳо берадиган бўлсак, бу жиноят ҳам айбнинг эҳтиёцизлик шаклида содир этиладиган тури деб ҳисобланган.

Одам ўлдиришнинг бешинчи тури сабабли ўлдириш деб номланган. Кўпгина манбаларда таъкидланишича, ўз мулкидан ташҳари жойга қудуқ қазиб қўйганида ёки тош териб қўйилганида бирон-бир киши қудққа тушуб кеца ёки тош ағдарилиб, бирон киши унинг остида қолиб ўлим юз берса қудуқ қазиган ёки тош териб қўйган киши одам ўлдиришнинг сабабчиси сифатида айбланган.

Шахснинг соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар ҳам мусулмон ҳуқуқи мазҳаб асосчилари томонидан икки тоифага –айбнинг қасд ва эҳтиёцизлик шаклларига бўлиб таснифланган, ўз навбатида этказилган жароҳатларнинг энгил ва оғирлик даражасига қараб, улар ҳам бир неча турларга бўлинади. Масалан, Абу Юсуф кишининг бош қисмига этказилган жароҳатларни оғирлик даражасига қараб, турга бўлиб ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаган. Чунончи, кишининг бош қисми ёрилиб қон оқишига сабаб бўлган жароҳат; бошдаги гўшт қисмининг бироз кесилиши; бош гўштининг чуқурроқ кесилиши; бош суягига қадар этказилган чуқур жароҳат; бош суягини ёрилишига сабаб бўлган жароҳат; бош

суякнинг синишига сабаб бўлган жароҳат ва ниҳоят жароҳат ва ниҳоят бош мияга етказилган жароҳат натижасида киши аҳли заифланшига сабаб бўлган ҳолатлар деб тушунтирилади.

Унинг фикрича, биринчи тўрт хил жароҳатлар қасддан этказилаг бўлса, уларнинг энгил даражада эканлигини ҳисобга олиб, қасос тенг жазо қўлланилган, кейинги уч хили оғир ва киши ҳаёти учун хавфли бўлгани сабабли қасосга йўл қўйилмасдан оғир товон тўлаш жазоси кўзда тутилган.

Шариатга тегишли назарий манбаларда мураккаб айбли жиноятларни тўғри квалификация қилишга катта эътибор берилган. Бир киши деб таъкидланади "Мухтасар" да иккинчи кишини ўлдириш учун ўқ узса бу ўқ шу шахсга тегиб ўтиб яна бошқа бошқа шахсга тегиб уни ҳам ўлдирса, айбдорга биринчи шахсни қасддан ўлдиргани учун қасос қўлланилган, иккинчи шахсни эҳтиёизликдан ўлдирилган деб товон тўлаш мажбурияти юклатилган.

Бир шахс иккинчи шахсга жиноят қуроли билан ўқталганда мудофаланувчининг ҳаётига тажовуз қилиш очик-ойдин бўлганида, тажовузчини ўлдирса, унинг ҳаракати зарурий мудафаа доирасида содир қилинган, деб бундай ҳолларда жиноят ҳисобланмаган.

Шариатда ҳам айбни фақат шахснинг содир этган жиноятига психик муносабати, деб қарамасдан, балки унинг ижтимоий сиёсий томонига ҳам эътибор берилган. Жумладан, "Мухтасар" асарида "агар босқинчи мол-мулкни эгалламасидан олдин ўлдирилса сиёсат учун сийсат учун ўлдирилган бўлади". Уни ўлдирган шахсга нисбатан жазо қўлланилмайди.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам бирон-бир бевосита объектга қарши қаратилган жиноятларнинг субъектив томонини чуқур таҳлили қилиш, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб бир неча турларга бўлинганлиги жиноятларнинг жинорий қилмишга психик муносабатини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш ва жамият учун ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноятларга қаттиқ жазо белгилаш мақсадида хизмат қилган.

2. Ахлоққа зид амаллар учун жазо чоралари

Жинорий қилмишлар ҳам, бошқа тақиқланган, қораланадиган ва номақбул амаллар ҳам ислом ҳуқуқида "Аллоҳ чегаралари"ни бузиш деб баҳоланади.

Мусулмонларнинг муқаддас китобида Аллоҳнинг бузиб бўлмайдиган қонун-чегаралари мавжудлиги таъкидланган. Бу қонун-чегаралар деганда ижтимоий-ҳуқуқий ва оила-рўзғор муносабатларини бузишнинг турли-туман шакллари тақиқланиши назарда тутилади.

Ислом ҳуқуқида белгиланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жазоларни тўрт асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

а. ўхшаш амал билан ўч (қасос) олиш: одам ўлдирганлик учун ўлдириш, ҳақорат қилганлик учун – ҳақорат қилиш, баданга шикаст етказганлик учун – баданга шикаст етказиш;

б. тўқилган қон эвазига ҳақ ёки жарима (дия) тўлаш, у одам ўлдириш учун ҳамм баданга шикаст етказиш учун ҳам белгиланиши мумкин;

с. қиёс асосида қонунга биноан белгиланадиган жазо;

д. шариат судьяси (қози) ишни кўриб чиқиб тайинлайдиган жазо¹.

Дия–хун ҳақи, одам ўлдирганлик, баданга шикаст етказганлик ёки жароҳат лаганлик учун тўланадиган товон пули. Дия масалалари фикҳнинг барча бўлимларида кўриб чиқилади, лекин асосан уқубот бўлимида шарҳланади.

Дия тартибининг биринчи шарҳини Абу Юсуф берган², сўнгра аш-Шайибоний муфассал тушунтирган; улардан кейинги муаллифлар умумий қоидаларни баён этиш билан чекланган.

Бу қоидалар мазмунни қуйидагича:

¹ Шаҳоби Махмуд. Адвар фикҳ. Икки жилддан иборат. 2 –жилд. – Техрон, 1961 (форс тилида). – 241–247–бетлар

² Китоб ал-ҳарож ли-л-қоди Абу Юсуф Якуб ибн Иброқим соҳиб ал-имом Абу Ҳанифа. – Қоҳира, ҳижрий 1346 (араб тилида). – 183–195–бетлар.

1. Одам ўлдирганлик учун дия (хун пули), агар ўлдирилган одамнинг меросхўрлари шунга рози бўлса, қонли қасос олиш аҳдидан қайтариш (**сар**) учун тўланади.

2. Баданга шикаст етказганлик ёки жароҳатлаганлик учун дия, агар жабрланган одам ва унинг қариндошлари шунга рози бўлса, жазодан (қасас) ҳалос бўлиш учун тўланади.

3. Эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш ёки жароҳатлашда ҳам дия тўланади, бундай қилмишлар учун бошқа ҳеч қандай жазо назарда тутилмаган; агар дияни айбдорнинг ўзи тўлай олмаса, етмаган маблағ унинг уруғларидан йиғиб олинади.

Одам ўлдирганлик учун тўланган дия мархумнинг ворислари ўртасида мерос сифатида тақсимланади. шикаст етказганлик ёки жароҳатлаганлик учун дияни жабрланувчининг ўзи ёки унинг ишончли вакили бу маблақларни унинг манфаатларида тасарруф этиш учун олади.

Тўлик дия – 100 туя ёки 200 бош йирик шохли қорамол ёки икки минг кўй ёки минг динор (ёки бошқа пулдаги муодили) ёки 10 минг дирҳам (ёки муодили) ёки 200 кийимлик қимматбаҳо мато.

Қасддан одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш ёки жароҳатлаш учун дия қисқа вақт ичида энг яхши мол билан тўланади, бу жиноятларни эҳтиётсизлик орқасида содир этганлик учун дия 3–5 йил ичида тўланиши мумкин, бунда мол ўзаро келишувга кўра танланади. Ҳар хил шикаст ва жароҳатлар учун дия тўлашнинг мураккаб тартиби ишлаб чиқилган. Масалан, кўл ёки оёқ; синиши –диянинг ўндан бир улуши, кўз шикастланиши натижасида кўриш қобилиятининг йўқолиши – ярим дия, тиш синиши – диянинг йигирмадан бир улуши ва ҳоказо.

Айтиб қўйилмаган шикастланиш ва жароҳатлар айтиб қўйилган шикастланиш ва жароҳатларга қараб, ўхшашлик бўйича баҳоланади. Дия миқдори ва шаклини суд белгилайди, лекин тарафлар ишни судга оширмасдан ўзаро келишиб олишлари ҳам мумкин. Жабрланувчи ёки айбдор аёл киши бўлса, дия икки баравар камаяди.

Дия тўламаслик муҳим мажбуриятни бузиш сифатида жазоланади, жиноятчи эса, токи дия тўланмаган ёки уни тўлаш ҳақида келишиб олинмаган экан, диний маросим учун нопок (жунуб) ҳолатида деб ҳисобланади ва бирон–бир диний маросимга қўйилмайди. Дия тўлаш ҳақида келишиб олинганидан сўнг айбдор кафорат келтириши ва покланиши (тахорат қилиши) шарт, шундан кейингина у жиноятчи ҳисобланмайди ва фақат қарздор сифатида қаралади. Дия фикҳ ўз кучини сақлаб қолган ҳамма жойда, айниқса, эскича ижтимоий тузилмалар сақланиб қолган жойларда амал қилади. Бунда дия тўлаш шакллари маҳаллий шароит, тасаввурлар ва қиймат муодилларига мослашиб, ўзгариб боради.

3. Ислом гасаб ҳамда ўғрилик учун жазо чоралари ҳақида

Суннийлик йўналишидаги ҳуқуқий мактаблар (Шиалар шариати ҳам) хусусий мулкни ҳимоя қилиб, ўғриликнинг олдини олиш ва ўғриларни қаттиқ жазолашга жиддий эътибор беради. Ўғриликка катта гуноҳ сифатида қаралади, бунда нима ўғирлангани (велосипед ўғирланганми ёки банк туналганми) аҳамиятга эга эмас.

Биринчи марта содир этилган ўғрилик учун ўнг қўлнинг тўрт бармоғи кесилади, иккинчи ўғрилик учун шариат чап оёғни тиззагача кесишни талаб қилади, учинчи ўғрилик учун эса, айбдор умрбод турмага ташланади. Агар у ўзини турмада сақлаш учун маблағга эга бўлмаса, бу харажатлар турма маблақидан қопланади. Агар у турмада ҳам ўғрилик қилса, шариат бундай одамни қатл қилишни талаб этади.

Ислом жиноят ҳуқуқи тадқиқотчилари яқдиллик билан ўғриликни Қуръонда оғир жазо белгиланган жиноятлар қаторига киритадилар:

Қуръони Карим, "Моида" сураси,38-39 оятлар да шундай дейилган:

“38. Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлнинг қилмишларига жазо бўлсун учун Оллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар! Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

39. Аммо ким бундай жабру зулмидан кейин тавба қилиб,ўзини тузатса, албатта Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилар. Албатта, Оллоҳ мағфиратли ва меҳрибондир”¹.

¹ Қуръони Карим.(таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур) Т, “Чўлпон.”1992-йил.76-77-бетлар

Ўғрилик учун бундай оғир жазо назарда тутилганининг сабаби шундаки, у ислом кўриқлайдиган беш бойликдан бири – мулкка тажовуз қилади.

Ўғриликни қўлни кесиш йўли билан жазолаш учун ўғирланган мол–мулк бир қанча талабларга жавоб бериши лозим. Хусусан, унинг қиймати белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги керак. Турли ҳуқуқий мактаблар чиқарган ҳулосаларга кўра, бу қиймат чорак динордан бир диноргача миқдорда белгиланган.

Ўғирланган мол–мулк мусулмонлар учун рухсат этилган (ҳалол) бўлиши ва бозорда сотилиши лозим. Шу сабабли исломда ҳаром ҳисобланган май ёки чўчка гўштини ўғирлаш "ҳадд"га лойиқ жиноят ҳисобланмаган.

Кўпгина шариат мазҳаблари намояндаларининг фикрига кўра, ҳар қандай жиддий ҳуқуқбузарлик ислом тақиқларини бузиш сифатида қаралади. Бу тақиқлар ислом асосларини, хусусан унинг ҳуқуқий тамойиллари ва меъёрларини, беш асосий қадрият – дин, ҳаёт, ақл, насли давом эттириш ва мулкни ҳимоя қилишга қаратилган.

Ислом жиноят–ҳуқуқий таълимоти замирида айнан шу ёндашув ётади, Бунда ҳуқуқбузарликни жиддий гуноҳ сифатида кенг тушуниш унинг расмий юридик маънодаги тор таърифи билан чатишиб кетади. Шу нуқтаи назардан, ал–Мавардий фикрига кўра, расмий юридик маънодаги ҳуқуқбузарлик деганда Аллоҳ тақиқлаган ва жазолайдиган қилмишни содир этиш тушунилади¹.

Фикҳда айрим шахс эмас, балки оила жиноят ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади. Одам ўддиришга жамиятга қарши эмас, балки ўлдирилган шахснинг оиласига қарши содир этилган жиноят сифатида қаралади.

Фикҳ бўйича ҳуқуқбузарлик учун балоғат ёшига тўлган, руҳий соғлом ва эркин одамгина тўлиқ жавобгар бўлиши мумкин. Вояга етмаганлар, руҳий касаллар ва куллар жавобгар бўлмади ёки жавобгарлиги чекланади.

Ислом ҳуқуқи ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни қийнашга йўл қўймади; айрим ҳоллардан ташқари, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳам мумкин эмас. Ислом жиноят ишларини юритиш тизими тезкорлиги билан ажралиб турган ва сансалорлик нималигини билмаган бўлур эди.

Исломдан олдинги даврга бориб тақаладиган биринчи тоифага ўғрилик ёки талончилик билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий жиноятлар (шу жумладан одам ўлдириш ва эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш) киради. Муҳаммад Пайғамбар (САВ) Қуръони Каримнинг "Бақара" сурасидаги 178–оятга асосланиб, қасос олишни ўзаро келишувга кўра хун ҳақи (дия) тўлаш билан алмаштириб, бу тоифага мансуб жиноятлар учун жазони енгиллаштирди. Шунини айтиб ўтиш керакки, хун ҳақи ёки товон пулининг тўланиши ҳуқуқбузарлик содир этган шахс қариндошларининг умумий жавобгарлиги билан қафолатланади.

Ислом даврида диний қонун билан белгилаб қўйилган ва кўпинча оғир жазолар (калтаклаш ва ҳатто ўлим жазоси)га йўл қўядиган иккинчи тоифага Аллоҳ белгиллаган чегаралардан четга чиқиш ва Аллоҳга қарши жиноятлар (диндан қайтиш, зино, эрга (хотинга) хиёнат қилиш, ширк келтириш, ичкиликбозлик); эрлик ҳуқуқидан фойдаланишга асос бўлувчи жиноятлар (ёлғондан зинода айблаш); аралаш жиноятлар (ўғрилик, талончилнк) киради.

Учинчи тоифа ислом даврида ижтимоий тузумга тажовуз сифатида қаралган барча қилмишларни ўз ичига силади. Бу тоифага мансуб ишларни кўришда қозилар одатда урф қоидаларига асосланган. Мулкка хиёс солиш ва ҳуқуқбузар"ни бошига салла ўраш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бундай қилмишлар учун одатдаги жазо чоралари ҳисобланган.

Ҳадд фақат суднинг ҳукми билан берилади ва 40 дан 100 тагача камчи уриш ёки калтаклаш билан амалга оширилади, ундан ташқари ибратли жазо тури (таъзир) ҳам қўлланилиши мумкин. Ўғрилик учун бериладиган жазонинг ўта оғирлиги исломнинг

¹ Ибн ал–Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал–Басрий ал–Мавардий. Ал–Аҳком ас–султония ва–л–вилоят ад–диния. – қоҳира, 1973 (араб тилида). – 219–6.

хусусий мулк муқаддас ва дахлсиздир, деган юридик ва ахлоқий тамойилларидан келиб чиқади. Ислом ҳуқуқи хусусий мулкни гасабдан ҳам ҳимоя қилади.

Гасаб – бошқа шахсни хусусий мулкдан маҳрум этиш – катта гуноҳ бўлиб, унинг учун айбдор жаҳаннам ўтида куйишга гирифтор этилади. Шу муносабат билан ислом фақиҳлари Муҳаммад Пайғамбарнинг (САВ) қуйидаги сўзларини келтирадилар: "Ким бировнинг бир қарич ерини тортиб олса, қиёмат кунда бу бир қарич ер дўзахнинг этти қават халқасига айланиб, унинг элкасига тушгуси"¹.

Нимани гасаб деб ҳисоблаш лозимлиги ислом ҳуқуқида муфассал белгиланган. Масалан, масжид, мадраса, кўприклар, бозорлар ва ҳоказолардан, яъни умумий фойдаланиш учун мўлжалланган жамоат жойларидан фойдаланишни тақиқлаш гасаб ҳисобланади.

Қарз берувчи қарздорга қарашли бирон–бир нарсани гаровга олган бўлса ва уни қайтараётиб ўзига бирон нарса беришни талаб қилса, бу ҳам гасаб ҳисобланади. Кимдир бировнинг нарсасини тортиб олган ва кейин йўқотиб қўйган бўлса, йўқолган нарса учун товон пули тўлаши шарт, акс ҳолда унинг бу қилмиши гасаб сифатида қаралади (тортиб олинган мол–мулкдан қўрилган фойда уни тортиб олган шахсга эмас, балки мол–мулкнинг эгасига тегишли бўлади).

Уй ҳайвони ҳайдаб кетилган ва у тукқан бўлса, уни ҳайдаб кетган одам ҳайвоннинг боласини ўзига олиб қолишга ҳақли эмас: ҳайвон боласи билан унинг ҳақиқий эгасига тегишлидир. Тортиб олинган уй бўш турган бўлса, тортиб олувчи унинг эгасига ижара ҳақи тўлаши лозим.

Икки киши бирга гасаб содир этган бўлса, жавобгарлик иккаласининг ҳам зиммасига тушади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, гасаб билан ўғрилиқ бир–биридан анча фарқ қилади. Гасаб – бировнинг мол–мулкни зўравонлик билан очик–ойдин олиб қўйиш; ўғрилиқ – яширин, хуфёна қилмиш.

Мусулмон мамлакатлари ҳозирги жиноят ҳуқуқининг таҳлили анъанавий ислом жиноят ҳуқуқи универсал кўринишда яқин вақтгача Африка, Жанубий ва Жануби–Шарқий Осиё мамлакатларининг биронтасида ҳам, шунингдек араб мамлакатларининг аксариятида деярли қўлланилмаганини кўрсатади. Арабистон яримороли ва Форс кўрфазининг айрим ҳудудларидагина жиноят ишлари бўйича ҳукм чиқаришда ислом ҳуқуқи асосий манба сифатида сақланиб қолган. Масалан, Саудия Арабистони қироллигида ягона жиноят кодекси ҳозиргача мавжуд эмас, лекин айрим жиноят қонунларида, шунингдек бошқа тармоқлардаги кўпгина норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда ислом жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллаш назарда тутилган. Саудия Арабистонида судлар жиноят ишларини кўриб чиқишда мунтазам равишда ҳанбалийлик мазҳабидаги нуфузли фақиҳларнинг ҳуқуқ манбаи сифатида расман тан олинган асарларига мурожаат этадилар, Масалан, бу асарларда белгиланган барча шартларга мос келувчи ўғрилиқ айбдорнинг қўли кесилишига сабаб бўлади².

Шунини таъкидлаш зарурки, ислом жиноят ҳуқуқи Яман, Уммон, Баҳрайн, қувайт, Сомали каби мусулмон мамлакатларида анъанавий тарзда анча юксак мавқега эга. Айрим мамлакатлар қонунчилиги рамазон ойида рўза тутиш қоидаларини бузишни жиноий жазога лойиқ қилмиш деб эълон қилган (1960 йилги Йордания ЖКнинг 274–моддаси ва Марокаш ЖКнинг 222–моддасида бундай қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш ва жарима назарда тутилган).

Сўнгги йилларда ислом ҳуқуқини тиклаш ва унинг тамойиллари, институтлари ва меъёрларини айрим мамлакатлар қонунчилигига киритиш тенденцияси кучайди. Масалан, Ливия мамлакат ҳуқуқий тизимини "исломийлаштириш"ни амалга оширди. Ислом жиноят ҳуқуқи институтларини жиноят қонунчилигига киритиш амалиёти Покистон ва Эронда кенг тус олди.

¹ Буружери Хусайин Таби–Табоий. Рисолаи Тавозих ал –Масоил 4–наш Техрон (араб тилида).– 2554– масала

² М.Ражабова.Шариат жиноят ва жазо.Тошкент.Адолат.1996 йил.52-бет

4. Мусулмон Жиноят ҳуқуқининг хусусиятлари

Ислом жиноят ҳуқуқига кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик гуноҳ ҳисобланади. Шу сабабли ҳуқуқбузарлик оқибати ҳақида ҳулоса чиқаришда қилмишнинг нафақат ҳуқуқий, балки диний жиҳати ҳам ҳисобга олинади.

Кўпгина шариат мазҳаблари намояндаларининг фикрига кўра, ҳар қандай жиддий ҳуқуқбузарлик ислом тақиқларини бузиш сифатида қаралади. Бу тақиқлар ислом асосларини, хусусан унинг ҳуқуқий тамойиллари ва меъёрларини, беш асосий қадрият - дин, ҳаёт, ақл, наслни давом эттириш ва мулкни ҳимоя қилишга қаратилган.

Ислом жиноят-ҳуқуқий таълимоти замирида айнан шу ёндашув ётади, Бунда ҳуқуқбузарликни жиддий гуноҳ сифатида кенг тушуниш унинг расмий юридик маънодаги тор таърифи билан чатишиб кетади. Шу нуқтаи назардан, ал-Мавардий фикрига кўра, расмий юридик маънодаги ҳуқуқбузарлик деганда Аллоҳ тақиқлаган ва жазолайдиган қилмишни содир этиш тушунилади¹.

Фикҳда айрим шахс эмас, балки оила жиноят ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади. Одам ўлдиришга жамиятга қарши эмас, балки ўлдирилган шахснинг оиласига қарши содир этилган жиноят сифатида қаралади.

Фикҳ бўйича ҳуқуқбузарлик учун балоғат ёшига тўлган, руҳий соғлом ва эркин одамгина тўлиқ жавобгар бўлиши мумкин. Вояга етмаганлар, руҳий касаллар ва қуллар жавобгар бўлмайди ёки жавобгарлиги чекланади.

Ислом ҳуқуқи ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни қийнашга йўл қўймайди; айрим ҳоллардан ташқари, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳам мумкин эмас. Ислом жиноят ишларини юритиш тизими тезкорлиги билан ажралиб турган ва сансалорлик нималигини билмаган бўлур эди.

Шариат тарихий ва жинсий мезонлардан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликларни уч тоифага ажратади. Таниқли тадқиқотчи Р.Шарль ҳар бир тоифани шундай тавсифлайди.

Исломдан олдинги даврга бориб тақаладиган биринчи тоифага ўғрилиқ ёки талончилик билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий жиноятлар (шу жумладан одам ўлдириш ва эҳтиёсизлик орқасида баданга шикаст этказиш) киради. Муҳаммад Пайғамбар (САВ) қуръони Каримнинг "Бақара" сурасидаги 178-оятга асосланиб, қасос олишни ўзаро келишувга кўра хун ҳақи (дия) тўлаш билан алмаштириб, бу тоифага мансуб жиноятлар учун жазони энгиллаштирди. Шуни айтиб ўтиш керакки, хун ҳақи ёки товон пулининг тўланиши ҳуқуқбузарлик содир этган шахс қариндошларининг умумий жавобгарлиги билан қафолатланади.

Ислом даврида диний қонун билан белгилаб қўйилган ва кўпинча оғир жазолар (калтаклаш ва ҳатто ўлим жазоси)га йўл қўядиган иккинчи тоифага Аллоҳ белгиланган чегаралардан четга чиқиш ва Аллоҳга қарши жиноятлар (диндан қайтиш, зино, эрга (хотинга) хиёнат қилиш, ширк келтириш, ичкиликбозлик); эрлик ҳуқуқидан фойдаланишга асос бўлувчи жиноятлар (ёлғондан зинода айблаш); аралаш жиноятлар (ўғрилиқ, талончилнк) киради.

Учинчи тоифа ислом даврида ижтимоий тузумга тажовуз сифатида қаралган барча қилмишларни ўз ичига силади. Бу тоифага мансуб ишларни кўришда қозилар одатда урф қоидаларига асосланган. Мулкка ҳибс солиш ва ҳуқуқбузар"ни бошига салла ўраш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бундай қилмишлар учун одатдаги жазо чоралари ҳисобланган.

Шундай қилиб, ислом жиноят ҳуқуқи ҳуқуқбузарликларнинг уч тоифасини тан олади:

- 1) қасас ёки дия билан жазоланадиган жиноятлар;
- 2) жазо тариқасида ҳадд тайинланадиган жиноятлар;
- 3) "ахлоқ тузатиш жазолари" - таъзирга тортиладиган енгил ҳуқуқбузарликлар.

Ҳад (араб, кўпликда- "худуд", яъни "чегара") билан жазоланадиган жиноятлар - бу қуръонда тегишли жазо назарда тутилган қилмишлардир. "худуд" ёки "чегара" атамаси мусулмонларнинг Муқаддас китобидан олинган: "Бу Аллоҳнинг қонун-чегараларидир. Бас,

¹ Ибн ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Басрий ал-Мавардий. Ал-Аҳком ас-султония ва-л-вилоят ад-диния. - қоҳира, 1973 (араб тилида). - 219-б.

улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўша, ана ўшалар золимлардир".¹

Ислом ҳуқуқшунослари тафсирига кўра, бундай қилмишлар Аллоҳга қарши жиноят бўлиб, улар учун жазо бериш "Аллоҳнинг ҳаққи" ҳисобланади.

Ушбу тоифага киритилган жиноятлар орасида қуйидагилар бор:

- **зино;**
- **тухмат (казф);**
- **майхўрлик (хамр);**
- **ўғрилиқ (сиркат);**
- **диндан қайтиш (ридда);**
- **исён (муфсид).**

Фикҳга кўра, исломдан чиқмаган ҳолда, шариат талабларини бажаришдан, масалан, солиқ тўлаш ёки қонуний ҳукумат ё маҳаллий ҳокимга бўйсунитишдан бош тортган одам исёнчи ҳисобланади. Бундай кимсалар, агар улар вақтида тавба қилмаса, қатл этилади, уларнинг мол-мулки эса мусодара қилинади, яъни улар диндан қайтган одамлар билан бир хил жазога тортилади, лекин уларга ўхшаб мусулмонча урф бўйича дафн этишдан маҳрум қилинмайди.

Пайғамбарларга шак келтириш диндан қайтиш билан бир хил жазога тортилади, лекин бу ҳолда айбдор тавба қилишга чақирилмайди, чунки бундай жиноят афв этилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, айни ҳолда нафақат мусулмонлар, балки зиммийлар ва мушриклар ҳам жазоланиши лозим. Бундай иш бўйича ҳукм чиқариш учун судда мусулмонлардан бўлган икки гувоҳ кўрсатув бериши талаб этилади.

"Қасас", "дия", "ҳудуд" жазолари назарда тутилмаган ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар "таъзир"га тортилади. **Таъзир** - жамоат тартибини бузганлик (ҳокимият вакилларига бўйсунмаслик, безорилик, киссавурлик, майда фирибгарлик ва ҳ.к.) учун тайинланадиган жазо. У ё суд ҳукмига биноан, ё ҳукмдор ёки миршаблар бошлиғи (мухтасиб) қарорига кўра тайинланади. Таъзир - қамчи ёки қалтак билан 5 тадан 39 тагача дарра уриш ёки олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима солиш. Таъзирда дарра уриш ҳадд жазосидаги қамчи амалга оширилади.

Қилмишнинг оғирлиги ва айбдорнинг шахсига қараб, таъзир чораси сифатида жамоатчилик иззаси, қози ёки ҳукмдорнинг оғоҳлантириши, тартибга чақирувчи суҳбат ва бошқа таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Таъзир муқаррар тарзда айбдорнинг тавба қилиши, узр сўрашини назарда тутаяди, оғирроқ ҳолларда эса, у қилган гуноҳи учун эваз тўлаши (каффорат)² лозим. Жабрланувчининг хоҳишига кўра таъзир жазоси тайинланмаслиги ҳам мумкин бўлган.

Мусулмон мамлакатлари ҳозирги жиноят ҳуқуқининг таҳлили анъанавий ислом жиноят ҳуқуқи универсал кўринишда яқин вақтгача Африка, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг биронтасида ҳам, шунингдек араб мамлакатларининг аксариятида деярли қўлланилмаганини кўрсатади. Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфазининг айрим ҳудудларидагина жиноят ишлари бўйича ҳукм чиқаришда ислом ҳуқуқи асосий манба сифатида сақланиб қолган. Масалан, Саудия Арабистони қироллигида ягона жиноят кодекси ҳозиргача мавжуд эмас, лекин айрим жиноят қонунларида, шунингдек бошқа тармоқлардаги кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ислом жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллаш назарда тутилган. Саудия Арабистонида судлар жиноят ишларини кўриб чиқишда мунтазам равишда ханбалийлик мазҳабидаги нуфузли фақиҳларнинг ҳуқуқ манбаи сифатида расман тан олинган асарларига мурожаат этадилар, Масалан, бу асарларда белгиланган барча шартларга мос келувчи ўғрилиқ айбдорнинг қўли кесилишига сабаб бўлади³. Шунини таъкидлаш зарурки,

¹ Қурони Карим. "Бақара" сураси. 178-оят

² Каффорат-айбни беркитиш, тўғри маъносини билдириб, мусулмон кишининг гуноҳ ишнни содир этганда тўғридан тўғри ёки рўза тутмоғи

³ Ҳаммуд Дави ал- Қассамий. Аш-Шариа ал-Исломия ва асруҳа фи-з-заҳира ал –ижромийа (араб тилида).- Жидда, 1978 йил. 174-бет.

ислом жиноят ҳукуқи Яман, Уммон, Бахрайн, қувайт, Сомали каби мусулмон мамлакатларида анъанавий тарзда анча юксак мавқега эга. Айрим мамлакатлар қонунчилиги рамазон ойида рўза тутиш қоидаларини бузишни жиноий жазога лойиқ қилмиш деб эълон қилган (1960 йилги Иордания ЖКнинг 274-моддаси ва Марокаш ЖКнинг 222-моддасида бундай қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш ва жарима назарда тутилган).

Сўнгги йилларда ислом ҳуқуқини тиклаш ва унинг тамойиллари, институтлари ва меъёрларини айрим мамлакатлар қонунчилигига киритиш тенденцияси кучайди. Масалан, Ливия мамлакат ҳуқуқий тизимини "исломийлаштириш"ни амалга оширди. Ислом жиноят ҳуқуқи институтларини жиноят қонунчилигига киритиш амалиёти Покистон ва эронда кенг тус олди.

1983 йил Суданда янги жиноят кодекси амалга киритилди. Унда айрим жиноятлар учун ислом жиноят ҳуқуқига хос бўлган жазолар назарда тутилган:

- ❖ "қасас" тариқасида ўлим жазоси;
- ❖ тошбўрон қилиш;
- ❖ чорчўпга михлаш;
- ❖ қўл ва оёқни кесиш;
- ❖ хун ҳақи тўлаш (унинг тўлиқ миқдори 10 туяга ёки уларнинг Судан валютасидаги қийматига тенг);
- ❖ дарра уриш (25 тадан 100 тагача);
- ❖ сургун қилиш;
- ❖ талион тамойили бўйича жазолаш.

Ислом ҳуқуқига кўра, дин ва фуқаролик ҳуқуқлари нуқтаи назаридан соғлом ақл ва муомала лаёқатига эга бўлган тирик одамгина ўз қилмишлари учун тўлиқ жавобгар бўлади, вояга етмаган (ёки муайян мазҳабга мансублигига қараб 15-18 ёшдаги) ўсмирларга нисбатан фақат мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Ақли заифлик ёки мастлик орқасида жиноят содир этиш жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар ҳисобланади. Ислом жиноят ҳуқуқи нафақат шахс ўзини ўзи қонуний ҳимоя қилишига, балки муайян хавф таҳдид солаётган мол-мулкни муҳофаза қилишга ҳам ижозат беради. Мулк эгаси ўғрини кечаю кундуз таъқиб қилишга ва ўғирланган мол-мулкни қайтариш учун хаато ўғрини ўлдиришга ҳам ҳақлидир.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.

1. Қуръони Карим, таржима ва тафсир. муаллифи Алоуддин Мансур "Чўлпон"нашриёти . - Т,: 1992 йил
- 2.А.Х.Саидов. Основы мусульманского права. Т, "Адолат" 1994.
- 3.М.Ражабова Шариатда жиноят ва жазо.Т., Адолат.1996й
- 4.Мухтасар., "Чўлпон" нашриёти босмаҳонаси Т,: 1994 йил
- 5.А.Раҳманов.А.Раҳманов.Ислом ҳуқуқи. Т., ТДЮИ.2007й.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: мусулмон ҳуқуқида жиноят ва жазо, ижмоъ, қиёс, ҳадд, диа, товон,қасос, таъзир.

Мавзуга доир назорат саволлар:

- 1.Мусулмон ҳуқуқида жиноят тушунчаси
- 2.Мусулмон ҳуқуқида жазо тушунчаси
- 3.Шариатда жиноят тушунчаси
- 4.Ислом нормаларида жиноятнинг таркибий элементлари
- 5.Шариатда жиноий жазо тушунчалари.
- 6.Жиноий жазо турлари
- 7.Ҳадд нима?
- 8.Қасос нима?
- 9.Таъзир нимани англатади?
10. Шариат белгилаган "хун ҳақи" турларини айтинг.

11. Жиноий қилмишлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун барча жазоларни шариат тўрт асосий гуруҳга ажратган. Уларни айтинг.
12. Хадд жазосини бошқа жазо билан алмаштириш мумкинми?
13. Зино учун назарда тутилган жазолар ҳақида гапириб беринг.
14. Ислом ҳуқуқида ўғрилиқ учун қандай жазо чоралари назарда тутилган?
15. "Гасаб" нима?
16. Гасаб ва ўғрилиқ ўртасидаги фарқ нимада?

Тавсия этилган ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати. Асосий адабиётлар

1. А.Х.Саидов. Основы мусульманского права. Т., 1994. 150.б
2. Коран. Казань., 1907. 727.б
3. А.Р.Рахманов, А.Р.Рахманов. Исламское право. Т.2003. “Янги аср авлоди”
4. Чиркин В.Е. Мусульманское право. Сюкияйнен Л.Р. Структура мусульманского права. М.,1994. 4-38 стр
5. Хадис. 4-х томах. Т.1992-1996. 423.б
6. М. Раджабова. Шариатда жиноят ва жазо. Т. “Адолат”. 1996.
7. Саидов А.Х. Важнейший памятник Шариата мусульманского мира. Предисловие к русскому изданию книги Маргинани Б. Хидоя.1. 1994. 24-25
8. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. – Т. “Академия МВД”, 1994.
9. Сукияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. – М.: «Наука», 1986.
10. Садагдар М.Н. Основы мусульманского права. – М.: «УДН», 1968.
11. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т: Тошкент Ислом университети, 2002.
12. Шарль Р. Мусульманское право. – М.: Издательство иностранной литературы, 1959.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун. 1998. 1.05.
3. Ўз.Р.Фуқаролик Кодекси. 01.03. 1997 (Янги таҳрири)
4. Ўз.Р.Жиноят Кодекси 01.04.1995. (Янги таҳрири)
5. Ўз.Р. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 9-10-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, ишени яхшилаш ҳақида»ги Фармони // Хабарнома 1997 йил 2-сон. 45-47-бетлар.

Қўшимча адабиётлар

1. А.В.Журевский. Христианство и ислам. М.,1990. 260.б
2. А.Доев, Б.Кубаев. Вечная истина ислама. Бишкек.,1995. 287.б
3. З.Кунрапа. Пайгамбаримиз ва Ашарай мубашшара. Т., 1995. 215.б
4. Ю.Б.Вахтин. Жизнь пророка Мухаммеда. Т.,1991.290.б
5. Хрестоматия по исламу. М., 1994, С. 167-169
6. Ислом. Справочник. Т., Адолат, 1989
7. Р.Фахрулдин, Хулафой Рошидан. Т.,1992.
8. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Т.: Фан, 1967
9. Бобоев Х.Б. Ўзбекистон сиёсий ҳуқуқий таълимотлари тарихидан. – Т.: ТошДУ, 1987.
10. Бобохонов Ш. Қуръоннинг 30-пораси таржимаси ва изоҳи. – Т.: “Мерос”, 1991.
11. Бухорий Мухаммад ибн Исмоил. Хадис. Ал-жомий ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). –

- Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1997.
12. Гольдцигер И. Ислом ҳақида маърузалар. – Т.: Академия, 2001.
 13. Жазарий А. Тўрт мазҳаб бўйича фикҳ илми. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1990.
 14. Жузжоний А.Ш. Бурхониддин Марғиноний. “ал-Хидоя”. // Жамият ва бошқарув. 1998. №1.
 15. Жузжоний А.Ш. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари. // Ҳаёт ва қонун, 1997, №7.
 16. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқида халифалик ва имомлик муаммолари. // Мулоқот, 1996 №2.
 17. Жузжоний А.Ш. Бухоролик фақиҳлар оиласи // Ҳаёт ва қонун, 1994. №3
 18. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. – Т.: Фан, 1961.
 19. Зухайлий В. Ислом фикҳи ва манбалари. – Байрут: Дорул фикҳ, 1984. 10 жилдда.
 20. Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. Ўрта Осиёлик йирик олим. – Т.: Фан, 1961.
 21. Ислом ва дунёвий маърифий давлат. / З.И. Мунавваров ва В. Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. – Т., 2003.
 22. Исҳоков С. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2005.
 23. Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993.
 24. Киндий Мухаммад ибн Юсуф. Қозилар ҳақида китоб. – Лондон. 1917.
 25. Марғиноний Б. Хидоя. 1-жилд. – Т.: Адолат, 2000.
 26. Мухтасар (шариат қонунларига қисқача шарҳ). – Т.: Чўлпон, 1994.
 27. Наршахий Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. – Т.: “Камалак”, 1992.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3-4-
Мусулмон ҳуқуқи фанининг предмети, услублари ва аҳамияти.....	5-19-
Мусулмон ҳуқуқининг манбалари.....	29-41-
Мусулмон ҳуқуқининг қўшимча манбалари.....	41-62-
Мусулмон ҳуқуқида йўналиш ва мазҳаблар.....	63-72-
Исломда ноанъанавий оқимлар ва диний экстремизм.....	72-96-
Инсон ҳуқуқлари: исломий ёндошув ва конституцион амалиёт.....	97-124-
Ислом фуқаролик ҳуқуқининг асослари.....	124-143-
Мусулмон ҳуқуқида оила никоҳ масалалари.....	143-173-
Мусулмон ҳуқуқида жиноят ва жазо	197-217-